


Носир Мұхаммад

Сирли зарбараклар



Носир Мухаммад



Тарихий муродоне

Синдин зарбадаринчай

ТОШКЕНТ
«O'ZBEKISTON»
2016

УЎК: 821.512.133

КБК 63.3(5Ў)

М 96


Тарих ҳамиша сирли, мафтункор, жозибали. Мозийда бўлиб ўтган воқеалар, кўздан йирок тафсилотлар эса йиллар, аерлар ўтгани сайнинг ойдинлапиб, янги-янги тафсилотлар билан тўлдирилиб, янада мукаммаллашиб бораверади. Ҳақикат ойдинланишгани сайни воқеалар янада улуувор тус олади, бугунги кун назарида, китобхонлар кўзи олдида янти жихатлари ила намоён бўлади. Тарихчилар ҳам, зиёли қаим вакиллари фаол китобхонлар ҳам мутолаа шайтида ўтган воқеаларни тадқик қилиш асносида бундай холатларга кўп маротаба дуч келади лар.

Мамлакатимизда таникли шоир, жамоат арбоби, тарихсевар ҳамюртимиз Носир Мухаммад кўп йиллардан бўён тарихнинг сирли зарварақларини мутолаа қилини, тадқиқ этини, бўлиб ўтган воқеаларга ойдинлик киритип борасида кизгии фаолият олиб бораётган адиллардан саналади. Унинг янги тадқиқотлари жамланган уибу тўплами сизни ҳам, азиз китобхон, бефарқ қолдирмайди, деб ўйлаймиз. Тарих зарварақлари бўйлаб, воқеаларниң сирли тафсилотлари томони саёҳатга марҳамат, дўстлар...

ISBN 978-9943-28-553-8

© Носир Мухаммад, 2016

© «O‘zbekiston» НМИУ, 2016



МАНГУБЕРДИНИНГ ҲАЁТИ ВА КУРАШЛАРИ

Жарих ўзига хос ибрат мактабидир. Кечмиининг катта-кичик воқсалари, зафарлар ва мағлубиятлар, тантаналар ва фожиалар аслида шоҳлар, саркардалар, адиллар ва санъаткорлар қисмати билан узвий боғлиқ. Шўролар даврида тарбиб қилинганидек, тарихни омма эмас, буюк шахслар яратади. Уларнинг ҳаёт ҳикояси эса барчамизга ибрат ва сабоқ.

Жалолиддин билан илк «танишув»

1976–1979 йиллари Эронда шўро мутахассисларининг форс тили таржимони бўлиб ишладим. Бўш найтларимда китоб дўконларини айланар, тарихимиизга ва маданиятишимга оид манбаларни қидирар эдим. Табиийки, нархлари қиммат бўлгани сабабли, уларнинг ҳаммасини олишга имконим йўқ эди. Аммо Бобурийлар суоласи ва тасаввуф ҳақидаги инглизча китоблар, Жалолиддин Румининг маснавийлар ва газаллар девони, мамлакатимиз тарихи ва маданиятига оид бир талай китоб ва мақолалар ўша кўплардан ёнгур бўлиб қолди.

58/18

Баъзи пайтда собиқ Шўролар Иттифоқининг Эроидаги элчихонаси кутубхонасидан ҳам китоб олиб турар эдим. Шундай кунлардан бирида Шаҳобиддин ан-Насавийнинг Жалолиддин Мангуберди ҳаёти ва курашлари ҳақидаги «Сийрат ус-султон Жалолиддин Мангуберди (Менгбурну)» деб номланган китоби қўлимга тушиб қолди. У таниқли озарбайжон олими Зиё Бунёдов томонидан русчага таржи-ма қилинган ва биринчи ўзбек генерали Собир Раҳимов хотирасига бағишланган эди. Кейинчалик, Зиё Бунёдов Собир Раҳимов билан бирга Бокудаги харбий билим юртида ўқиганлиги ва яқин дўст бўлганлигини эшитдим. Зиё Бунёдов ҳам Иккинчи жаҳон урушида иштирок этган ва қаҳрамон унвонига сазовор бўлган эди.

Осиё ва Яқин Шарқ мамлакатларида мўнул босқинчиларига қарши кураш қаҳрамони сифатида довруғ қозонган Жалолиддин Мангубердининг ҳаёти жуда кўплаб асарларга мавзу бўлган. Атоқли ўзбек шоири Макслуд Шайхзода қаламига мансуб «Жалолиддин Мангуберди» драмаси Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбекистон саҳналарида қўйилган ва ҳалқ тилига тушган эди. Аммо Шўролар ҳокимияти ўша пайтда бу асар миллий ғурурни юксалтиришидан чўчиб, уни саҳнадан олиб ташлаган, асар муаллифи Шайхзода домлани миллатчиликда айблаб, азоблаган эди.

Зиё Бунёдовнинг китоби мен учун чинакам кашфиёт бўлди. Шўролар мафқураси Жалолиддинга босқинчи деб тамға босган бир даврда ушинг юрт озодлиги учун курашган ҳалқ қаҳрамони эканлигини айтиш учун катта жасорат керак эди. Раҳматли Зиё Бунёдов ана шундай жасоратли ва мард инсон эди.

Насавийнинг китоби Жалолиддин хақидаги энг ишончли ва холисона ёзилган асардир. Зоро, Насавий шахсий котиб сифатида Жалолиддин билан ҳамиши бирга бўлган, унинг фазилатларини ҳам, нуқсонларини ҳам яхши билган. Мўфул боскинчиларига қарши жангларида, қўйни хукмдорлар билан ёзишмаларида бевосита иштирок этгаи.

Хуллас, китоб менинг доимий ҳамроҳимга айланди. Ундан дафтаримга анчагина кўчирмалар қилиб олдим. Жалолиддин эса менинг севимли қаҳрамоним бўлиб қолди. Ўша йиллари туғилган ўғлимнинг отини Жалолиддин қўйдим. Ватан соғинчи хақидаги шеъримда эса шундай сатрларни биттаи әдим:

*Жалолиддин узоқларда аямасдан жон,
От сурғанда, қиличида ёвлар заволи.
Найза бўлиб санчилганда кўксига армон,
Мадад бўлган унга ташҳо юртни ҳаёли...*

❖ Тарихга бир назар ❖

Хоразм қадимий маданият бешикларидан биридир. Унинг тарихи бир неча минг йилликларни камраб олади. Воҳанинг энг гуллаб япнаган даврларидан бири Хоразмшохлар хукмронлиги пайти бўлганлиги шубҳасиз. Бу пайтда Ўрта Осиёда йирик марказлашган давлат вужудга келган эди. Пойтахти Урганч шаҳри бўлган бу давлат Хоразм, Мовароуннахр, Эрон, Афғонистоннинг катта қисмини ўз ичига олган. У фарбда Бағдол ҳалифалиги билан, Шарқда Ҳиндистон билан чегарадош әди. Айниқса, Алоуддин

Мұхаммад хукмронлиги даврида, яни 1200–1220 йилларда Хоразм ўз таракқиётининг юксак чўққисига кўтарилди.

Афсуски, мўғуллар босқини мамлакатни тўғон каби остин-устун қилиб юборди. Хоразм ва Мовароуннахрнинг кўилаб шаҳарлари вайрон қилинди. Асрлар давомида фан ва маданият марказлари бўлиб келган жойлар харобага айланди. Солномачиларниң ёзишича, ўшацда Самарқанд ахолисининг тўртдан бир қисмигина колгаи. Ахолининг кўнчилиги жантда ҳалок бўлган, қолганлари эса бошқа юртларга қочиб кетгаплар. Коюқларниң бир қисми Ҳиндистондан бошиана тоғган. Чунки бу ерда йирик мусулмон давлати – Дехли сultonлиги вужудга келган эди. Унинг асосчилари Кутбиддин Ойбек (1206–1210) ва Шамсиддин Элтугмин (1211–1236) туркийлардан эдилар. Албатта, бундан олдин ҳам Туркистон билан Ҳиндистон ўртасида сиёсий-иқтисадий алоқалар мавжуд бўлган, савдо карвонлари тўхтовсиз қатнаб турган. Ҳиндистонни чукур тадқик килган хоразмлик икки буюк шахс – Мұхаммад бин Мусо Хоразмий ва Абу Райхон Беруний анъаналари кейинги асрларда ҳам муваффақиятли давом эттирилди. Айниқса, мўгуллар босқини даврида кўплаб зодагонлар, амирлар, шоир ва санъаткорлар Дехли сultonлигига кета бошлиганлар. Тарихчи Жузжоний ўзининг «Табакоти Носирий» асарида ёзишича, Шамсиддин Элтугминин давлат тизимидағи 25 маликидан ярмидан кўнроғи Мовароуннахр туркий ҳалкларидан бўлган.

1220 йилнинг охирига келиб Хоразмшоҳлар давлатининг тақдирини ҳал бўлган эди. Алоуддин Мұхаммад Хоразмшоҳ ўзининг машманилиги, узокни кўролмаслиги қурбони бўлган, мўгулларга қарши мамлакатни сафарбар кила олмаган эди.

Натижада у бир неча тўқнашувларда мағлубиятга учраб, зўра кочиб қутулади. Гургон дарёсининг Ҳазар дегизига қўйиладиган Обисукун бандари яқинидаги ороллардан бирига яширинади (ҳозирги Эроннинг Гургон шахри яқинида). Аммо оғир изтироблар унинг вужудини смирган эди. Сўнгги дамда у хое мулозимларидан бири олдида кўз ёши тўкиб, «Бизга тобе ерлардан қабр учун икки кулоч ҳам ер қолмади», дей фифон чекади.

Тарихчиларниң ёзишича, Хоразмшохниң қўшини аслида Чингизхон қўшинидан кучли ва кўп сонли бўлган. Аммо у бутун кучни тўплаб, Сирдарё ёқасида ҳал қилувчи жангта киришиш таклифиши қабул қилмаган. Хоразмшохниң катта ўғли, бу вақтга келиб тўқнашувларда тажриба орттирган ва саркардалик санъатини пухта эгаллаган Жалолиддин ҳам барча кучни тўплаб, ҳал қилувчи жангта киришиш тарафдори бўлган. Аммо Хоразмшоҳ ҳар бир шаҳар гарнizonи ўзича химоялансан, деб фармон берган. Натижада ёпирилиб келаётган мўғуллар мамлакат шаҳарларини бирин-кетин ер билан яксон қилганлар.

Хоразмшоҳ давлати бошқарувидаги қабилачилик-уругчилик апъаналари ҳам душманга қарши бирлашишга тўсқинлик қилиган. Биргина мисол: қоида бўйича катта ўрил сифатида Жалолиддин таҳт вориси бўлиши керак эди. Аммо момоси Туркон хотун бунга қарини чиқади. У ўзининг қанғли уруғидан бўлган невараси Ўзлоқшоҳни валиаҳд қилиб тайинлашга эришади. Унга Хоразм, Хурсон ва Мозандарон каби муҳим вилоятларни бошқарини топширилганди. Аммо Ўзлоқшоҳда саркардалик салоҳияти йўқ эди. Мўғуллар билан дастлабки жантлардаёқ бу якқол намоён бўлади.

1220 йилнинг декабрь ойида Хоразмшоҳ ўғиллари Жалолиддин, Ўзлоқшоҳ ва Оқшоҳни ўзи наноҳ тошган оролга чакирди. Ўлими яқинлашганини сезган ҳукмдор ўзининг хатосини тузатиш ниятида эди.

— Фарзандларим, — дейди у, — босқинчилар бало-қазодек юртимизни эгалладилар. Уларга бас келадиган куч топа олмадим. Аммо умидим сизлардан. Жалолиддинни ўзимга валиахд қилиб тайинлайман. Ҳозирги шароитда фақат Жалолиддингина менинг ўчимни олишига, шаънимиздаги ҳақорат доини ювишга кодир. Ака-укалар бир ёқадан бош чиқариб, ёвга карши курашинг.

У шундай деб, ўз қиличини Жалолиддиннинг белига боевлаб қўяди. Орадан кўп вақт ўтмай Алоуддин Мухаммад ана шу кимсасиз оролда ҳаёт билан видолашади. Тарихчиларнинг ёзишича, кафандик тошилмаганидан унинг жасади бир мулоғимининг кўйлагига ўраб кўмилган экан. Ўрта Осиёда катта бир салтанат барто этган, ўилаб ўлкаларни ўзига тобе қилган зот умри шу тариқа аянчли якун тонади...

Парчаланган салтанатни тиклаш йўлида

Жалолиддин Мангуберди парчаланган салтанатни мерос қилиб олди. Унинг кейинги ўн бир йиллик ҳаёти Хоразмшоҳлар давлатини қайта тиклаш йўлида мўғул босқинчиларига қарши шонли, гоҳида эса фожиавий воқеаларга тўла кураш билан ўтди.

Мангубердининг ҳаёти ва курашлари ҳақида бир талай тарихчилар ёзиб қолдиришган. Албатта у ҳақидаги энг мукаммал китоб Шаҳобиддин ан-Насавийнинг «Сийрат ус-султон

Жалолиддин Мангуберди (Ментбурну)» асариdir. Бундан ташкари, Ота Малик Жувайший, Иби ал-Асир, Жузжоний, Иби Биби, Иби Восил каби солноманависларнинг асарларида у ёки бу шаклда Жалолиддин фаолияти қаламга олинган. Гуржи ва арман манбаларида ҳам апчагина маълумотлар бор.

Насавий ўз асарида саркарданинг қиёфасини шундай тавсифлайди: «У (Жалолиддин) қорачадан келган, ўрта бўйли, нутқи ва ифодаларига кўра турк, аммо форсча ҳам ташлашар эди. Унинг жасурлиги ҳакида айтадиган бўлсак... у шерлар ичра шер, моҳир чавандозлар ичида энг ботири эди. У мулоим табиатли бўлиб, хеч қачон жаҳлланмас ва сўкинмасди. Ўзини жилдий тутар, аммо у дуч келган исёnlар даври табиатига ҳам таъсир килди. У фуқаролар турмушини яхшилашга интиларди, аммо тупкунликлар даврида хукмролик қилганлиги учун зўрлик ишлатишга мажбур бўлди... Унинг ёрлиқларидаги тамғасида «Мадад фақат Оллоҳдан» деган сўзлар ёзилган эди».

Юқорида қайд этилганидек, Жалолиддин отаси томонидан валиахдликка тайинлангач, ўз яқинлари билан Хоразмга йўл олди. Аммо у ерда узоқ қолмади. Укаларининг тараффорлари фитна ҳозирлаганлигидан огоҳ бўлгач, Урганчдан яширинча чиқиб кетди ва Фазни шаҳрига келди. Тез орада Урганчини забт этган мўгуллар уни изма-из таъқиб қила бошлидилар. Бўлиб ўтган бир неча жангда Жалолиддин ўзининг саркардалик маҳоратини, қобилиятини яққол намойиш этди, кўп сонли душман бирликларини тор-мор килди.

Ўша даврнинг энг шиддатли жангларидаи бири ҳозирги Афғонистон ҳудудидаги Парвон даштида бўлиб ўтди. Хоразм аскарлари мўгул лашкарбошиси Шиги-кутуку бошлилигидаги

40 минг кишилик қўшинга рўбарў келдилар. Жалолиддин ўз қўшимишинг ўнг қанотини амирларидан Амин Маликка, чаш қанотини Сайфиддин Ироққа тошириб, ўзи марказий қисмга бошчилик килди. Икки кун давом этган жашда мўгуллар тамомила тор-мор килипди. Шиги-Кутуку озгинча аскари билан қочиб қутулди ва Толиконда турған Чингизхон ҳузурига шошилди.

Аммо бу ғалаба Жалолиддинга қимматга тушибди. Жангда қўлга киритилган бир от устида Амин Малик билан Сайфиддин Ироқ уришиб қолдилар. Жалолиддининг қарибдоши бўлган Амин Малик жаҳл устида Ироқнинг юзи аралаш камчи тортди. Араззатган Ироқ ўз тарафдорлари билан бирга ағфон ва қарлуклардан иборат 30 мингга яқин аскарини ажратиб олиб кетди. Хоразм қўшими сафларида нарокаандалик юзага келди.

Бундан хабар тонгани Чингизхон катта қўшин тўилаб, хужумга ташлапди. 1221 йилнинг ноябрь ойида Синд дарёси бўйида аёвсиз жанг бўлиб ўтди. Афсуски, кучлар тенг эмасди. Жалолиддин кўни сошли душман қуршовида қолди. Чингизхон уни тириклай қўлга олини буюрди. Бошқа чора йўқлигини сезган Жалолиддин бир ҳамла билан қуршовни ёриб ўтиб, оти билан дарёга ташланди ва сузиб ўтиб кетди. Унинг мардлигига койил қолган Чингизхон фарзандларига қараб, «ҳақиқий ота ўғил шундай бўлини керак», дейди.

Жалолиддин Синд дарёсидан ўтиб, Ҳиндистон ҳудудига қадам қўяди. Дарёдан сузиб ўтган 4 мингга яқин аскари унга қўшилади. Бу шайтда Дехли сultonлиги яқинда ташкил топсан, унинг теварагида тарқок хинд бекликлари ҳам

күн эди. Жалолиддин бу бесликларга тўхтовсиз хужумлар килди, уларни бирлаштиришга уринди. Хиндистон худудида ўтган З йил ўзига хос куч тўйлаш, тажриба орттириш йиллари бўлди. Асл мақсади эса отасининг давлатини тиклаш эди.

1224 йил январда у Эрон сари йўлга чиқди. Бу даврда Озарбайжон, Аррои ва Ироки Ажам укаси Фиёсиддин Пиршоҳ кўли остида эди. Кермоңда Барак Ҳожиб, Форсда Саъд бин Занги, Аламутда Ботинийлар, Пахчиванде Ўзбек, Ҳамадонининг шимолида Барчемўли Сулаймоншоҳ хукмрои эдилар. Илгари улар Хоразмшоҳнинг вассаллари бўлишган, эндиликда мустакил фаолият олиб борардилар. Жалолиддининг мақсади уларни яна бирлаштириши эди.

Жалолиддин Исфаҳон шаҳрига етиб келганида Фиёсиддин Рай шаҳрида эди. У акасига қарни 30 минг кинилик аскар билан йўлга чиқди. Аммо Жалолиддин ўз яқинларидан бирин орқали укасига мактуб жўнатиб, уни тинчлантирди. Мактубда шундай дейилтанди: «Султон отам вафотидан кейин мен чеккан азобларни тоғлар хам кўтаролмайди. Бугун бу кенг дунё кўзимга тор кўришимоқда. Меросдан олган ва эришган хар нарсамини йўқотдим. Бир неча кун дам олишга ёнингга келдим».

Фиёсиддин Пиршоҳ тўйлаган аскарларини таркатиб юборди. Аммо орадан кўп ўтмай ака-укаларнинг оралари бузилди. Ўзаро тўқнашувда Жалолиддининг тарафдорлари ютиб чиқдилар. Фиёсиддин Пиршоҳ акасига хизмат қилишга қасамёд этди. Жалолиддин Мангуберди Хоразмшоҳлар давлатининг янги султони сифатида таҳтга ўтирди. Ҳонлар, амирлар, маликлар анъанага кўра, бўйинларига кафан тани-

лаб, унинг каршисида тиз чўқдилар, садоқатли бўлишга қасамёд этдилар. Бир исча ой ичидаги Хурросон, Ироқи Ажам ва Мозандарон ҳокимлари ҳам тобеликларини билдирилар. Вазирлар ва сарой амалдорлари ўз вазифаларини бажаришга киришдилар.

Шу тариқа Жалолиддин Мангуберди отаси томонидан таҳт вориси, деб эълон қилинганидан сўнг орадан тўрт йил ўтиб, яъни 1224 йилда Хоразмшоҳлар давлатининг бир кисмида ўз хукмронлигини ўрнатишга муваффак бўлди. Аммо унинг кейинги 7 йиллик хаёти ҳам тўхтовсиз жангларда ўтди. У Эроннинг шимоли ва Озарбайжон ҳудудида пойтаҳти Табриз бўлган янги бир давлатни шакллантиргди. Бу давлат ҳудди девор каби мўғулларнинг гарбга ва халифалик маркази – Бағдодга юришини тўхтатиб турди. Аммо айrim қўшини давлатларнинг ҳукмдорлари у билан муроса қилини, биргаликда умумий душманга қарши курашини ўрнига, унинг йўлига турли хил ғовлар қўйдилар, хиёнат ва сотқицлиқ йўлига кирдилар. Жалолиддин ана шундай сотқицликлар курбони бўлди.

Мўғуллар Жалолиддиннинг ҳар бир қадамини кузатиб турдилар. Зоро, уни маҳв этмасдан яна илгари силжини мумкин эмаслигини яхити билар эдилар. Шу мақсадда қўшини давлатлар ҳукмдорларини ҳам унга қарши хужумга рағбатлантирадилар. Ана шундай ўзаро жангларнинг биринда толикқан пайтида унинг атрофини ўраб олдилар. Жалолиддин бир қанча мулозимлари билан кочишга муваффак бўлди. Аммо у Курдистон тоғларидағи Айн-дар қишлоғида курд қароқчилари қўлига тушиб қолди ва англашилмовчилик туфайли ҳалок бўлди.

Насавийнинг ёзинича, сўнгти Хоразмшоҳ 1231 йил август ойининг ўрталарида Майофарикин шахри яқинида дафн этилади. Мўнул босқинчилари топтамасликлари учун кабр текислаб юборилади. Ҳозиргача қабрининг ўрни хақида аниқ маълумот йўқ. Аммо 1994 йилда хоразмлик адаб ва журналистлар Немат Солаев ва Сотимбой Авазлар Туркияга сафар килиб, бу жойни топишга ҳаракат қилдилар. Уларнинг ёзинича, Майофарикин шахри ҳозир Силван деб аталади. У Туркияниң Суря билан Ирок чегарасига яқин худудида, Диёрбакир вилоятида жойлашган. Энг муҳими, журналистлар Силванга бориб, шаҳардаги Шоҳқони – шоҳ дарвозаси қалъасини бориб кўрадилар, бу ерда номаълум бир шоҳ қабри борлигини аниқлайдилар. Сўраб-суриширишлар ва баязи фактлар асосида бу – Жалолиддин мақбараси деган қарорга келадилар. Чунки турк ҳукмдорлари асосан «султон» нисбасини олганлар. «Шоҳ» нисбаси эса одатда хоразмиоҳларга нисбатан ишлатилади. Махаллий аҳолининг берган маълумотларига қараганда, Шоҳқони мўнул истилоичилари қувиб чиқарилганидан сўнг қурилган. Мазкур мақбара ҳам ўша даврда тикланган. Эҳтимол, бу ишни Жалолиддинни чуқур ҳурмат қилган Майофарикин ҳокими Шаҳобиддин ал-Езизийнинг авлодлари ва Хоразмшоҳ қўшинида хизмат қилган жангчиларининг фарзандлари амалга оширган бўлишлари ҳам мумкин.

Жалолиддишининг вафотидан кейин у билан Хоразмдан келган лашкарлар қўшини мамлакатларга тарқалиб кетдилар. То 1246 йилгача улар Яқин Шарқдаги жангларда етакчи аскарий қуч сифатида иштирок этдилар. Таниқли амирлардан бири бўлган Сарихон Кўния султони Алоиддин Кайқубод

хизматига киргай эди. Унга Маниса вилоятини бошқарини топширилди. Сарихон авлодлари то 1412 йилгача бу вилоятни бошқариб келдилар.

Хоразмликлар аста-секин Анатолияниң жануби-ғарбида, Сурия ва Иреккүннег шимолида, Мисрда муқим бўлиб қолдилар. Зиё Бунёдовининг ёзиича, ҳозирги пайтда Турканияниң Маниса вилоятида Хурзум деб номланган 8 киплоқ бор. Кютахя, Алашехир ва Урфа атрофларида ҳам Ҳорзум номли киплоқлар мавжуд. Хоразмликларнинг шимолий Ирекдаги Мосул ва Қирқўқ вилоятларидағи авлодлари ўзларини туркман деб атайдилар.

❖ Номаълум мақбара ❖

Тарихдан бизга маълумки, айрим шоҳлар ва саркардларниң дағи этилган жойлари ниҳоятда спр сақланган. Душманлари таҳқиридан чўчиган хукмдорларнинг сўнти хоҳишлари шундай бўлган. Ривоят қилинларича, Чингизхонни дағи этган кишилар ва қўриқчиларнинг барчаси ўлдирилган. Бирорта ҳам гувоҳ омон колмаган. Ҳозиргача жаҳонгир қабрини кидириш давом этади. Македониялик Искандарнинг ҳам қаерга дағи этилганилиги маълум эмас.

Юкорида қайд этилганидек, Султон Алоиддин Мухаммад Ҳазар (ҳозирги Касий) лентизидаги ороллардан бирига дағи этилган эди. Жалолиддин Мангуберди Эроннинг бир қисми ва Озарбайжонда ўз ҳокимиятини мустаҳкамлагач, отаси учун Исфаҳонда муносиб бир мақбара қурдириши режалаштириди. Насавийнинг ёзимича, бу фоя унда Хилот

(Ахлот) шаҳрини қамал қилиб турган пайтида туғилди. Уша пайтда Хилот ал-Малик ал-Ашраф (Айюбийлар сұлоласы) ихтиёрида эди. Ван құли бүйіда жойлашған бу шаҳар Айюбийларнинг асосий таяңч нұқталаридан бирніңгә айланғанди. Жалолиддин бу шаҳарни уч марта қамал қиди. Биринчи марта 1226 йил ноябріда, иккінчи марта 1228 йил қипиді ва үчиңчи марта 1229 йил августидан 1230 йил апредлигача. Үчиңчи қамалдан сүнг шаҳар таслим бўлди. Ҳар ҳолда Насавий айттан қамал иккінчисін ёки үчиңчиси бўлса керак. Насавий шундай ёзади: «У (Жалолиддин) амири охур Муқаррабиддинга Исфаҳонга бориб, мақбара қуришіга киришишни тоғширди. Бинода барча зарурий хоналар, таҳоратхона ва бошқа хоналар қурилиши кўзда тутилғанди. Қурилишни бошлаш учун султон унга 30 минг динор берди. Сүнгра Ирек вазирига хат ёзиб, қурилишни тутатиш учун зарурий маблағларни девон даромадлари ҳисобидан бериб туришини тоғширди. Бини ашёлари, яъни шамдонлар, төғоралар, иднилар олтиндан тайёрланиши, эшик олдида отлик сокчилар навбатда туришини зарурлиги кўрсатилған эди. Муқаррабиддин Исфаҳонга кетиб, қурилишни бошлаб юборди. Мен у ерга 4 ойдан кейин бордим ва мақбара деворлари бирнасда одам бўйи кўтарилғанлитини кўрдим...»

Шундан сүнг Жалолиддин Мозандарон туманларидан бири – Сария ҳокими, аммаси Шоҳ хотуига мактуб ёзади. Шоҳ хотун Мозандарон ҳокимларидан бири – Ардашер ибн ал-Ҳасанга турмушга чиққан, унинг вафотидан сүнг ҳокимликни ўз зиммасига олған эди. Мактубда Мозандароннинг ҳокимлари, амирлари ва ташқи кишилари билан бирга бориб, отасининг ҳокини оролдан казиб олиб, Ардахи қалъасига

келтириш сўралган эди. Рай шаҳридан уч кунлик йўлда бўлган, Дамованд билан Мозандарон ўртасидаги тоғларда курилган мустахкам бу қалья энг бехавотир жой деб ҳисобланарди. Исфаҳондаги мақбара биттунча Хоразмшохнинг жасади шу ерда туриши, сўнгра тантана билан ўзига аталган мақбарада дафн этилиши лозим эди.

Насавий бу фикрга қарши бўлса-да, шубҳаларини Жалолиддинга очик айта олмайди. Мукаррабиддинга эса фикрини шундай баён этади: мўғулларда илгари ўтган барча подшоҳларниң суюкларини қабрдан қазиб олиб, ёкиб юбориш одати бор эмиш. Газнида Маҳмуд Газнавий мақбараси хам худди шу кисматга дучор қилинган. Хоразмшоҳ қабрини тополмаганлеклари учун бу ишни қилолмаганлар. Эпди эса унинг қабри – сўнгги маскани маълум бўлиб қолаянти...

Аммо Насавийнинг хавотири Мукаррабиддинга ҳам ёқмайди. Пироварлида эса бу шубҳалар тўғри бўлиб чикади! Жалолиддин фожиали халок бўлгач, мўғуллар Ардаҳи қалъасини қамал қиласидилар ва Султон Алоиддиннинг суюкларини қўлга киригадилар. Кўн ўтмай Чингизхоннинг амри билан бу суюклар ёкиб юборилади.

Хўш, Исфаҳонда қурилаётган мақбара нима бўлди, деган савол туғилади? У қурилдими ёки чала қолиб кетдими? Афсуски, Исфаҳонга бориб буни аниқлашиминг имкони бўлмади. Ўша пайтда «Эроннинг тарихий бинолари ва қадимий маконлари рўйхати» номли китоб қўлимга тушив қолган эди. Унда қайд этилган «Буқъаи шохи шоҳон» (Шоҳлар шохи мақбараси) деган бино тарихи диққатимни жалб этди. Жумладан, китобда шундай сатрлар битилган эди: «Бу мақбара Исфаҳоннинг машхур мақбараларидан

бири бўлиб, пештоқидаги ёзувларига кўра, хижрий IX асрда яшаган шоҳ Алоиддин Муҳаммад бу ерда дафн қилинган. Бинонинг асли Темурийлар даврига тааллуқли бўлиб, Сававий сultonлар замонида таъмирланган. Мақбара ранги кошиплари, ганч ўймакорлиги ва ёзувлари гўзаллити ҳамда нафосати билан диққатни жалб этади...»

Бу тасвирдан кўриниб турибдики, мазкур мақбара Хоразмиюх учун қурилган бино бўлса керак. Факат унинг яшаган йили потўри кўрсатилган. Эҳтимол, бу бинонинг қуриб битказилган ёки таъмирланган йилидир. Чала қолган бино темурийзодалар кўрсатмаси билан қуриб битказилган бўлиши ҳам мумкин. Қолаверса, хижрий IX асрда яшаган боиқа Алоиддин Муҳаммад исемли шоҳ йўқ. «Шоҳлар шоҳи» деган тарьиф ҳам Хоразмиюх ҳакида гап кетаётганилигидан далолат бериб турибди...

Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллиги мамлакатимизда кенг нишонланди. Урганч шаҳрида унинг мухташам ҳайкали қад кўтарди. Қуйидаги сатрлар буюк аждодимиздаған фахрланиш туйгулари ифодаси сифатида ўша кунлари дунёга келди:

ЖАЛОЛИДДИН ЮРТИГА ҚАЙТДИ

(Урганч шаҳрида Жалолиддин Мангуберди ҳайкалининг очилиши муносабати билан)

Омон чиқиб ёвлар ~~каҳридан~~,
Отда кечиб кенг ~~Синди~~ шаҳридан
Саккиз аср тарих каъридан
Жалолиддин юртига қайтди.


Түсөлмади ҳеч ким йўлини,
Қиличидан олмай қўлини,
Кезиб қаинча сахро, чўлини
Жалолиддин юртига қайтди.


Юрагини эзганда армон,
«Хоразм» деб чекканда фигон,
Юрт меҳридан олиб куч, дармои,
Жалолиддин юртига қайтди.

Қашқа ёвлар унга чўкди тиз,
Нойтахт бўлди сўнг гўзал Табриз,
Исфахонда у колдирди из,
Жалолиддин юртига қайтди.

Жасорати тилларда мангу,
Шижоати дилларда мангу,
Эрк ялови кўлларда мангу,
Жалолиддин юртига қайтди.

Мардлар билан озоддир Ватан,
Мардлар билан ободдир Ватан,
Мардлар билан бунёддир Ватан,
Жалолиддин юртига қайтди.





МАВЛОНО РУМИЙ САБОҚЛАРИ

Шарқда ўзиниш ўтли ғазаллари, фалсафий мушохадалари ва маънолар хазинаси бўлган олти китобдан иборат «Маснавий маънавий» асари билан шуҳрат тоғган ва «Мавлоно», «Мавлавий» нисбалари билан танилган Жалолиддин Румий таваллудига 800 йил тўлди. Шу муносабат билан 2007 йил ҳалқаро ЮНЕСКО ташкилоти томоцидан «Румий йили» деб эълон қилинди. Бугунги кунгача бу улуг зот асарлари юзлаб тилларга таржима қилилган, мазкур асарларга баиниланган беҳисоб шарҳлар, тадқиқотлар эълон қилинган.

Турция Миллий кутубхонаси «Мавлоно библиографияси» номли комиакт-диск тайёрлади. Унда Мавлоно хаёти ва асарларига оид дунёда пашр этилган 5096 китоб, 3133 макола, 1151 подир кўлёзма асар номи қайд этилган. Бу рақамлар ҳам Жалолиддин Румий мероси бугунги кунда қандай қадр топгани ва дунёвий микёс қасб этаётгасидан ёрқин далолатdir.

Муҳаммад Жалолиддин Румий хижрий 604 йилнинг 6 рабиул-аввалида (1207 йилнинг 30 сентябрида) хозирги Афғонистоннинг Балх шаҳрида туғилди. Жалолиддин Румийнинг отаси Баҳоуддин Валад таниқли дин пешвоси, Балхнинг оғиг машхур воизи ва Кубравия тарикатининг шайхи эди. Бу

ҳақда Алишер Навоий «Насойим ул-муҳаббат мин шамойим ул-футувват» асарида шундай маълумот беради: «Баҳоуддин Валад – Муҳаммад иби Ҳусайн Аҳмад ал-Хатибий Бакрий (Жалолиддин Румийнинг отаси) Нажмиддин Кубро билан учрашиб, сұхбатлашған. Онаси Алоиддин Муҳаммад Хоразмшох фарзанди (Жалолиддин Румийнинг бувиси). Гёй подшоининг тушида пайғамбар «қизингни Ҳусайн Хатибга никох қил», деган. Бу никоҳдан Баҳоуддин Валад туғилған. У икки ёнидан болып отасидан диний ва дүнёвий илмларни ўрганди. «Султон ул-уламо» ушонига сазовор бўлди. Илми ва кобилияти туфайли «хосу авом» унга мухлис бўлди. Аммо ахли ҳасад уни замона подшохига ёмонладилар. Уни Балхдан қувдилар. Бу пайтда Мавлоно Жалолиддин кичик ёнида эди...»

1219–1220 йиллар орасида, мўгуллар босқини жиҳдий хавфга айланған ва чегара ҳудудлардан ташвишли хабарлар кела бошлаган бир даврда Баҳоуддин Валад ўз оила аъзолари билан Макка зиёрати ниятида йўлга тушади. Бу вақтда Жалолиддин 12–13 ёшларда эди. Нишонурда улар машхур шоир Фаридуддин Аттор билан учрашадилар. Бу сұхбатда ёш Жалолиддин ҳам интирок этади. Унинг бурро жавоблари ва истеъодидан ҳайратга туғиган Аттор унга ўзишининг «Асрорнома» китобини хадя қилади. «Тез орада ўзининг оламининг куйганлари қалбига ўт қалайди» дейди Баҳоуддинга. Аттор тасаввуфда Нажмиддин Кубро ва Маждуддин Бағододийларнинг издоши эди. Баҳоуддин ҳам тасаввуфининг шу оқимиға мансуб бўлған. Шу сабабли у Аттор билан ғойибона таниш бўлған ва бир-бирларини ҳурмат қилишган.

Баҳоуддин Валад ўз оила аъзолари билан Рай, Ҳамадон, Бағдод шаҳарларидан ўтиб, Макка зиёратини амалга оширгач, қайтишда Рум эли – хозирги Туркия ҳудудида яшаб қолади. Салжуқий ҳукмдорлар ўзларининг ота юртларидан келган илмли кишиларни беҳад қадрлар, турли лавозимларга ишга таклиф қиласар. Мовароунахр мўғул боскини туфайли аланга ичидаги қолган, илм ва хунар соҳибларининг бир қисми Румдан бошпана топган эди. Баҳоуддин Валад 1 йил Оқшахарда, 4 йил Малатяда, 7 йил Лорандада истиқомат қиласар. Мадрасаларда дарс беради, воизлик қиласар. Бу даврда илм-маърифатни беҳад қадрловчи ҳукмдор – Алоуддин Кайқубод Салжуқийлар салтанати таҳтига чиқкан эди. Баҳоуддин Валад ташкил қилган илмий даврларнинг довруғи унинг кулонига хам етиб боради. У маҳсус одамларини совға-саломлар билан бу улуғ зот ҳузурига жўнатиб, салтанат пойтахти – Кўнияга таклиф этади. 1229 йили Баҳоуддин Валад оиласи билан Кўнияга кириб келади ва тез орада янги қурилган мадрасага мударрис килиб тайинланади. Ёш Жалолиддин ҳам отасининг ваъз ва дарсларида иштирок этади. Аммо орадан уч йил ўтиб, Баҳоуддин Валаднинг сафарларга бой жўшкин ҳаёти пижоясига этади. Бу вақтда Жалолиддин 24 ёшда эди. Уни отаси ўрнига мударрис килиб тайинлайдилар.

Ўша кунлари Баҳоуддин Валаднинг асхоби ва муридларидан Сайийд Бурҳониддин Муҳакқик Термизий устозининг вафотини эшитиб, Кўнияга етиб келади. У Жалолиддин тарбияси билан жиддий шугулланади. Мавлоно 9 йил давомида унинг ёрдамида тасаввуф мақомотларини босиб ўтади, турли соҳалардаги билимини чуқурлаштиради. Бир неча йил

давомида Ҳалаб мадрасаларида таҳсил кўради. Фақат диний билимларнигина эмас, юнон фалсафасини, мантиқ, шеърият илмини пухга эгаллайди. Ўзининг ваъзлари ва илмий мулоқотлари билан фақатгина Рум элида эмас, балки бутун ислом дунёсида шуҳрат топади. Салжуқийлар салтанатидаги каттаю кичик уни дин ва адолат ҳомийси, факиру фуқароларнинг ҳимоячиси сифатида ҳурмат қиласи ҳадиси.

1244 йилнинг 26 ноябрида Мавлоно ҳаётида катта бурилиш ясаган воеа содир бўлади. У тасодифан кўчада Шамсиддин Табризий номли дарвеш билан учрашиб қолади. Ўзаро савол-жавоблардан кейин улар бир-бирларининг илмий ва руҳоний даражаларидағи яқинликни хис этадилар, ўзаро мулоқотга эҳтиёж сезадилар. 2 йил давомида улар Кўниядга хамсухбат бўладилар. Зоҳирий ва ботиний илмлардан хабардор бўлган Шамсиддин Табризий Мавлоно қалбидан абадий жой олади. Уларнинг бир-бирларига дўстона меҳри илоҳий ишқ билан қўшилиб кетади. Мавлоно мударрисликни ҳам ташлаб қўяди. Унинг айрим шогирдлари ва муҳолифлари Шамсиддин Табризийни йўқотиш пайига тушадилар. Дастреб уни яширинча Дамашққа олиб бориб ташлайдилар. Аммо Мавлоно уни топтириб келади. Шундан кейин рақиблар Шамс Табризийни бутунлай йўқотиш режасини тузадилар ва уни амалга оширадилар. Ўз қалби сирларини англайдиган самимий сухбатдошидан абадий жудо бўлган Мавлоно дард ва изтироб ичида шеърлар ёза бошлайди. У воиз ва мударрисликдан жўшқин шоирга айланади. Ўз ғазалларида Шамси Табризий номини қайта-қайта такрорлайди. Шу сабабли унинг шеърлари жамланган девони «Девони Кабир» ёки «Девони Шамс Табризий» деб номланган.

Жалолиддин Румийнинг йирик асарларидан яна бири – «Маснавийи маънавий»дир. Абдурахмон Жомий бу китобни шундай таърифлайди:

Мавлавийдан «Маснавийи маънавий» –
Айни Куръон, гар тилидир паҳлавий.
Мен не дей, олижаноб зотдир у, бас,
Ҳам китобдор, гарчи пайғамбар эмас.

(*Муаллиф таржимаси*)

Жомий «Маснавийи маънавий»ни паҳлавий (қадимги форс тили)даги Куръонга тенглантиргани бежиз эмас. Чунки Мавлоно барча асарларини ўша шайтда адабий тил ҳисобланган форс тилида ёзган, «Маснавийи маънавий»да эса Куръон моҳияти ва мазмуни, инсонга хос фазилат ва иллатлар халқ ривоятлари воситасида баён қилинган.

26 минг 632 байтдан иборат бу буюк асар милодий 1259 или бошланиб, 1269 или тугалланган. Мавлоно уни шотирди Низомиддин Чалабийга айтиб ёздирад эди. Ноёб истеъод соҳиби бўлган шоир баъзида соатлаб ёздирад, оташин байтлар тўхтовсиз куйилиб келарди. Аммо биринчи китоб тутагач, тўсатдан Низомиддиннинг рафиқаси вафот этади. Бу воқеа ижодий жараёни тамомила издан чиқаради. Орада 2 йилга яқин танаффус рўй беради. Сўнгра яна давом этиб, 6 китоб шаклида якунланади...

Мавлоно Самарқандда

Тарихнависларнинг ёзинича, Мавлоно бобоси ва ота-онаси билан бир муддат Термиз ва Самарқанд шахарларида яшаган. Чунки бобоси ҳам, отаси ҳам машҳур воиз ва мударрис сифатида турли шаҳарларга хизматга юборилган. 1212 йили Мухаммад Хоразмшоҳ Самарқанд ҳукмдори Султон Усмон билан жанг қилиб, шаҳарни эгаллаганида 5 яшар Жалолиддин оиласи билан шу ерда эди. Унинг Самарқандда қанча яшаганилитини аниқ билмаймиз. Аммо болалик хотираларида Шарқнинг машҳур шаҳри манзаралари бир умрга муҳрланиб қолғанлиги аниқ. У ўз асарларида бу шаҳар номини қайтакайта тилга олади. «Маснавийи маънавий»да бир ривоят бор. Унда бир подтоҳнинг йўлда бир канизакни кўриб, унга ошиқ бўлиб қолғанлиги баён қилинганд. Подтоҳ бу канизакни сотиб олади. Аммо орадан кўп ўтмай қиз оғир касалга дучор бўлиб, куидан-кунга ахволи оғирлашади. Чакирилган табиблар унинг дардига даво тоғолмайдилар. Нихоят бир табиб қизнинг томир уришидан унинг ошиқи бекарор эканлигини аниқлайди. Яна томир уришидан қиз ошиқ бўлган йигит Самарқанд шаҳрида яшайдиган бир заргар эканлигини билиб олади. Заргар олиб келинади ва қиз шифо тонади... Самарқанддаги маҳалла ва кўча номиниш келтирилганлиги шоир бу шаҳар хақида анча бой маълумотга эга эканлигидан далолат беради.

Шоирнинг отаси – Баҳоуддин Валад мўғул босқинидан кочиб, Туркия шаҳарларида яшаб қолган мовароушиҳрлик ҳамюртлари билан яқин алоқада бўлган. Шу сабабли у бош фарзанди Жалолиддинни 18 ёшида Лоранда шаҳрида Ҳозирғи

Туркияниң Караман шаҳри) Шарағиддин Самарқандийнинг кизи Гавҳархотуңга уйлантиради. Бу билан Жалолиддин Самарқанд нафасини қайта туйғандек бўлади. Шоир бу шкоҳдан икки ўвил кўради. Улардан бири – отасининг ишини давом эттирган Султон Валад эди. Мавлоно бу фарзандини жуда яхши кўрган ва отасининг лақаби билан атаган.

Мавлоно вафотидан кейин упинг шогирдлари Султон Валадга отаси ўрнида шайхлик қилишни таклиф этадилар. Аммо Султон Валад «Суфийга хирка ярапади, стимга ёниш ва кўйиш» дея бу таклифга рози бўлмайди ва Низомиддин Чалабийни отаси ўрнида халифа деб танийди.

❀ Ярмим Туркистондандир, ❀ ярмим эса Фарғона...

Жалолиддин Румийнинг «Девони Кабир» ёки «Девони Шамси Табризий» деб номланган куллиётида 3239 газал, 436 рубойй ва бошқа шеърлар бор. Мазкур девонининг Эронда чоп этилган нусхасини 1979 йили Техрондан олиб келган эдим. Бўш қолган дамларимда уни мутолаа қилишини ёқтираман. Ундаги бир газал айниқса диққатимни жалб этади. Бу газални қайта-қайта ўқини жараёнда уни таржима килиш истаги пайдо бўлди. Мана ўша таржима:

Мен сархушу сен сархуш,
қайдадир бизнинг хона?
Мен неча дедим сенга
кам ич уч-тўрт паймона¹.

¹ Кадах

Шаҳр ичра бирор одам
хүшёргиин күрмасмац,
Бир-бирдан батар ҳар ким
шүридаю девона.
Жоно, кел хароботга,
жошинг лаззатин күргил,
Завқланурми жон, йўқса
гар сухбати жонона?
Хар гўшада мастрлар мўл,
бир-бирига бермиш қўл,
Хар вужудга соқий Ул,
қадаҳ тутгай шоҳона.
Сен харобот бандаси,
гацжинг майу харжинг май,
Бу бойлиқдан бермагил
хүшёrlарга бир дона.
Эй лўлийн барбатчи¹,
сен мастмисан ёки мен?
Мендан кўра маст бўлсанг
афсунларим афсона.
Хонамдан чиқиб эрдим,
мастлигимга келдим дуч,
Хар нигоҳида пинҳон
юз гулшану кошона.
Лангарсиз кема мисол
чайқалар у ён-бу ён,

¹ *Барбат* – қадимий соз.

Ҳасратидан жон чекар
юз оқилу фарзона.
Сўрдим: сен қаерликсан?
Табассум-ла дер: эй, жон,
Ярмим Туркистондандир,
ярмим эса Фаргона.
Ярмим суву туирокдан,
ярмим эса жону дил,
Ярмим дарё сохили,
ярмим бари дурдона.
Дедимки: дўст бўлайлик,
ахир мен қариндошинг,
Дедики: мента тенгдур
қариндошу бсона.
Мен бедилу дасторсиз,
майхонада саргашта,
Қалбимда сўзларим мўл,
шарҳ этолсам мардона.

Тасаввуфона рамзлар билан битилган ушбу ғазал алохида шарҳни талаб қиласи. Шоир «мастлик» деганда нимани на- зарда тутади? «Ярмим Туркистондандир, ярмим эса Фаргона» деган мисрасида қандай маъни яширин?

Албагта бунишг учун тасаввуф истилохлари ва тасаввуф тарихидан хабардор бўлмоқ керак. Алишер Навоий «Махбуб ул-кулуб» асарининг «Назм гулистонишияг хушинағма қушлари зикрида» деб номланган ўн олтичи фаслида шоирларни бир неча гуруҳга бўлади. Биринчи гурух – ҳакиқий (илохий) ишқни куйловчилар, иккиси чи гурух ҳам ҳакиқий, ҳам ма-

жозий (жисмоний) ишқин қуйловчилар, учинчи гурух – фақат мажозий ишқни қуйловчилар. Навоий биринчи гурух вакилларини «ишлари маънилар хазинасидан жавҳар термоқ ва у жавҳарни эл яхшилиги учун назм ишита тортмоқ» дея таърифлайди ва бу гурухга Шайх Фариуддин Аттор ва Мавлоно Жалолиддин Румийни киритади. Яъни улар ўз асарларида зохираи ёрнинг юзи, кўзи, қоплари, қоматини васф этса-да, рамзлар воситасида Оллохнинг сифатларини мадҳ этадилар. Юз йиллар давомида араб мамлакатлари, Эрон, Озарбайжон, Хурросон ва Мовароуннахр шоирлари тасаввуфнинг бундай истилоҳларидан кенг фойдаланганлар.

Мумтоз шоирлар ижодида бунга кўплаб мисоллар бор. Масалан, Насимида:

Шўйле мастам, то киёмат даҳи хушёр ўлмазам,
Чун бени ваҳдег майиндан айлади ул ёр маст.

Навоийда:

Гар Навоий йиғласа, ишқинг мажозийдир дема,
Ким назар пок айлагач, айни ҳақиқатдир мажоз.

Фузулийда:

Ўйле сармастам ки идрок стмазам дунё надир,
Бен кимим, соқий ўлан кимдир, майу сахбо недир.

Бу мисолларда «ёр», «соқий» атамалари Худони, «мастлик» тушунчаси Худонинг ишқи билан маст бўлипни англаади.

Юқорида келтирилган разалда Мавлоно ўз илохий ишқи манбалари хақида ганирмоқда, тасаввуф таълимотида ўзига устоз леб билган зотларни тилга олмоқда. Яъни уни илохий ишқ йўлига йўллаганларнинг ярми Туркистондан – Аҳмад

Яссавий ва унинг издошлари, ярми эса – Фарғонадан. Аҳмад Яссавий давригача ва ундан кейин хам Фарғонада машҳур тасаввуф шайхлари яшаб ўтган. Абдулкарим ас-Самъоний ўзининг «Ал-Ансоб...» асарида VIII–XII асрларда Фарғона водийсида яшаган 33 та олим ва машойих ҳакида маълумот беради. Мана улардан баъзилари:

Абу Ҳафс Умар ибн Мухаммад ал-Андуконий ал-Фарғоний – олим ва тасаввуф шайхи, 1151 йили вафот этган;

Абу Жаъфар Мухаммад ибн Абдуллоҳ ал-Фарғоний ас-Суфий, машҳур тасаввуф олими, Бағдодда Жунайд Бағдодийдан таълим олган;

Абул Аббос Ҳожиб ибн Молик ал-Фарғоний (910 йили вафот этган), кўп қиррали олим ва ҳадисшунос, юз минг ҳадисни ёддан билган.

Абдураҳмон Жомийнинг «Нафаҳот ул-унс», Алишер Навоийнинг «Мажолис ун-нафоис» тазкираларида ҳазрат Боб Фарғонийнинг исми зикр этилган. Х асрда ҳозирги Ноң шахрида яшаган бу машҳур уламо ва тасаввуф шайхининг асл исми Умар бўлган. У узок умр кўриб, шу шаҳарда вафот этган.

Машҳур турк адабиётшунос олими Фуод Кўпрулузода ўзининг «Турк адабиётида илк мутасаввифлар» номли асарида шундай ёзади: «Исломиятдан кейинги турк адабиётида миллий руҳни ва миллий завқни англамоқ учун энг кўп тадқиққа лойик бўлган давр – халқ тили ва халқ вазнидан истифода этиш билан кенг оммага тушунарли бўлган ва асарлари асрлар бўйи яшаб келаётган буюк мутасаввифлар давридир... Ҳирот, Нишопур, Марвда ҳижрий учинчи асрда

қай тариқа мутасавифлар кўпайган бўлса, тўртинчи асрда Бухорода, Фарғонада ҳам шайхлар эътибор топа бошладилар. Фарғонада турклар ўз шайхларини «боб», яъни «бобо» деб атардилар... Муҳаммад Маънүк Тусий ва Амир Али Абу Холис турк эдилар... Аҳмад Яссавий пайдо бўлган даврда турк олами анча вақтдан бўси – ҳар ҳолда, тўртинчи (хижрий) асрдан бери тасаввуф таълимоти билан опно бўлган, мутасавифларнинг воялари ва кароматлари ёллиз шаҳарларда эмас, кўчмаичи турклар орасида ҳам озми-кўпми ёйилган эди».

Табиийки, Жалолиддин Румий яшаган даврда тасаввуф таълимоти бутун Шарқ мамлакатларида кенг тарқалган, оддий ҳалқ катори хукмдорлар ҳам иуфузли тасаввуф шайхларини хурмат қиласар, улар билан ҳисоблашнишга мажбур эдилар. Жалолиддин ёшлигиданоқ бобоси ва отаси ёрдамида турк мутасавифларининг бой меросидан баҳраманд бўлган, Шом, Ҳалаб, Ҷамашқ, Қайсария сингари йирик илм марказларида ўзишининг билимини янада мустахкамлаган эди. У ўз умрини тасаввуф таълимотининг энг илгор жиҳатларини – бағрикенглик, инсоншарварлик, адолат, меҳр-мурувват вояларини тарбиб қилишига баҳшида этди. Шу сабабли у колдирган маънавий ва ирфоний мерос бугунги қупидаги ўз аҳамиятини йўқотмаган.

Жалолиддин Румийнинг васияти


Шоирнинг сўнгги қупидари ҳакида шогирдлари, дўстлари кўплаб хотиралар ёзинган. Шулардан бири Шамсиддин Афлокийнинг «Маноқиб ул-орифин» асаридир. Унда ёзилишича, шоир овир хаста пайтида Кўнияда бир хафта ер

қимирлайди. Шунда у дўстлари ва шогирдларига караб, «бечора ер ёғли луқма истаянти» дейди. Бунда у ўз вафотини назарда тутган эди.

1273 йилнинг совук кин кунларидан бирида Мавлононинг жўшқин ҳаёти пихоясига етди. Шоир тасаввуф таълимотига асосан ўз ўлимини мангуликнинг илк қадами сифатида кутиб олди. У тугилишини илохий нурдан узилиш ва ўлимни яна ўша нурга қўшилини деб билар эди. Унинг вафоти Кўния шаҳрида жуда катта мотамтга айланди. Дафн маросимида мусулмоилар, насронийлар, яхудийлар бирдек иштирок этдилар. Чунки у ўз умри давомида инсон фарзандларини бирликка, ахиллика чакирган, динлар ва эътиқодлар турлича бўлса хам, Яратувчи ягона эканлигини тарғиб қилган доњиманд эди.

Шоир Кўниядаги Эрамбоғчада, отасининг қабри ёнида дафи этилди. Орадан 750 йилга яқин вақт ўтган бўлса-да, Мавлоно макбараси жаҳондаги энг машҳур зиёратгоҳлардан бири бўлиб колмоқда. Ҳар йили декабрь ойида бу ерда ўтказиладиган раксу самоъ мажлисларига дунёнинг турли мамлакатларидан минглаб зиёратчилар келади.

Унинг шогирдлар ва фарзандларига қаратадай айтган сўнгги васияти шундай бўлди: «Сизларга васиятим шуки, хоҳ шинҳон, хоҳ ошкор, оз еб, оз ухланг, оз гапиринг, туноҳлардан сақланинг, тунлари бедор бўлиб, хамиша катта орзу-истаклардан воз кечиб, халқ жафосига сабр қилиб, оми ва подон даврасини тарқ этиб, улувлар ва солиҳлар билан сухбат куриб, Аллоҳга такво қилинг. Одамларинг яхшиси – одамларга фойдаси тегадиганидир. Сўзниш яхшиси – ози ва мақсадга етказадиганидир. Ва ҳамд ёлвиз Аллоҳадир».



«ХИНД СЕХРГАРИ»НИНГ ДУНЁВИЙ ШУҲРАТИ

Шарқ мумтоз шеъриятининг ёркин юлдузларидан бири Амир Хусрав Дехлавийдир. Ҳазрат Алишер Навоий бу улуғ зотни «ҳинд сеҳргари» деб таърифлаган эди. Бу албатта бежиз әмас. Етти асрдан ортикроқ вақтдан буён шоирнинг теран фалсафий мушоҳадаларга бой достонлари, газаллари, турли жанрлардаги таъсирчан асаллари қўлдан-қўлга, тилдан тилга ўтиб келади. Бугунги кунда унинг асаллари Ўзбекистон, Тоҷикистон, Эрон, Ҳиндистон, Покистон, Туркия ва Озарбайжон сингари ўнлаб мамлакатларда севиб мутолаа қилинади, ижоди қўйлаб тадқиқотларга асос бўлган.

Давлатшоҳ Самарқандий «Тазкират уш-шуаро» асарида ёзишича, шоирнинг отаси Амир Сайфуддин Махмуд асли Қашқадарё воҳасида, Кенш ва Насаф атрофларида яшаган лочин уруғидан бўлган. У Чингизхон ҳужуми даврида Мовароуннаҳрдан қочиб, Ҳиндистонга борганд ва Дехлида ўрнашиб қолган. Бунга сабаб Ҳиндистон шимолида вужудга келган мусулмон давлати ва унинг туркий хукмдори Шамсиддин Элтутмиш (1211–1236) эди. У ўз давлатини мустаҳкамлаш учун жанговар руҳдаги туркий элатлар вакилларини ўз давлатига таклиф этар, уларга катта имтиёзлар берарди. Тарихчиларнинг ёзишича, Дехли султонлиги сар-

кардаларининг катта қисми Ўрта Осиё халқлари вакилларидан бўлган. Амир Сайфуддин ҳам юксак ҳарбий рутба билан сарой аъёилари қаторига қўшилади. Бу ерда обрўли оиласлардан бирининг Давлатноз исмли қизига уйланади. Уларнинг илк фарзанди Яминиддин Хусрав эди.

Бўлажак шоир саройга якин муҳитда тарбияланди, диний ва дунёвий илмларни пухта ўрганди. Шеърий қобилияти жуда эрта намоён бўлди. Ўша давр анъанасига кўра, асосан форс тилида ижод қилди. Шу билан бирга, ҳинд, урду, араб тилларида ҳам асарлар яратди. «Хиндистонлик туркиман, аммо ҳинд тилини сувдек биламан», деб ёзган эди у бир шеърида. 7–8 ёшларидан бошлиб катталарни лол колдирадиган даражада пухта шеърлар ёза бошлиди. Бу ҳакда шундай ривоятни ёзиб колдиргандар: бир куни устози меҳмонлар хузурида Хусравнинг истеъдодини таърифлаб қолади. Улар ёш ижодкорни синааб кўрмоқчи бўладилар. Унга маънио жихатидан бир-биридан узоқ бўлган «соҷ», «уруғ», «ўқ», «ковун» сўзларини бериб, шу сўзлар иштироқида бадеха тарзида, яъни тезкорлик билан шеър битишни сўрайдилар. Кисқа вақтдан сўнг ёш шоир шундай тўртликни ўқиёдиди:

Санамнинг кон-кора сочида бу он
Юз анбар уруғи тошибдир макон.
Дили ўқдек тўғри дея ўйлама,
Ковун каби тиши ичида ніхон.

(Муаллиф таржимаси)

Ўтирганилар ҳайрат бармоқларини тишлаб қоладилар.

Аммо замона нотинч эди. Мўғулларнинг устма-уст ҳамлалари давом этарди. Ана шундай урушларнинг бирида шоирнинг отаси Сайфуддин Махмуд ҳалок бўлади. Эндиғина саккиз ёшга кирган Яминиддин ва укалари Иззиддин Алишоҳ ҳамда Ҳисомиддин Аҳмад етим бўлиб коладилар. Кейинчалик шоир бу воқеани хотирлаб, шундай аламли мисралар битади:

Сайф аз сарам бирафту дили ман ду ним монд,
Дарёи ман равон шуду дурри ятим монд.

Маъноси: Сайф (икки маънода: отасининг исми ва қилич) бошимдан ўтдию дилим икки бўлак бўлиб қолди, дарём окиб кетдию етим дур қолди.

Яминиддин Хусрав онаси ва она томондан бобоси Имодулмулк тарбиясида вояга етди. Улар бор имкониятларини инга солиб, унинг ўқиши учун шароит яратдилар. Яминиддин мактаб ва мадрасаларда таълим олиб, адабиёт, тарих, ҳарбий санъат ҳақидаги китобларни мутолаа қилди, шеър ёзди, мусиқани ўрганди, хусниҳат ёзишини машқ қилди. 20 ёниларида таниқли шоир бўлиб етишди. Дастлаб Султоний, сўнгра Дехлавий таҳаллуслари билан ижод қилди.

Шоирнинг шуҳрати ҳукмдорлар қулоғига ҳам етиб борди ва Мўлтон ҳокими Кишлухон саройига ишга таклиф этилди. Кейинроқ Дехли султони Фиёсиддин Балбан (1265–1287) саройида амирлик рутбасида хизмат қилди. 1281 йили мазкур султоннинг Мўлтонга ҳоким килиб тайинланган ўғли Муҳаммад Султон уни ўз яқинлари сафида бу шаҳарга олиб кетади. Аммо 1285 йили бўлиб ўтган мўғуллар билан жаигда

Мұхаммад Султон ҳалок бўлади, Хусрав ва унинг дўсти, шоир Ҳасан Дехлавийлар душман кўлига асир тушадилар. Узок қийинчиликлар ва азоб-уқубатлардан сўнг эсон-омон яна ўз уйларига қайтадилар. Шоирнинг қўйидаги сатрлари ўша даврда яратилган:

Таассуфми ё бало бул осмондии келадур,
Бул қиёмат ёки оғат хар томоцдин келадур...
Елга учган барги тулдек тарқамиш дўстлар бу кун,
Бариззик шеваси ул бўстоидин келадур.
Халқ кўз ёни жуда кўп оқли тўрт ёққа бу кун,
Мисли бен дарё бўлибон Мўлтоидин келадур...

(И. Шомуҳамедов таржимаси)

Орадан бир оз муддат ўтгач, Дехли султони Муизуддин Кайқубод Хусравни яна саройга таклиф этади. У амирлик рутбасида ўттиз йилга яқин хизмат қиласи. Бу даврда уч сулолага мансуб 7 султон хузурида бўлади. У ўз асарларини бу султонларга багишлагаш бўлса-да, уларни кўр-кўронамадҳ этмайди, балки ҳалқнинг оғир ахволини рўй-рост айтади, зулм ва зўравонликни қоралайди, адолат ва инсоний фазилатларни улуелайди.

Амир Хусрав ёшлик йилларидаёқ тасаввуфга қизиқиб, Ҳиндистонда машҳур бўлган Чинития оқимига кўшилади. Унинг шири – асли Бухородан бўлган Низомиддин Авлиё Ҳиндистоннинг стук машойихларидан бири, даврининг алломаси ва файласуфи эди.

Тасаввуф ва шеърият борасидаги изланишлари, мутолаалари безз кетмади. У даврининг машҳур форсийзабон шо-

ирларидан бирига айланди. Унинг довруғи Эрон ва Туронга ҳам ёйилди. Шайх Озарийнинг «Жавохир ул-асрор» («Сирлар дурдонаси») китобида айтилишича, шайх Муслихиддин Саъдий Шерозий умрининг охирида Амир Хусрав билан қўриппиш ва сұхбатлашиш мақсадида Форсдан Ҳиндистонга келган экан. Ўз навбатида, Амир Хусрав ҳам Саъдий Шерозийни юксак даражада хурмат қилган.

Хусрав Дехлавий ижодий мероси кейинги асрларда ҳам кўплаб шоирлар учун юксак маҳорат мезони бўлиб қолди. Ҳофиз Шерозий унга назиралар ёзди. Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институти қўлёзмалар жамғармасида Дехлавийнинг «Панж гаңж» мажмуасига киргани достонларининг Ҳофиз Шерозий қўли билан кўчирилган пусхаси мавжуд. Абдураҳмон Жомий ва Алишер Навоий ҳам ўзларининг бир қапча асарларини Дехлавий достонлари, қасидаларига жавоб тарзида ёзгандар.

Амир Хусрав Дехлавий бой адабий мерос қолдирган. «Хамса» таркибиға кирган 5 достон, ғазаллар, қасидалар, пасрий асарлар, мусиқа илмиға оид асарлар шулар жумласидан. Соҳибқирон Амир Темурнинг набираси, Шоҳруҳ сultonнинг ўғли, адабиёт ва санъат ҳомийси Мирзо Бойсунқур шоир асарларини тўпланиш борасида кўп сайди-харакатлар қилган. Натижада 120 минг байтдан зиёдроқ шеърлари тўпланган. Кейинчалик ҳам яна кўп асарлари топилган. Амир Хусрав рисолаларидан бирида ўз асарларини 500 минг байтдан камроқ, 400 минг байтдан ортиқроқ деб ёзган экан.

Умрининг охирида Амир Хусрав ўз лирик шеърларини 4 қисмга бўлиб, хар қисмни алоҳида пом билан атаган. Булар – «Тухфат ус-сиғар» («Ёшлиқ тухфаси»), «Васат ул-


ҳаёт» («Умр ўртаси»), «Фуррат ул-камол» («Камолотнинг бошланиши»), «Бақия ан-нақия» («Поклик қолдиги»).

Булардан ташқари, шоирниң «Қирон ас-саъдайн» («Икки саодатли юлдузнинг туташиби»), «Дувалропий ва Хизрхон», «Нўҳ синехр» («Тўққиз қават осмон»), «Маноқиби Ҳинд ва тарихи Дехли» каби йирик асарлари, «Баҳр ул-аброр» («Сахийлар денгизи»), «Миръот ус-сафо» («Поклик ойнаси»), «Лис ул-қулуб» («Калблар улфати») сингари қасидалари ўз вактида катта шухрат топган.

Амир Хусрав 1325 йили вафот этган ва пири Низомиддин Авлиёниң Дехли шаҳридаги мақбараси ёнига дафи этилган.

Ўзбекистонда Амир Хусрав Дехлавий меросини ўрганиш бўйича йирик илмий мактаб шаклланган. Унга профессор Шоислом Шомуҳамедов асос солган эди. Ҳозиргача Ўзбекистонда Хусрав Дехлавий ижоди бўйича З докторлик ва 9 поэмзодлик илмий иши химоя килинди, ўндан ортиқ китоб, эллиқдан ортиқ мақолалар чоп этилди. Шоир достонларининг илмий-танқидий матнлари тайёрланди, вазаллари, ҳикматли байтларини китобхонлар ўзбек тилида ўқиш имконига эга бўлдилар.

Амир Хусрав Дехлавий ўз асарларида адолатни, эзгуликни, ҳалқлар ўртасида дўстлик ва биродарликни тараашум этган. Шу сабабли унинг ижодий мероси бутун инсониятга дахлдордир. Биз буюк бобокалонимизнинг ўлмас мероси билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Унинг асарларини кўпроқ таржима ва тарғиб қилиш, бу улкан хазинадан кенгрок баҳраманд бўлиш бизнинг бурчимиздир.



«ЗАФАРНОМА» ВА УНИНГ МУАЛЛИФИ

Машхур олим ва тарихчи Шарафулдин Али Яздий қаламига мансуб «Зафарнома» асари ёзилганига 583 йил бўлди. Соҳибқирон Амир Темур ҳаётининг солномаси бўлган ушбу асар Шоҳруҳнинг иккинчи ўғли Мирзо Иброҳим Султон топшириғи билан 1425 йили ёзиб тугалланган эди. У дастлаб мусулмон мамлакатларда, кейинпроқ Европада машҳур бўлди. «Зафарнома» 1713 йили Пэти де ля Круа томонидан француз тилига, 1723 йили Ж.Дарби томонидан инглизчага ўгирилган. Ўшандан бўён асар жаҳоннинг кўплаб тилларида ишларни келинмоқда.

Дастлаб «Зафарнома» номли асар Амир Темур ҳаётлиги пайтида бевосита унинг тоғишириғи билан Низомиддин Шоммий томонидан ёзилган. Асар 1404 йил баҳорида ёзиб тугалланган ва Озарбайжонда етти йиллик жанг-жадаллардан зафар билан қайтаётган Соҳибқиронга тақдим этилган. Аммо унга Амир Темур ҳаётининг сўнгти йиллари ва вафотидан кейинги воқеалар кирмай қолган эди.

Форс ўлкасининг ҳокими (1415–1435 йиллар) бўлган Иброҳим Султон ўз бобоси ҳақида мукаммал бир тарихий асар яратишни ният қиласиди. Чунки унинг ўзи шоир, адаб ва хаттот эди. Бу темурийзода илм-фан ва санъат ҳомийси

сифатида подир асарларнинг ёзилиши ва кўплаб иншоотларниг тикланишида бош-кош бўлган. Эрондаги бир катор кадимий бинолар пештокида Иброҳим Султон қўли билан битилган хусниҳат намуналари ҳозиргача сақланиб қолган.

Иброҳим Султон 1419 йили котиблар, баҳшилар, муншийлар томонидан Амир Темур хақида битилган барча маълумотларни йигини тўғрисида фармон чиқарди. Жуда кўп ёзма ва оғзаки маибалар синчиклаб ўрганилади. Уларни тадқиқ қилиш учун олимлар ва воқеалар иштирокчиларидан иборат уч турух тузилади. Уларга бевосита Иброҳим Султоннинг ўзи бошчилик қиласи. Ҳақиқатни тиклаш учун турли шаҳарларга чопарлар юбориб, воқеаларнинг гувоҳларидан сўраб-суриштирилган, кўшимча маълумотлар тўпланган. Шу асосда асарниг хомаки нусхаси ҳозирланган. Шарафуддин Али Яздийга хомаки нусха асосида китоб ёзиш, воқеаларни бўрттирмасдан, жонли ва бадиий тил билан тасвирилаш тонширилади. Табиийки, у мазкур вазифани аъло даражада бажаради.

Шарафуддин Али иби Шамсиддин Али Яздий «Махдум», «Шараф» тахаллуслари билан машҳур бўлган шоир, ёзувчи, тарихиавис ва олимдир. Мухаммад Муставфи «Язд тарихи» китобида Яздийни ўз даври фозилларининг улуғи, олимларининг нешрави деб таърифлайди. Ана шу кобилиятлари туфайли у темурий ҳукмдорлар ҳурматига сазовор бўлган.

Яздий ёшликтан чукур ва хар томонлама билим олган. Чунки унинг отаси – Шамсиддин Али ҳукмдор Ол Музаффарниг сарой аъёнларидан, олим ва шоир бўлган. Унинг айрим байтларини Яздий ўз қасидаларида келтириб ўтади. Мирзо Султон Мухаммад мадхиди битган қасидаларида эса

отасининг фазилатлари ва шуҳрати ҳакида ифтихор билан ёзган.

Яздий дастлаб Шоҳруҳ Мирзо саройида бир муддат хизмат қилган, сўнгра Мирзо Иброҳим Султонга мунишийлик қилган. Унинг вафотидан сўнг Мирзо Бойсунқурнинг ўғли Мухаммад Султон хизматига киради. Бу шаҳзода Султония, Рай ва Қум вилоятлари хокими эди. Аммо олимнинг саройдаги фаолияти узоқ давом этмайди. Мухаммад Султон ўз тасарруфидаги худудларни кенгайтиришга киришади. Исфаҳон шаҳрини эгаллайди, Шероз шаҳрини ҳам босиб олишга интилади. Бу ўзбошимчалиги туфайли бобоси томонидан жазоланади. Шоҳруҳ унинг устига қўшинн тортади. Нойтахтини эгаллаб, сарой аъёнларини ҳам жазолайди. Бир гуруҳ олим ва уламолар қатори Яздий ҳам Самарқандга жўнатилади. Бу ерда у олимлар даврасига қўшилади, Улугбек қурдираётган расадхона қурилишида иштирок этади.

Шоҳруҳ вафот этгач, Хурросон мулки Мухаммад Султон ихтиёрида қолади. Яздий яна ўзи тугилиб ўстган шаҳрига қайтади. Унга йилига 15 минг динор маблағ маош қилиб тайинланади. Орадан бир ой ўтгач, уламолар таклифига кўра Тафт шаҳрига бориб, мадрасада дарс бера бошлайди.

1449 йили Хурросон тахти учун курашда Бойсунқур мирзонинг ўғли Абулқосим Бобур ғолиб чиқади. Яздий ёш хукмдорни ва унинг оила аъзоларини Яздда кутиб олади, у билан ҳамсuxbat бўлади. Олимнинг кенг қамровли билими ва инсоний фазилатларидан таъсиранганд Абулқосим Бобур Тафт шаҳри даромадини Яздийга бахшида этади.

Алишер Навоий 6–7 яшарлигида Яздий билан учрангтан. Шоирнинг отаси Амир Фиёсиддин Шоҳруҳ Мирзо вафотидан

кейин Хурсоңда рўй берган бошбошдоқлик ва ҳокимият учун бўлган жашг-жадаллардан қочиб, оиласи билан Эрон худудига ўтади. Улар Язд шахрида тўхтаб, олимнинг уйидаги ҳам меҳмон бўладилар. Шунда кекса олим ёш Алишерни саволга тутади. Алишернинг бурро жавобларидан ҳайратда қолган Яздий уни дуо қилади. «Мажолис ун-нафоис» асарида шоир бу воқеани ифтихор билан хотирлаб, «ана шу дуо шарофати билан жаҳон мамлакатларида 400 ҳайрия иморати – мадраса, работ, доруш-шифо ва бошқа бишполар курдим», деб ёзади.

Шарафуддин Али Яздий Захириддин Мухаммад Бобурнинг она томондан бобоси Юнусхоннинг (1417–1487) ҳам тарбиячисидир. Мўғалистон хони Вайсхоннинг вафотидин кейин бу ўлкада ўзаро таҳт талашишлар ниҳоятда кучайиб кетади ва кичик ўғил Эсон Буғаҳон ҳокимиятни ўз қўлига олади. Вайсхоннинг катта ўғли Юнусхон эса 1434 йили ўз тарафдорлари билан Улугбек ҳузурига бошпаша сўраб келади. Улугбек Юнусхонни кўп ўтмай Ҳиротга, отаси Шоҳруҳ Мирзо ҳузурига жўнатади. Шоҳруҳ эса хонзодани Яздий тарбиясига беради. Юнусхон 12 йил давомида бу закий инсондан чукур ва ҳар томонлама билим олади. Яздий вафот эттагач, Ироқ ва Форс ўлкаларида турли касб ва ҳунар сирларини ўрганади. Шерозда яшаганида, ижод ва илм ахли мажлисларида қатнашади.

Абулқосим Бобур вафотидан (1457) сўнг Султон Абу Сайд ибн Мироншоҳ Хурсоң ва Эронни ўз тасаррӯфига киритди. У Юнусхонни асл ватани бўлган Мўғалистонга хон қилиб жўнатди. Бу пайтда у 40 ёшда эди. Юнусхон бу яхшиликии умрбод унутмади ва Султон Абу Сайд билан

кариндешлик ришталарини бөглөшгө интилди. Шу ияйтда у уч кизиси Абу Саиднинг уч ўёлига – Султон Ахмад, Султон Маҳмуд ва Умаршайх (Захириддин Мухаммад Бобурнинг отаси)га турмушига берди. 1468 йили Абу Саид вафот этгач, Султон Ахмад Самарқандда, Умаршайх Фарғонада, Султон Маҳмуд эса Ҳисор, Кундуз ва Бадахшонда ҳукмдорлик қилдилар.


Юнусхон ҳаётининг сўнгги йилларида Мўғулистандаги ўзаро таҳтишишлардан безиб, Ўрта Осиёга қайтиб келган. У 1485–1487 йиллари Тошкент шаҳри ва вилоятига хокимлик қилган ҳамда бир қатор иншоотларнинг қурилишида бош-кош бўлган. У Тошкентда, Шайх Хованд Тоҳур қабри яқинида дафн этилган.

Шу ўринда бир нарсани айтиб ўтиш лозим. Тарихий китобларда тилга олинган Мўғулистан ҳудуди билан ҳозирги Мўғулистан ҳудуди ўртасида фарқ бор. XIV асрнинг ўрталарида ҳозирги жануби-шарқий Қозогистон, Қирғизистон ҳамда Қашқар ҳудудида шаклланган Мўғулистан давлати XVI асрнинг ўрталарига қадар мавжуд бўлган. Чингизхон томонидан Чигатойга улус килиб берилган ҳудудларнинг парчаланили туфайли вужудга келган бу давлат аҳолисини туркий қабилалар ва қисман туркийлашган мўгуллар ташкил этган.

Шарқшунос Эдуард Браун Шарафуддин Али Яздий ҳаётининг сўнгги кунлари ҳақида шундай ёзади: «Шарафуддин ҳижрий қамарий 853 йили Самарқанддан Яздга кетди ва Тафт кишлонгига муқим бўлиб қолди. Ўша срда 858 (1454) йили вафот этди. Ўзи бино этгани «Шарафия» мадрасаси яқинида дафн этилди».

Шўролар даврида Амир Темур шахси ҳам, у ҳақдаги «Зафарнома» асари ҳам факат коралаш учунгина тилга олишар эди. 1973 йили Темурийлар даври маданиятига бағишланган халқаро анжуман муюносабати билан «Зафарнома»нинг фотофаксимил нусхаси кам нусхада босилди. Бу иёб нашрииңг рус тилига таржимаси босилиши эълон қилинган бўлса-да, амалга оширилмади. Чунки мавжуд тузум мутасаддилари асарниң ўзбек ва рус тилларида босилиши Амир Темур-ниң шахсига қизиқиши орттиришидан, аҳолининг миллий ғурурини юксалтириб юборишидан чўчир эдилар. Факат истиқлолдан кейингина ўқувчилар «Зафарнома»нинг тўлиқ нусхасини ўз она тилларида ўқиш имконига эга бўлдилар.





ОЛТИН ЎРДАДА ЎЗБЕК ТИЛИ

Ўзбек мумтоз адабий тили кўп асрлик тараккиёт йўлини босиб ўтган. У шаклланган худудлардан бири, шубҳасиз, Данити Кипчок, аникроғи Олтин Ўрда давлатидир.

Орол дengизининг шимоли ва Тяньшань топининг ғарбий ёнбағридан Днепр дарёсининг қуи оқимига қадар ёйилган даштлар XI–XV асрларда «Дашти Кипчок» деб аталган. Бу даврда йирик туркий қабилалардан бири бўлган қипчоқлар Иртиш дарёси соҳилларидан ғарбга томон кўчиб, Хоразмнинг шимоли ва ҳозирги Қозоғистон ҳудудида, шунингдек, Қора дengизнинг юқори кисмida жойлашган.

Дашти Кипчок аҳолиси рус манбаларида – половецлар, Византия солномаларида – куманлар, венгер манбаларида кунлар деб аталган. Кипчок дашти шарқий ва ғарбий кисмдан иборат бўлиб, Ёйик (Урал) дарёси уларни ажратиб турган. Ғарбий қисм Ёйик ва Итил (Волга) дарёсидан то Днепргача бўлган худуддан иборат эди. XIII асрда Кипчок даштини мўгуллар босиб олиб, тарихда Жўчи улуси номи билан машҳур бўлган Олтин Ўрда давлатини барпо этгандар. Бу давлат Қоракурумдаги мўғул хонига қарам бўлиб, Ботунинг иниси Берка даврида мустақилликка оширади.

XIV аср бошларида ўзаро таҳт талапшишлар туфайли Жўчи улуси икки қисмга бўлиниб кетган. Қипчок дашти-нинг шаркий қисмида Оқ Ўрда ташкил топди. XIV асрниң 60-йилларида бу худуд «Ўзбеклар мамлакати», унинг ахолиси эса «ўзбеклар» деб атала бошланди. XV асрниң 20-йилларидан бошлаб шаркий Данти Қинчокда Абулхайрхон ва унинг авлодлари ҳукмронлик қилган. Данти Қинчокнинг асосий ахолиси кўчманчи ва ярим ўтрок бўлиб, чорвачилик ва овчилик билан, дарё ва кўл ёқаларида яшаган ахоли деҳқончилик, шаҳарларидаги ахоли эса ҳунармандчилик ва савдо-сотик билан шуғулланган. Бу даврда ҳалқ оғзаки ижоди, мусиқа, санъат ва меъморчилик ривожланган.

Олтин Ўрда пойтахти – Ботухон даврида Итил (Волга) дарёсининг қуёйи қисмидаги Сарой Боту шаҳри эди. Беркахон (1255–1266) даврида пойтахт соҳил бўйлаб юқорига – Сарой Беркага кўчирилади. Сарой Боту, Сарой Берка, Урганч, Судак, Кофа (Феодосия), Азак (Азов) – йирик тижорат марказлари эди.

Олтин Ўрда Жўчининг 14 нафар ўелининг 13 улусидан иборат эди. Улар ўз улусларини мустакил бошқаришта иштилғанлар. Мустакиллик харакати Мангу Темур (1266–1282) вафотидан кейин кучайди. Тўда Мангу (1282–1287), Тўла Буға (1287–1291) хонликлари даврида туманбеги Нўгайнинг мавқеи юксалди. 5 йил орадан ўтгач, яна исён кўтарилди. Унга Ўзбекхон (1312–1342) барҳам берди. Ўзбекхон ва унинг ворислари ҳукмронлик даври Олтин Ўрда ҳарбий салоҳиятининг энг кучайган шайти эди. Ўзбекхон даврида Олтин Ўрда куролли кучлари 300 мингта етган. Улус-

лар вилоятларга айлантирилиб, улар амирлар томонидан бошқарилган.

Ўзбекхон Сарой Беркада ва Кримда масжидлар, мадрасалар, саройлар, макбаралар қурдирган. Ибн Арабшоҳ Соҳибқирон Амир Темур ҳакидаги китобида Дашти Қипчоқни шундай таърифлайди: «Бу ерлар ёлғиз тоторларни бўлиб, турли-туман чорвалари қўп ва турк қабилалари билан тўлиқ; унинг чегаралари муҳофаза этилган, ён томонлари маъмур, теварак-атрофлари бепоён, сув ва ҳавоси соф. Даштнинг халқи довюрак, қўшинлари – мерган ёйчилар, (бошқа) туркларга нисбатан уларнинг лаҳжалари тўғрироқ(!) ва улардан кўра қалблари софрок, юzlари ҳусилироқ, чиройлари баркамолроқ. Аёллари кубиши, эркаклари тўлин ой мисоли... Беркахон ҳузурида, ундан кейин Ўзбек ва Жонибекхон ҳузурида Мавлоно Қутбuddин, аллома ар-Розий, шунингдек, Шайх Саъдудин Тафтазоний ва «хожибия»нинг шархловчиси Сайид Жалолуддин ва улардан бошқа ханифийлар ва шофеийларнинг фозил кишилари бор эди. Сўнгра, улардан кейин Мавлоно Ҳофизуддин ал-Баззозий ва Мавлоно Аҳмад ал-Хўжандий бор эдилар. Ушбу саййидларнинг воситаси билан Сарой илму фанинг маркази, баҳту саодат манбаи бўлиб қолди ва қисқа муддатда у ерда олимлар, фозиллар, адиллар, зарифлар, стук кишилар ва фазилат соҳиблари, ажойиб ва гўзал хислатли кишилардан шунчалик (қўп) даражада йиғилдики, у ердан бошқа хеч бир жойда, хатто Мисрининг (Қоҳиранинг) жомеъ масжиди ва унинг шаҳарларида ҳам шунчалик йиғилмаганди».

1357 йили Жонибекнинг ўлдирилиши билан яна ички зиддиятлар юзага чиқди. 1380 йилгача йигирма беш марта

хон алмашди. XIV асрнинг 60-йилларида Хоразм амалда мустақил бўлиб олди. Польша ва Литва давлатлари Днепр дарёси хавзасини эгаллади. Хожитархон (Астрахань) хонлиги ташкил тоиди. Фақат Тўхтамиш даврига (1380–1395) келиб исёплар тўхтади. Аммо унииг Соҳибқирон Амир Темурга нисбатан кўрнамаклиги, яъни Мовароуннахр ҳудудига бир неча бор бостириб кириши ва бунга жавобан Амир Темурнинг 1389, 1391, 1395–1396 йилларда Тўхтамишга қарши юришлари натижасида Олтин Ўрдага жиҳдий зарбалар берилди.

Тўхтамиш вафотидан кейин Олтиш Ўрдада ҳокимият амалда ғайратли «сарой бошқарувчisi» Эдигей қўлига ўтди. Аммо 1419 йили Эдигей вафот этгач, ўзаро таҳт талашиблар туфайли бу давлат аста-секии парчалапиб кетди. XV асрнинг 20-йилларида Сибирь хонлиги, 38-йили Қозон хонлиги, 40-йилда Нўғай Ўрда ташкил тоиди. 1480 йили Олтин Ўрда хони Аҳмад Рус хонликларини бўйсундиришта уринди, аммо бунга эришиолмади. 1502 йили Крим хони Менгли Гарой Олтиш Ўрдани батамом тор-мор килди.

Кўнгина тарихий манбаларда Олтин Ўрда мўғул давлати дейилган. Аслида эса бу давлат бошқаруви ва армиясининг ўзагини қарлук, қинчоқ ва ўғуз лаҳжаларида сўзлашувчи туркий қабилалар ташкил этган. Ботухон Farbga юришидан қайтгач, қиёт, манғит, салжиут ва қўнифирот уруғлари ихтиёрини ўзида олиб қолиб, ишилари Шибанга қушчи, найман, қарлук, буйрак, Тўқай Темурга минг, тархан, ушун ва ойрат уруғларини бошқаришини топширади. Номи саналган уруғларниш асосий қисми туркий эканлиги, бу давлат ўзагини туркий қабила ва уруғлар ташкил этганлигидан

далолат беради. Айниқса, хоразмликлар саройдаги турли вазифаларда ва вилоятлар бошқарувида фаол иштирок этгандар.

Бу даврда адабий тил туркий тилнинг қарлук (чағатай) лаҳжаси эди. Расмий ёзишмаларниң катта қисми ана шу тилда уйғур ва араб ҳарфлари билан битилган. Олтин Ўрда хонлари ҳам асосан шу тилда сўзлашганлар. Машхур араб сайёхи Ибн Баттута ўз хотираларида Ўзбекхон (1290–1312) ва Мовароуннахр ҳукмдори Тармасирин (1326–1334) туркий тилда сўзлаганларини ёзиб колдирган. У Азақ (Азов) шахри хокими, амир Мухаммад Ҳожи Ал-Хоразмий билан ҳам учрашган.

Олтин Ўрда аҳолисининг Ислом динини қабул қилишида Ўрта Осиёлик тасаввуф шайхлари ва сайёр дарвешларниң роли катта бўлган. Машхур тасаввуф шайхи Занги ота ўзининг шогирди Сайд отани шу мақсадда Олтии Ўрдага жўнатган. Ўзбекхон унинг ташвики билан ислом динини қабул қилган ва бу дин асосларини каттиқўллик билан жорий этган. Бунга қаршилик қилган шахзода ва беклар катл килинган.

Мирзо Улугбекниң «Тарихи арбъа улус» (Тўрт улус тарихи) номли китобида қўйидагиларни ўқиймиз: «Султон Мухаммад Ўзбекхон ўзининг эл-улуси билан илоҳий саодат ва фазилатга етишгач, ҳазрати Сайд отанинг ғайб ишорати ва Оллоҳнинг ишояти билан уларнинг барчасини Мовароуннахр диёри сари олиб келди. Ҳазрати Сайд отага (унга Оллоҳнинг раҳмати ва ризолиги бўлсин) қулоқ солишдан бўйин товлаганлар бу саодатдан бебахра холда у ерда (Дашти Кипчоқда) колдилар ва «қалмок» деган

номга мансуб бўлдиларки, бунинг маъноси «қолган» демакдир. Ҳазрати Сайид ота (унга Оллоҳнишг раҳмати ва ризолиги бўлсин) ҳамда Султон Мухаммад Ўзбекхон билан ҳамроҳликда Мовароунахрга келган кишилардан: «Бу келган ким?» деб сўрардилар. Уларнинг сардори ва подшохи Ўзбекхон бўлгани учун уларни «ўзбек» деб атадилар. Шу сабабдан ўша замондан бошлаб Мовароунахрга келган кишилар «ўзбек» деб атала бошланди. Дашти Кипчокда қолиб кетган кишилар эса «қалмоқ» бўлдилар».

Бу даврда Марказий Осиёда яшаган аҳоли қабилалар номи билан ёки умумий «турк» деган ном билан аталган. XVI аср боғларида Шайбонийхон бошчилигидаги кўчманчи ўзбекларнишг Мовароунахрга кириб келиши билан маҳаллий аҳоли таркибида «ўзбек»ларнинг нуфузи ортган ва аста-секин бу ном туркий аҳолининг умумий помига айланган.

Таникли рус олими, туркий халклар тарихи бўйича йирик мутахассис Лев Гумилёв шундай ёзади: «Олтин Ўрдада ҳам этногенез жараёнлари борарди. Жўчи улусининг 20 минг мўғул аҳолиси уч Ўрдага ёйилиб кетди: Ботухон авлодлари томонидан бошқарилаётган Волга бўйидаги Катта, ёки Олтин Ўрдага; Ботухоннинг акаси Ўрда Иченга берилган Иртиш дарёси бўйидаги Оқ Ўрдага; Орол дентизидан Тюменга қадар худудда кўчиб юрган Шайбанхоннинг Кўк Ўрдасига. Бундай тарқоқликдан кейин тез орада дезинтеграция ҳолати рўй берди. XIV аср бошларига келиб мўғуллар кипчоқлар билан шу даражада араланиб кетдиларки, улардан фарқланмай қолдилар».

Аслида бу жараён анча илгари бошланган эди. X–XII асрларда Мўғулистон насттекислигига яшаган аҳолининг

тўртдан уч қисмини туркий қабилалар ташкил этган. Киёт, кўнгирот, пайман, барлос, мангит сингари уруғлар катта иуфузга эга бўлган. Козоқ олимларининг фикрича, Чингизхон хам туркийлашган мўгул эди. У ҳам, ўниллари хам асосан туркий тилда сўзлаганлар. Чингизхоннинг онаси ва катта хотини қўнгирот уруғидан бўлган. Анъалага кўра, ўгилларининг хам катта бекалари шу урувдан ташлацган.

Ботухон юришидан кейин у билан бирга борган туркий қабилалар Даشتி Қипчоқдаги яйловлардан макон топдилар ва маҳаллий қипчоқ қабилалари билан қўшилиб кетдилар. Саройдаги иш юритувчилар, мирзалар, лашкарбошиларниш асосий қисми туркийлардан бўлган. Бу эса туркий тилни кент муомала тилига айлантирган.

Ташкли рус тарихчиси А.П.Григорьев бу ҳакда ўчундай ёзади: «Ўша пайтда (XIII–XIV а.) Олтин Ўрдада сўзлашув ва ёзув тили бўлган қипчоқ, яъни туркий тилни католик миссионер монахлар яхши билишарди... Маълумки, 1221 йилдаёқ доминикан монахлари Даشتи Қипчоқда фаол иш олиб борардилар, 1228 йилда эса бу ерда ўзларининг епископликларини қурган эдилар. Маҳаллий туркий тилли аҳоли билан бевосита муомала монах-миссионерлардан туркий тилни билишини тақозо этарди. Олтин Ўрдада католик миссионер монахлар томонидан машҳур «Кодекс куманикус» – лотин-форс-қипчоқ тиллари луғати тузилган эди. 1303 йилда битилган бу асар кейинроқ Венецияда топилди».

Бу фикрга бироз аниқлик киритиш лозим бўлади. Гарчи ўша пайтда сўзлашувда қипчоқ лаҳжаси қўлланган бўлса-да, расмий ёзишмалар ва адабий матнларда қарлук (чагатой) лаҳжаси, яъни эски ўзбек тили қўлланган. Бунга талайгини

мисоллар бор. Жумладан, Хоразмийнинг «Мұхаббатнома» достони Олтиң Үрда хони Жопибекнинг яқин одамларидан Мұхаммад Хұжабекнинг таклифи билан 1353 йили ёзилған. Достонда бу ҳақда шундай дейилади:

Табассум қилди, айди: «Әй фалони,
Кетургил бизга лойик армугони.
Күнгүл баҳринда күн гавҳарларинг бор,
Очунда порси дафтарларинг бор.
Мұхаббат нардини құшлардан ўттынг,
Шакардек тил била оламни туттунг.
Тиларменким, бизинг тил бирла иайдо
Китобе айласаң бу қип қотимдо.
Ким уш елтек кечар айёми фони,
Жаҳонда қолса биздин армугоне...»

Бу мисралардан қўринаиди, Хоразмий анъянага кўра форс тилида ижод қилиб, мұхаббат куйчиси сифатида элга тасилған. Аммо Мұхаммад Хұжабек ундан туркий тилда бир асар ёзиши, бу билан ўзларидан яхши ном колдиришини сўрайди. Шоир ўз раҳнамосини шундай таърифлайди:

Зихи арслон юрак, Кўңғирот уруни,
Кичик ёнидин улуғларнинг улуви.
Мұхаммад Хұжабек олам қуванжи,
Саодат маъдани, иқбол ганжи.

Шу тариқа дунёга келған «Мұхаббатнома» кейинги юз йил давомида Волгабўйи, Мовароуннахр ва Хурросонда катта шухрат қозонади. Унинг таъсирида Хўжандийнишг «Латофатнома», Юсуф Амирийнинг «Даҳнома», Сайд Ахмаднинг

«Таашшуқнома», Саййид Қосимиининг «Ҳақиқатнома» ва «Садоқатнома» асарлари яратилади. Бу ҳол ўша даврда мазкур ҳудудларда ягона тил ва маданият бирлиги мавжуд бўлганилитиши ҳам кўрсатади.

Яна бир неча мисол. Олтии Ўрлада яшаб, ижод этган Кутб Хоразмий Низомийнинг «Хусрав ва Шириш» достонини форс тилидан таржима қилиб, Ўзбекхоннинг ўғли Танібекка бағищлайди. Сайфи Саройининг «Гулистон бит-туркий» (1391) асари ҳам шу даврда яратилган. У маҳаллий ҳукмдорлар ва зодагонлар илтимосига кўра Саъдийнинг «Гулистон» асарини шу ном билан туркий тилга таржима килган. Сарой шахрида, бир муддат Мисрда ҳам яшаган Сайфи Саройи 1394 йили «Сухайл ва Гулдурсун» номли достон ҳам ёзгаш. 1966 йилда чоң этилган «Ўзбек адабиёти» хрестоматиясининг 5-жилдида Сайфи Саройи, Хоразмий ва Аҳмадхўжа Ас-Саройи ижодидан намуналар берилгаш эди. Бу асарлар худди бугуиги ўзбек тилида ёзилганга ўхшайди. Мана баъзи мисоллар:

Ул юзи ойким, жаҳоннинг жонидур,
Бу замона хўбларининг хонидур.

Ёсамии тан, комати сарви равон,
Зулфи жанинат боғининграйхонидур.

Гамзасининг олтина олам асир,
Кўзлари даври камар фаттонидур...

Сайфи Саройи

Дилбаримининг ул садафтек оғзида дур бор эрур,
Лаълининг шавқинда тун-кун дийдалар дурбор эрур.

Зулфи сунбултек, бўйи сарв, энглари гулзор эрур,
Юзини кўрмакка бир дам булбулу тул зор эрур.

Аҳмадхўжа Ас-Саройи

Ўша даврда Олтин Ўрда ва Миср давлати ўргасида яқин хамкорлик алоқалари ўрнатилган. Кора деңгиз ва қуруқлик орқали савдо-сотик ва борди-келдилар йўлга қўйилган. Чунки Миср ҳукмдорлари бўлган Бахрийлар сулоласи (1250–1390) вакиллари Дағти Китчоқдан чикқан туркийлардан эди. 1262 йили Миср султони Бейбарс Византия орқали Олтин Ўрдага биринчи элчисини юборди. Шундан кейин икки аср давомида Кохира ва Сарой ўргасида 50 марта яқин ўзаро элчилар алмашилди. Айниқса, Ўзбекхон даврида бу алоқалар юксак даражага кўтарилилган. У Мисрга 12 марта элчи жўнатган. Бу элчилар орасида хоразмлик шайх Алоуддин ан-Нуъмон ўзининг дипломатик маҳорати билан алоҳида эътибор тоғсан. Миср султони Малик ан-Носир Олтин Ўрда маликаларидан бирига уйланган, Ўзбекхон ҳам султонниң яқинларидан бирига уйланган эди. Миср султонининг Ўзбекхон саройидаги элчиси Аловиддин Ойтуюди ал-Хоразмий ҳам икки давлат муносабатларини мустаҳкамланига катта ҳисса қўнгиган. 1398 йили Абдул иби Кодир исмли шаҳс Олтин Ўрдалик бир гурух туркийзабон шоирларининг шеърларини Мисрда китобат килган. Бу воеа Мисрдаги сарой доираларида ҳам туркий тилли адабиёт мухлислари бўлганилигидан далолат беради. Шу сабабли бўлса керак, Хоразмий «Муҳаббатнома» муқаддимасида шундай ёзади:

Китобат бошладим, анжома етгай,
«Муҳаббатнома» Мисру Шома етгай.

Олтин Ўрдада вужудга келган адабий анъаналар то XX асринг бошларига қадар давом этган. Таниқли рус тилшунос олим Олег Мудрак бу хақда шундай деб ёзди: «Волгабўйи худудида XX асрнинг 20-йилларига қадар чағатой лаҳжаси асосида шаклланган адабий тил – «Волгабўйи туркйси» амалда эди. Чагатой тили – чағатой улуси, яъни ҳозирги Ўрта Осиёning тилидир. Бу туркий халқнинг, унинг авлоди бўлган ўзбек халқининг тилидир».

Чиндан хам асrimiz бошларида ижод қилган татар ва бопқирд шоирларининг шеърларини ўқисангиз, лугатсиз тушунасиз. Бир татар дўстимиз «бу шеърлар татар тилидан кўра ўзбек тилига яқинроқ», дейди. Бу бежиз эмас. Чунки Волгабўйи ахолисининг адабий тили ҳам, ҳозирги ўзбек тили ҳам туркий тилнинг қарлуқ (чағатой) лаҳжаси заминида шаклланган.


Тилшунос олимлар фикрича, туркий тиллар эрамизнинг IV аслида уч гурухга бўлинган ҳамда қарлук, қинчок, ўғуз гурухлари вужудга келган. Булар орасида энг қадимги ёзув тили қарлук гурухи заминида шаклланган – бу чағатой тили деб номланган эски ўзбек тилидир. Чингизхонининг фарзаиди чағатойга улус қилиб берилган худудда кенг муомалада бўлган тил сифатида у шундай номланган. Тарихда энг кўп адабий ва илмий асарлар ҳам шу тилда ижод қилинган. Лутфий, Саккокий, Навоий, Бобур сингари сўз усталари ижоди туфайли бу тил янада сайқалланган.

Таниқли турк адабиётнунос олим Аҳмад Бижан Эржиласун туркий тиллар тарихи хақида шундай деб ёзди: «Турк тили XIII асрдан кейин икки ёзув тили сифатида давом этди. Бири Шимоли-шарқда, бугунги Туркистон ва

Эдил-Урал худудида чағатай туркчаси сифатида ҳамда Анатолия ва Озарбайжонда Farb туркчаси сифатида XIX аср-гача келди. Аммо биздаги турклар Навоийни ўқидилар ва тушундилар. Навоийни тўлароқ тушуниш учун «Абуниқа» деган лугат туздилар. Хатто Навоийга чағатай туркчасида назиралар ёздилар. Анадолу шоирларининг асарларини эса улар ўқидилар. Бизнинг катта шаҳарларимизда, хусусан Истанбулда Навоийнинг бир олам қўлёзмалари бор».

Хулоса қилиб айтганда, Олтин Ўрданинг расмий ва адабий тили турк тилининг қарлук (чағатай) лаҳжаси, яъни ўзбек мумтоз адабий тили бўлган. Колаверса, Марказий Осиё билан Данти Қипчок туркий халқлар яшайдиган ҳудуд сифатида асрлар давомида узвий алоқада бўлиб келган, ўзаро сиёсий, иқтисодий ва маданий муносабатлар узлуксиз давом этган. Ва бунда, сўзсиз, муштарак тагзаминда шаклланиб борган ўзбек мумтоз адабий тилимиз алоҳида аҳамият касб этган.





ТАҚДИР ФАРОЙИБОТЛАРИ ЁКИ ТАРИХНИНГ ТАКРОРЛАНИШИ

Соҳибқирон Амир Темур авлодлари тарихда давлат ва жамоат арбоблари, шоир, санъаткор, ҳусниҳат соҳиблари сифатида тарихда ўчмас из қолдирғанлар. Аммо улардан иккитасининг тақдири ниҳоятда бир-бирига ўхшаш бўлган. Булар – Соҳибқироннинг иккинчи фарзанди Умаршайх Мирзо (1356–1394) ва чевараси Умаршайх Мирзо (1456–1494) тақдирлариидир. (Бу ўхшашлик уларнинг исмларидан бошланганига нима дейсиз?) Мана, энди бу ёғидан ўзингиз хулоса чикариинг.

Соҳибқироннинг иккинчи фарзанди Умаршайх Мирзо акаси Жаҳонгир Мирзо билан бир йилда – 1356 йили Шахрисабзда туғилган. У ёшлигидан моҳир чавандоз ва мард жангчи бўлиб етишган, кўплаб ҳарбий юришларда иштирок этган, муҳорабаларда кўрсатган жасурлиги ва қаҳрамонлиги учун баҳодир уйвонига сазовор бўлган. Фарона вилояти ҳокими этиб тайинлантач, мўнулларга қарши олиб борилган кўпгина жангларда фаол қатнашган ва Соҳибқирон қўшинидаги истеъоддли саркардалар қаторидан ўрин олган.

1393 йили Амир Темур Умаршайхни Форс вилоятини забт этишга масъул этиб тайинлайди. Бу пайтда Форсда

хар бир қалъада бир ҳукмдор бўлиб, улар бир-бири билан тўхтовсиз жанг қилар, ахоли бундан безган ва ночор аҳволга тушиб қолган эди. Соҳибқирон бу диёрда барқарорликни ва карвон йўлларида хавфсизликни таъминлашни мақсад қилиб кўйган эди.

Отасининг топнириги билан Умаршайх Истахр, Фарак, Шаҳриёр ва бошқа қалъаларни эгаллаб, Саржон қалъасини қамал қиласди. Айни шу чоёда Амир Темур Миср ва Шом (Сурия)ни қўлга киритиш учун Ҷиёрбакр томон қўшин тортгандан эди. Шу боис Соҳибқирон уни ўз ҳузурига чақиради. Умаршайх Саржон қалъасини қамал қилиш амалиётини амир Идику барлоғса тошириб, ўзи Шерозга келади. Бу ерда у ишончли амири Севинчакни Форсни забт этиш ишига мутасадди қилиб, ўзи отаси қошига йўл олади. У Бағдоддан тўрт манзил масофадаги Курдистон ҳудудидан (ҳозирги Ироқнинг Эрон билан чегарасида) ўтиб бораётганида йўл чеккасидаги Хармоту қалъасига дуч келган. У ушбу қалъани яхширок томоша қилиш мақсадида бир тепаликка чиқади. Шу пайт қалъа ичидан отилган ногаҳоний камон ўки унинг қулоғи остидаги кўк томирига қадалади. У шу заҳоти оламдан кўз юмади. Бу воқеа 1394 йилнинг 16 январь куни содир бўлган. Бу пайтда Умаршайх Мирзо ҳали 40 ёшга ҳам тўлмаган эди.

Табиийки, Хармоту ер билан яксон қилинади. Унбу воқеадан хабар тоғган Амир Темур қаттиқ изтиробга тушади. У ўғлининг жасадини Шерозга олиб келиш учун амир Учқаро баҳодирни жўнатади. Умаршайхнинг жасади Шерозга олиб келингач, мотам тутилиб, муваққат дафи қилинади. Маълум фурсатдан сўнг унинг хотинлари – Се-

винч Кутлук оғо бегим, Бека Мулқ оғо бегим ва Мулкат оғо бегимлар ҳамда хали вояга етмаган ўғли Искандар мирзолар жасадни Шероздан Кеш (Шахрисабз)га олиб келдилар ва темурийлар хонадони учун маҳсус барпо этилган «Дор ус-сиёдат» мажмуасига, Сохибқироннинг ҳаётдан эрта кўз юмган фарзанди – Жаҳонгир Мирзо қабри ёнига дафн этадилар. Бу ерда хонако тикланади. Севимли фарзандлари қабри ёнида Амир Темур ўзи учун ҳам мақбара курдиради.

Умаршайх Мирзо вафотидан сўнг Амир Темур Форс мамлакати ерларини бошқариши унинг тўнғич ўғли Пирмуҳаммад мирзога тоширади. Умаршайхдан яна беш ўғил – Рустам Мирзо, Искандар Мирзо, Аҳмад Мирзо, Сайд Аҳмад Мирзо ва Бойқаро Мирзолар қолган эди. Бойқаро Мирзонинг набираси Ҳусайн Бойқаро (1438–1506) эса машхур давлат арбоби ва шоир, Алишер Навоийнинг дўсти ҳамда хомийси сифатида тарихда из қолдиради.

Орадан 100 йил ўтгач, яъни 1456 йили темурий Абу Сайд Мирзо хонадонида ўғил туғилади. Машхур аждодларини хотирлаб, унга Умаршайх деб от қўядилар. Анъанага қўра, у ҳам давлатдорлик ва жанг санъатини пухта ўрганиди.

Абу Сайд Мирзо ибн Султон Муҳаммад – Амир Темурнинг эвараси, Мироншоҳнинг набираси. У 1451 йили Самарқанд таҳтини эгаллагач Тошкентдан пири – машхур тасаввуф шайхи Хожа Ахрорни Самарқандга таклиф қилган. Унинг маслаҳати ва қўмаги билан давлатда тинчлик ва барқарорлик ўрнатган. Орадан кўп ўтмай Хуросонни ҳам эгаллаган. Натижада Амир Темур салтанатининг катта қисми унинг тасарруфига ўтган.

Абу Саид Мирзо Мўгулистан (Шарқий Туркистон) хони Юнусхон билан бирга ўсган, яқин дўст сифатида у билан қуда-аңда бўлган эди. Юнусхоннинг уч қизи Абу Саиднинг уч ўғлига – Султон Аҳмад, Султон Махмуд ва Умаршайхга турмушига берилганди. 1468 йили Абу Саид вафот эттагач, Султон Аҳмад Самарқандда, Умаршайх Фарғонада, Султон Махмуд эса Ҳисор, Қундуз ва Бадаҳионда ҳукмдорлик қилдилар.

Энди мақоламизнинг асосий мавзуси бўлган Умаршайх тақдирига қайтайлик. У сал улгайгач, Абу Саид Мирзо унга дастлаб Кобул вилоятини бошқаришни топширади, бироқ ҳали ёш бўлганлиги боис Бобойи Кобулийни «бек атка» қилиб тайинлади. Аммо тез орада мирзоларнинг хатна тўйини ўтказиш муносабати билан отаси уни Самарқандга кайтаради. Тўйдан кейин Абу Саид Мирзо Умаршайхга Андижон вилоятини бошқаришни топширган. Бу гал унга Худойберди Темуртошини «бек атка» қилиб тайинлади. Кейинчалик акаси Султон Аҳмад Мирзо унга Тошкент билан Сайрамни ҳам беради. Шоҳрухияни эса Умаршайхнинг ўзи эгаллаб олади. Маълум вақтдан кейин Тошкент ва Шоҳрухия унинг қўл остидан чиқиб кетади, ихтиёрида Фарғона, Хўжанд ва Ўратепа қолади.

«Бобурнома»да қайд этилишича, Умаршайх Мирзо ўрта бўйлик, пахмок соқолли, юмалоқ юзли, тўладан келган киши бўлган. Соғ эътиқодли мусулмон сифатида беш вақт намозни канда қилмас, Ҳожа Аҳрорни ўзига пир санаар, унинг кўпдан-кўп сухбатларида қатнашган эди. У хушхулқ, саховатли ва мард инсон сифатида ном қозонган эди.


Умаршайх Мирзонинг севимли машғулотларидан бири – қаштарлар парварини бўлган. 1494 йилининг 9 июнида баланд

қоя устида кантар учираттапида қоя тўсатдан ўнирилиб кетади ва у кантархона билан бирга жарга қулаб ҳалок бўлади. Бу пайтда у 40 ёш атрофида эди.

Умаршайх Мирзонинг фарзандларидан бири – Захириддин Муҳаммад Бобур машхур шоир, саркарда ва давлат арбоби бўлиб етишади.

Тарихнинг бундай такрорланиши хусусида фикр юритсангиз, ҳалкимиз урф-одатларида сақланиб қолған бальзи иримларнинг бежиз эмаслиги аён бўлади. Масалан, кимдир қисқа умр кўрган машхур шахснинг номини фарзандига қўйган бўлса, «умри ўхшамасин» деб қўяди. Ёки машхур зотларнинг номи қўйилганда бола касалланиб қолса, «оти оғирлик қилди» дэя вақтинча бошқа номлар билан аташ апъаналарида ҳам жон борга ўхшайди.





НАСАФИЙЛАРНИНГ БЕБАХО МЕРОСИ

Ҳиг қадимий маданиятлар дарёлар соҳилида пайдо бўлганлиги бизга тарихдан яхши маълум. Қашқадарё воҳаси хам бундан мустасно эмас. Водийга оби ҳаёт улашувчи Қашқадарё ва унинг ирмоқлари бўйида пайдо бўлган шаҳар ва қишлоклар узок ўтмишининг тилсиз гувоҳлариdir. Айниқса, икки қадимий марказ – Насаф ва Кешнинг бир неча минг йиллик тарихи, унда яшаб ўтган алломалар мероси биз учун ниҳоятда қадрлиdir.

Насаф шаҳри тарихи ва бу ердан етишиб чиқсан алломалар меросини ўрганишда Абдулкарим ас-Самъонийнинг (1113–1167) «Ал-Ансоб» (Насабнома) номли асари алоҳида ўрин тутади. Мазкур асар қисқартирилган холда 2003 йили «Бухоро» нашриётида чоп этилди. Илгарироқ, яъни 1993 йили олим Ш. Камолиддинов ас-Самъоний ва унинг асари хақида йирик тадқиқот ишини эълон қилган эди. Илм оламида бу китобга бўлган қизиқиш бежиз эмас. Чунки унда мусулмон дунёсида, хусусан Мовароуннахрда VIII–XII асрларда яшаб ўтган олимлар, адиблар ва шоирлар ҳакида бой маълумотлар бор. Унда насафлик олимларга хам кең ўрин берилган. «Насаф – Мовароуннахр шаҳарларидан. Аввалги номи – Нахшаб. Бу шаҳарда қарийб икки ой турдим ва

у ернинг кўп олимларидан таълим олдим. Бу шаҳардан ўз фанининг кўп мутахассислари етишиб чиққанлар. Уларнинг саноғига етиш қийин» – деб ёзади ас-Самъоний.

Олимнинг қайд этишича, X–XII асрларда Насаф мусулмон оламидаги йирик шаҳарлардан бўлган. Ўша пайтда мусулмон оламида Мадина (йирик шаҳар) поми билан аталадиган 8 шаҳар мавжуд эди. Булар – Мадинаи мунаввара, Бағдод, Исфаҳон, Нишопур, Марв, Бухоро, Самарқанд ва Насаф. «Ал-Ансоб» китобида Насаф атрофидаги 50 дан ортиқ қишлоқ ва бу ерлардан етишиб чиққан 180 га яқин алломанинг поми қайд этилгани ҳам ўша пайтдаги тараққиётдан нишонадир. Ас-Самъонийнинг ёзишича, Насаф атрофидаги Косон, Касба, Майморе, Варасин, Устуғододиза, Фарғуздиза, Губдин, Коҗар, Ниёза, Павқад, Ибсан, Базда, Хузор, Суводиза каби қиниллоқлар каттагина нуфузга эга бўлган.

Китобдаги яна бир мухим маълумот Насаф тарихи ҳақида битилган асарлар билан боғлиқ. Унда таъкидланишича, Абул Ҳорис Асад иби Ҳамдавайх ал-Варасиний ан-Насафийнинг (928 йили вафот этган) «Китаб муфахарат ахл Насаф ва Каиш» (Насаф ва Кеш ахлининг ифтихорлари ҳақидаги китоб), Абу Саъд Абдураҳмон иби Муҳаммад ал-Астрободий ал-Идрисийнинг (1015 йили вафот этган) «Тарихи Насаф», Абул Аббос ал-Мустағфирий Насафийнинг (961–1041) 2 жилдли муфассал «Насаф ва Кеш тарихи» номли асарлари худди шу мавзуда бўлган. Афсуски, бу асарлар бизнинг давримизгача етиб келмаган ёки ҳозиргacha тошилмаган.

Милодий VIII аср охири ва IX аср бошларида Насафда йирик ҳадисшунослик ва фикхшунослик мактаблари мавжуд бўлган. Бу мактабларда ислом оламининг турли мамлакат-

ларидан келган талабалар билим олганлар. X асрда Аҳмад ибн Мұхаммад ат-Тадәний, Ҳаммад ибн Шокир ан-Насафий, Абдурмұмін ибн Халаф ан-Насафий, ал-Лайс ибн Наср ал-Кожарий, XI асрда Абдулазиз ибн Мұхаммад ан-Нахшабий, Мұхаммад ибн Аҳмад ал-Баладий, ал-Ҳасан ибн Али ал-Ҳаммадий ан-Нахшабий каби олимлар бутун ислом оламида шұхрат топған әдилар. Кейинги асрларда ҳам бу илмий анъаналар муваффақият билап давом эттирилди.

Тасаввуф фалсафасининг йирик вакили Азизиддин Насафийнинг асарлари ўз давридаёк мусулмон оламида шұхрат топған әди. Милодий 1240 йили таваллуд топған олим Бухорода таълим олған, Эроннинг Исфаҳон ва Шероз шаҳарларыда яшаган. Ўзининг чуқур билими ва қобиляти туфайли шайхлик мартабасига эришгани. Унинг «Мақсад ал-ақсо» («Сўнгти мақсад»), «Қашф ул-ҳақойик» («Ҳақиқатлар кашфи»), «Зубдат ул-ҳақойик» («Ҳақиқатлар қаймоғи»), «Манозил ус-соирин» («Йўловчилар қўпалғаси»), «Усул ва фуруъ» («Илдизлар ва шоҳлар») сингари асарлари тасаввуф фалсафаси ва ахлоқининг турли масалаларига бағишиланған.

1995 йили Азизиддин Насафийнинг «Зубдат ул-ҳақойик» асари ўзбек тилида чоп этилди. Китобнинг таржимони, таниқли олим Нажмиддин Комилов Азизиддин Насафийни «комил инсон илмининг назариётчиси» деб атайди. Зоро, унинг деярли барча асарларида бу мавзу асосий ўринни әгаллаган.

Азизиддин Насафий асарлари ўрта асрлардаёк Оврунода маълум бўлган. 1665 йили А. Мюллер унинг «Максад ал-ақсо» асарини лотин тилида нашр этган әди. 1953 йилда

Ф.Мейер шайхнинг ҳаёти ва ижодига доир тадқикотини эълон қилди. 60-йилларда М. Моле Насафийнинг «Иисони комил» асарини Парижда, А. Маҳдавий «Кашф ул-хақойик» асарини Техронда нашр этдилар. Рус шарқшунос олими Е.Э. Бергельс «Зубдат ул-хақойик» асарининг танқидий матнини нашрга тайёрлади.

Олим асарларининг XVI–XX асрларда кўчирилган қўлёзма нусхалари бугунги кунда Лондон, Лейден, Вена, Техрон, Калькутта, Истанбул, Санкт-Петербург, Душанбе шаҳарларида кутубхоналарда, Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институти жамгармасида саклаимокда. Бу нусхалар файласуф олимнинг фақатгина мусулмон дунёсида эмас, балки жаҳонда хам катта шухрат қозонганидан далолатдир.

Яна бир машҳур олим – Мотуридия калом мактабиининг атоқли намояндаларидан бири Абул Муъин Насафийдир. У 1037 йили Насаф яқинидаги Ибсан (ҳозирги Қовчиш) қишлоғида туғилган. Унинг катта бобоси Макхул ан-Насафий (вафоти 930 й.) ал-Мотуридийнинг шогирдларидан бири бўлган. Унинг ўғли Мұттамид ибн Макхул ан-Насафий эса отаси даражасида шухрат топмаган бўлсада, ҳанафийлар орасида катта обрўга эга эди. Абул Муъин уларнинг ишини давом эттирган. У узоқ муддат Бухоро ва Самарқандда яшаб, ижод этган. Олимнинг аксарият асарлари калом илмининг турли масалаларига бағишланган. «Ал-Умда фи усул ал-фикҳ» (Фикҳ усулидаги устун), «Баҳр ал-калом фи илм ал-калом» (Калом илми дентизи), «Габсират ал-адиллати фи илм ал-калом» (Калом илмида далиллар тилга кирганда), «Ат-Тамҳид ли-қавоид ат-тавҳид фи илми

калом» (Тавхид илмига кириш), «Ал-олим вал-мутааллим» (Устоз ва шогирд), «Манохиж ал-аимма фил-фууръ» (Фуръ илмида олимлар йўли), «Мўътакидот» каби асарлари шулар жумласидан.

Абул Муъин ан-Насафийнинг «Бахр ал-калом фи илм ал-калом» асари калом илми бўйича ал-мотуридия мактабининг асосий машбаларидан бири ҳисобланади. Шу сабабли бу китоб ўрта асрларда кенг таркалган. Бугунги кунда унинг кўлёзма нусхалари Дубай, Дамашқ, Бағдод, Коҳира ва Искандария шаҳарлари кутубхоналарида сақлашмоқда. Асар 1886 йили Бағдодда, 1908 йили Коҳирала чоп этилган. Асрлар давомида унга кўплаб тархлар битилган.

Алломанинг машҳур асарларидан бири — «Табсират ал-адиллати фи илм ал-калом» Имом Мотуридий ва Самарқанд калом илми мактаби ҳақида кизикарли ва батафсил маълумотлар беради. Китобда Мотуридийнинг фандаги хизматларига юксак баҳо берилган ва ёзган асарлари шарҳланган. Олим Убайдулла Уватовнинг таъкидлашича, мазкур китобда ал-Мотуридий таълимоти нихоят даражада мукаммал ва туশунарли тарзда баён этилган. Шу сабабли у асрлар давомида калом илми бўйича асосий кўллапмалардан бири сифатида эъзозлаб келинган.

Бугунги кунда асарнинг мўътабар кўлёзмаларидан бири Мисрининг Искандария шаҳри кутубхонасида сақлашмоқда. У милодий 1269 йили Мухаммад иби Ҳасан иби ал-Ҳусайн исмли хаттот томонидан Бухорода кўчирилган. Коҳирадаги «Дор ул-кутуб ал-Мисрийя» ва машҳур ал-Азхар университети кутубхоналарида асарнинг яна уч нусхаси мавжуд. Араб тилини ўрганиш бўйича Француз илмий институти

тадкиқотчилари мазкур нусхалар асосида Дамашқ шахрида бу йирик асарни (минг сахифадан ортиқ) 1990 ва 1993 йилдарда иккى жилд ҳолида чоп этдилар.

1986 йили Абул Мұын Насафийнің калом илмiga оид яна бир асари «Ат-тамҳид ли қавоид ат-тавҳид фи илми қалом» Қохирада пашр этилғапплиги араб дүнесіда аллома меросига қизиқын катта әкашлигидан далолат беради. Бу асарнің 1273 йилда күчирилған бир нусхаси ҮзФЛ Шарқшоюслик институты Күләзмалар жамғармасыда сақланмоқда.

Ҳадисшунос ва ханафий мазҳабинің таниқли фикхшуноси, мотуридия мактабининің йирик вакили Абул Ҳасан Али ибн Мұхаммад ал-Баздавий ап-Насафийшінің номи ҳам ислом оламида маълум ва машхур. У 1009 йили Насаф яқишидаги Базда (Пазда) күрөптида туғилған. Җазавий фикх бүйіча б асар ёзған, Самарқанд мадрасаларида мударрислик қилиб, күплаб шогирдлар стипитирған. Олимнің «Канз ул-вусул ила маърифат ул-усул» асари «Усули Баздавий» номи билан машхур бўлған. Мусулмон қонунчилиги асослари ҳакидати бу китоб Шарқда кең тарқалған, унга кўплаб шарҳлар битилған. Шу сабабли муаллиф «Факиху Мовароуиннаҳр» (Мовароуиннаҳр факихи) ва «Устоз ал-аймма» (Имомларпинг устози) унвонларига сазовор бўлған.

Ўз даврининің қомусий олими, шоири, муаррихи, фикхшуноси Нажмиддин Абу Ҳафс Умар ибн Мұхаммад Насафий мероси ҳам ниҳоятда салмоқли. У ҳижрий 461 йили (милодий 1069) Насаф шахрида туғилған. Ҳаётининш сўнгти йилларида Самарқандда яшаганлиги учун баъзан исміга «ал-Мотуридий» нисбаси ҳам кўшиб айтилади. Лейни

чайтда у Мотуридия калом мактабининг машхур вакили ва тарғиботчилиаридан бири, Бурҳониддин ал-Маргинонийнинг устози бўлган.

Нажмиддин Насафий фаннинг турли соҳаларига оид 100 дан ортиқ асар ёзган. Айниқса, у фалсафа ва ислом дини масалаларига доир асарлари билан кенг танилган. Шулардан 10 га яқини бизнинг давримизгача стиб келган. Мазкур асарларидан бири «Манзумот ан-Насафия фил хилофият» («Келишмовчиликлар ҳакида ан-Насафий манзумаси»)дир. Шеърий шаклда, арузнинг ражаз баҳрида ёзилган бу китобда мазҳаблар ва улар ўртасидаги мунизарали масалалар ҳакида фикр юритилган.

Нажмиддин ан-Насафийнинг ислом қонуншунослигига оид яна бир асари – «Ақоид ан-Насафий»дир. Бу асарга Амир Темур даврида яшаган машҳур олим Саъдуддин Тафтазоний 1367 йилда батафсил шарҳ ёзган. Мазкур асар Бухорода Субхонкулихон даврида номаълум котиб томонидан кўчирилган (1702), форс-тожик тилига таржима қилинган.

Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райхон Берунийномидаги Шарқшунослик институти қўллёзмалар жамнормасида олимнинг «Ал-йавоқит фил-мавоқит» («Қулай вақтлар хусусида ёқутлар»), уч китобдан иборат «Тайсир фит-тафсир» («Тафсир этишдаги қулайликлар»), тасаввуфга доир «Рисолайи Нажмийя», «Матлаъ ан-нужум ва мажмаъ ал-улум» («Юлдузларнинг чиқими ва фанлар мажмуаси») сингари асарлари сакланмоқда. Шундай асарлардан яна бири – «Шарҳ ал-ғариб» араб тили лексикасига багишланган бўлиб, талабаларга қўлланма сифатида тайёрланган. Мазкур асарнинг уч қўллёзма нусхаси бизнинг давримизгача етиб келган.

Насафлик алломанинг «Ал-қанд фи зикри уламои Самарқанд» («Самарқанд уламолари зикрида қанддек ширин китоб») номли асари ўз даврида ниҳоятда машҳур бўлган. У Самарқанд ва унинг атрофидаги қишлоқлар тарихи, унда яшаган машҳур алломалар ҳастига бағишланган. Шунингдек, китобда 60 дан ортиқ Насафий, Косоний, Касбавий, Баздавийларнинг, 10 га яқин Кешийларнинг таржимаи холларига оид маълумотлар бор. Асарда номлари зикр этилган алломалар – ал-Бухорийнинг содик дўсти Абулфазл Тоҳир ибн ал-Ҳусайн ан-Насафий ал-Майтманоний, 50 йилдан ортиқ Насафда қозилик қиласа Абу Зайд Туфайл ибн Зайд ат-Тамими ан-Насафий, шайх Абулиуср Мухаммад ибн Мухаммад ан-Насафий ва бошқалар ўз даврларининг ягонаси бўлганлар. Жумладан, улардан бири – Абулфазл аш-Шаъбий ибн Абдуллоҳ ал-Афроний ҳақида муаллиф: «Насаф яқинидаги Афрон қишлоғида тутилган бу аллома илм бобида мисли хазина, ҳадис толиблари учун эса битмас туғимас манба эди», деб таъкидлайди.

Мазкур асарнинг бир қисми 1906 йилда рус тилида, бошка қисми эса 1955 йилда Техронда форс тилида чоп этилган. 2001 йили у Усмонхон Темурхон ўғли ва Бахтиёр Набиҳон ўғли таржимасида ўзбек тилида ҳам нашр этилди.

Насафлик олим Ҳофизиддин Абул Баракот Абдуллоҳ ибн Аҳмад ибн Маҳмуд ан-Насафий ҳам замонасининг машҳур имоми, фикҳ илми билимдони, атоқли мұхаддис бўлган. У «Ал-вафи фил-фуруъ» (Фуруъ илмида муфассал), «Канз уд-дақоқиқ фил-фуруъ» (Фуруъ илмида нозик масалалар хазинаси), «Ал-мусаффа шарҳул-манзумат ан-Насафия» (Насафий назмининг шарҳида аниқланганлар), «Ал-мустасфа

шарх ал-фиках ан-нафеъ» (Фойдали фикх шархида танланган фикрлар), «Ал-манор ал-анвор фи усул ал-фиках» (Фикх усулларида ёруғ машъала), «Мадорикул-таизил ва ҳақойиқул-таъвил» (Нозил бўлганларни англаш ва таъвил ҳақиқатлари) сингари асарлар муаллифиdir.

Олимпинг «Канз уд-дакоик фил-фурӯъ» асари айникса машҳур бўлган. Мусулмон конуншунослиги асослари, ҳанифий ва шофейй мазҳабларининг ўзига хос жиҳатлари ҳақидаги бу рисола Насруллоҳ бин Мухаммад бин Жаммод ал-Ирди Кермоний томонидан форс тилига таржима қилинган.

Мазкур асарлар ва уларга ёзилган кўпгина шарҳларнинг қўлёзма нусхалари Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институтининг Кўлёзмалар жамғармасида сақланмоқда. Жумладан, 4834/2208 рақами остида олимпинг «Манзумот ал-кавокиб» («Юлдузлар достони») номли асари ҳам бор. Унда ҳанафия мазҳабининг қарашлари шеърий йўл билан ифода этилган.

Олим ҳаётининг сўнгти йилларида Бағдодда мударрислик қилган ва ўша ерда хижрий 710 йили (милодий 1310) вафот этган.

Насафлик алломалар IX–X асрларда анъанага кўра араб тилида ижод қилган бўлсалар, XI аср охири ва XII аср бошларида ўз асарларини форс тилида ҳам ёза бошлиганлар. XIV асрдан эътиборан ва айниқса, Амир Темур салтанати давридан бошлаб туркий тилда ёзиш имконияти пайдо бўлди. Темурий шахзодалар ижод аҳлини ўз она тилларида ёзишига даъват этдилар, ўзлари ҳам туркий тилда асарлар битдилар. Алишер Навоийнинг «Муҳокамат ул-луғатайн» асари ана шу

ижтимоий талаб заминида яратилган эди. Аммо амалда араб ва форс тиллари ҳам қўлланилаверди. Овруполик ўрта аср сайди Тавериъенинг ёзинича, барча Шарқ мамлакатларида араб тили - Куръон ва илм тили, форс тили - шеърият ва нафосат тили, туркий тил - сиёсат ва ҳарбий муомала тили сифатида машхур бўлган.

Машхур рус шарқшуноси Е.Э. Бертельс шундай деб ёзган эди: «XV асрдан бошлаб ўзбек тилидаги адабиётнинг юксалиши бундан буён форс ва тожик тилларидағи адабиёт Ўрта Осиёнинг фақатгина тожик ахолиси мулки бўлиб қолганлигиши асло англатмайди. Бу даврда ҳам форс тили ўзбекларниң иккинчи адабий тили бўлиб қолаверди».

Насафлик шоирлар ижоди бунга мисол бўла олади. Шамсиддин Сўзаний, Муайдиддин Насафий, Зиёуддин Нахшабий, Сайидо Насафий, Ломеи Насафий, Насим Махрам, Дастан Насафий, Тоҳира Насафий сингари бадиий сўз усталари асосан форс-тожик тилида ижод қилганлар. Афуски, уларниң мероси ҳануз етарлича ўрганилган эмас. Ваҳоланки, уларнинг ҳар бири ўз даврининг стук шоирлари бўлган, асарлари адабий давраларда ва омма орасида катта эътибор топган.

Шамсиддин Мухаммад ибни Али Сўзаний (ҳаким Сўзаний) 1091 йили Насаф шаҳрида туғилган. Ёшлиқ йиллари шу ерда ўтган. Сўнгра тахсил олиш учун Бухоро шаҳрига борган. Бу ерда бир сўзангар (игна ясовчига)га шогирд тушиб, маҳоратли уста бўлиб етишган. Айни пайтда, фазал ва қасидалари билан ташилган.

Сўзаний Бухорода тахсилини тутатгач, Қорахонийлар салтанатининг ўша пайтдаги сиёсий маркази бўлган Самарқанд

шахрига келган ва хон саройига хизматга кирган. Бу даврда у Сўзаний Самарқандий номи билан хам шухрат топади.

Давлатшоҳ Самарқандий ўзининг «Тазкират уш-шуаро» китобида Сўзаний ҳақида шундай ёзди: «... хунтаъб ва зарифсухан одам эди. Ёшлигиде пухта таҳсил олди, аммо таъби ҳазилга жуда мойил эди. У таҳсил олган мадраса уламолари ўзаро тил бириктириб, ҳамхоналаридан бирини Сўзанийни ҳажв қилишга кўндиридилар. У киши Сўзанийга нозик ҳажвлар айтган ва Сўзаний уига муносиб жавоб берган. У ҳажвларни ушбу китобда келтириш муносиб эмасдир...»

Мазкур тавсифдан кўришадики, Сўзаний мохир сўз устаси бўлган ва «Аския» услубида ажойиб жавоблар қайтарган. Айни пайтда, у Ломейй Бухорий, Жаннатий, Шамс Хола, Шатранжий каби шоирларга устозлик қилган.

Шамсиддин Сўзаний 80 йилдан ортиқроқ умр кўрган ва 1173 йили вафот этган. Самарқанддаги Чокардиза қабристонида имом Абу Мансур Мотуридий ва Шахобиддин Абу Ҳафс Умар ан-Насафий мозори ёнига дафи этилган.

Шоирниңг 10–12 минг мисрани ўз ичига олган шеърлар девони Душанбе шаҳрида сақланмоқда. Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институтининг Кўлёзмалар фондидаги «Мажмаъ ал-ғаройиб» тазкирасида хам Сўзаний ижодидан намуналар бор.

Абдураҳмон Жомий ўзининг «Баҳористон» асарида Сўзаний ҳақида кисқача маълумот бериб, шеърларида намуна келтиради. Жомийдек адабиёт билимдони эътиборига сазовор бўлишнинг ўзиёқ Сўзаний шеърият санъатини пухта эгаллаган ижодкор бўлганлигидан далолат беради.

Ўрта асрларда омма орасида ниҳоятда машхур бўлган «Тўтинома» асарининг муаллифи — шоир ва адаб Зиёуддин Нахшабий XIII асрнинг охири ва XIV асрнинг биринчи ярмида яшаб, ижод этган. У ёшлик йилларида оиласи билан Ҳиндистонга бориб қолган. Умрининг кўп қисми Бадоуцда ўтгани учун «Бадоуний», «Ҳиндий-Бадоуний» нисбалари билан ҳам ёд этадилар.

Зиёуддин Нахшабий ўз она тилидан ташқари форс, араб, санскрит тилларини пухта билган. Ўз замонасининг фалсафа, ахлок, тиббиёт, мусиқа, аruz, тасаввуф, фикҳ сингари илмларини пухта ўрганганди. Умрининг охирларида тасаввуф аҳлига қўшилиб, гўшанишинликни ихтиёр этган.

Зиёуддин Нахшабийнинг энг машхур асарларидан бири «Тўтинома»дир. У хижрий 730 йилда (милодий 1329–1330 й.) ёзиб тугатилган. Ҳинд фольклори намуналариининг қайта ишланган варианти бўлган бу китоб асрлар давомида қўлма-қўл бўлиб ўқилган. Жумладан, у 1851 йилда Қозои шахрида босма усулда нашр этилган. XIX асрда инглиз ва немис тилларига таржима қилинган. Машхур немис адиби Герман Гессе «Тўтинома» асаридан ниҳоятда таъсирланганлигини, уни 4–5 маротаба қайта ўқиганини ёзади. Кейинчалик, мазкур асар турк ва рус тилларига ҳам ўгирилган.

«Гулрез», «Жузъиёт ва куллиёт», «Силк ус-сулуқ», «Шарҳи сурай Забур», «Насойих ва мавойиз», «Ашираи мубашшира» сингари асарлар ҳам Нахшабий қаламига мансуб. Уларнинг аксарияти бизнинг давримизгача етиб келган.

Нахшабий шеъриятда ҳам самарали ижод қилган. Насрий асарлари таркибидаги фард, байт, рубоий, китъа, газал ва маснавийлар унинг юксак истеъдодидан далолат беради.

Атокли рус олими А.Кримский бириинчилардан бўлиб Нахшабий хаёти ва фаолиятига оид баъзи маълумотларни тўплаган эди. Кейинроқ Е.Э. Бертельс «Ислом қомуси» асарида Нахшабий ва унинг асарлари хақида маълумот берди. 1979 йилда эса «Тўтинома» асарини таржима қилиб, рус тилида нашр эттириди.

Ўзбекистон Фанлар академиясининг Шарқшунослик институти Кўллўзмалар фондида «Тўтинома» асарининг турли даврларда кўчирилган 9 пусхаси мавжуд. Шунингдек, 159/
XIX раками остида шоирнинг шеърий асарларини ўз ичига олган «Девони Зиёи Нахшабий» сакланмоқда. У 1850 йилда Мухаммад Ҳусайн Булғорий томонидан кўчирилган. Жаҳондаги бир қатор кутубхоналарда, жумладан, Санкт-Петрбургдаги М.Е.Салтиков-Шчедрин номидаги давлат халқ кутубхонаси жамгармасида хам адабнинг бир қанча асарлари борлиги маълум.

Насафлик шоирлар орасида серқирра ижод сохиби Миробид Сайидо Насафийнинг алоҳида ўрни бор. У 1637 йили Қарши шаҳрида туғилган. Сайидо Насафий Абдулазизхон (1645–1680) хукмронлиги даврида Бухоро мадрасаларида таҳсил олган. Ўша даврда машхур бўлган Турди Фароний йўлидан бориб, ғазаллар, хажвий шеърлар ва достонлар битган.

Сайидо тез орада танилиб, тилга тушади. Абдулазизхоннинг эътиборига сазовор бўлади. Аммо илм-маърифатни унчалик хушламайдиган Субҳонқулихон даврида саройда ижод килишдан воз кечиб, оддий тўқувчилик билан кун кечиради.

Малехо Самарқандий ўзининг «Музаккир ул-ахбоб» тазкирасида Сайидо Бухородаги Девонбеги мадрасасида,

кўримсизгина бир ҳужрада истиқомат қилғаплигини ёzádi. Моддий қийинчиликда яшаса-да, тама умидида амалдорларга бўйин эгишдан ор қиласи. Тазкирада Сайидо ижодига шундай баҳо берилган: «Мақтапда унинг номи пайваста келмаган газал учрамайди, у мухаммас боғламаган газал ҳам топилмайди. Ёқимли газаллари сўз усталарини ҳайратда қолдирган, раъно янглиғ мухаммаслари сават тўла гулларнинг тожидир. «Шаҳрошуб»лари бозорларга ғавғо солган, рубоийлари сўз арбоблари эътиборини козонган, қасидалари салмоқли, маснавийлари сирларга бой, қитъалари пандга сероб, мустаъзодлари қалбларни ром этувчи, мувашшаҳлари муаммо, чистонлари дилписац, нимаики ёзган бўлса, бари мумтоз ва олийқадрdir».

Сайидо Насафий катта адабий мерос қолдирган. Унинг лирик ва эпик асарлари ҳажми 18 минг мисрадан ортиқ. У газал, рубоий, қитъа, маснавий жанрларида баракали ижод қилған. Энг муҳими, бу асарларда шоир яшаетган даврнинг хаққоний лавхалари, меҳнаткаш халқ ҳаёти маҳорат билан акс эттирилган. Шу жихатдан қараганда, «Шаҳрошуб» (Шаҳар ҳунармандлари хусусида манзумалар) номли асари диққатга сазовор. 404 байтдан иборат бу ўзига хос асарда шоир ўша даврда Бухородаги 212 хил ҳунар-касб соҳибларини таъриф ва тавсиф этади. Болаларга мос тарзда битилган «Баҳориёт» асарида эса ҳайвонлар ўзаро баҳсга киришадилар. Манзума сўнгидаги меҳнаткаш халқ рамзи бўлган чумолилар ҳаммадан кучли экан, деган холоса чиқарилади.

Сайидо Насафий тараккийшарвар шоир сифатида мамлакатнинг яхлитлиги тарафдори бўлган. Ўзаро юрг талашлар,

ички низолар мамлакатни таназзулга олиб келишини яхши англаб етган.

Қашқадарё воҳаси ўзининг маънавий ширлари билан ҳам шуҳрат тоиган. Абу Туроб Нахшабий, Кусам Шайх, Баҳоуддин Кишлоқий сингари тасаввуф шайхлари фаолияти Қарши шаҳри ва унинг атрофларида кечган. Халиқ орасида катта ҳурмат-эътиборга сазовор бўлган шайхлар юрг тишчилиги йўлида хукмдорларни муросаю мадорага чақирганлар, одамларни эзгу ишларга ва ҳамжиҳатликка даъват этганлар. Лйни пайтда, Кусам Шайх ва Баҳоуддин Кишлоқийлар Баҳоуддин Накшбанднинг илк устозларидан бўлишган. Шу сабабли, Баҳоуддин Накшбанд ва Амир Сайд Кулол сингари Ҳожагон тариқати вакиллари Қарши шаҳрига тез-тез келиб турғанлар.

Амир Темур ва темурий шаҳзодалар салтанати даврида Қашқадарё воҳасида илм-фан, маданият ва санъат туркираб ривожланган. Гўзал месъморий обидалар барои этилган, ободончилик ва фаровоиликни таъминлаш йўлида кўпгина ишлар қилинган. Бунда жаҳоннинг турли мамлакатларидан олиб келинган илм ва санъат аҳлиниң ҳам хиссаси катта бўлган. Насаф ва кешликлар Амир Темур армиясининг ўзагини ташкил этиш билан бирга, илм, фан, адабиёт, санъат, дипломатия равнақига ҳам муносиб улуш қўшганлар. Масалан, месъмор Али Насафий ўз даврининг машхур биноларини барои этишда катнашган. 1370–1380 йилларда Шохи Зинда месъморий мажмуасидаги макбаравлардан бири унинг тарҳи асосида тиклашган.

XV аср охири ва XVI аср бошларида яшаган ҳофиз ва бастакор Махмуд Насафий ижоди ҳам диққатга сазовор.

Унинг ёшлик йиллари Насафда кечган. Сўнгра Самарқанд, Бухоро ва Ҳиротда таҳсил олган. Истебдодли ҳофиз, созанда ва бастакор бўлиб етишган, шеърлар ҳам ёзган.

Махмуд Насафий дастлаб Темурийлар саройидаги санъаткорлар гурухида хизмат қилган. Аммо рақибларининг иғволари туфайли Самарқандни тарк этиб, Ҳиротга кетишга мажбур бўлган. У ўзининг ширали овози, таъсирли ижро услуби билан шуҳрат қозонган. Машхур шоирлар унга ўз шеърларини бериб, мусиқа ёзиш ва куйлашни илтимос қилганлар.

Атоқли ҳофиз Ҳиротда бир неча йил яшаганидан кейин Бухорога келади ва умрининг охиригача шу шаҳарда қолади. Бу ерда у Нажмиддин Кавкабий Бухорий билан танишиб, ундан мусиқанинг илмий ва амалий асосларини ўрганади. Ҳожа Жаъфар Конуний Самарқандийдан қонун асбобини чалиш сирларини ўзлаштиради. Шу тариқа даврининг энг машҳур санъаткорларидан бирига айланади. Айникса, мусиқанинг мураккаб шакли ҳисобланаган «Кулиёт» ижросида шуҳрат топади. Халқ орасида «Булбул» лақабини олади.

Махмуд Насафий «Исфаҳон», «Ҳусайнний», «Ирок» мақомларида бир неча «Нақш», «Амал» ва «Савт»лар яратган. «Нақши Махмудий» оханги унинг машҳур асарларидан бири бўлган.

Қашқадарё воҳасидан чиқкан кўпгина адаб ва уламолар турли йилларда пойтахт бўлган Самарқанд ва Бухорода, айримлари эса тақдир тақозоси билан Ҳиндистон, Эрон, араб давлатлари ва Румда (Туркия) яшаб ижод этганилар. Масалан, мўгуллар истилоси даврида зиёлиларнинг

каттагина қисми Ҳиндистондан бошпана тоңган. Бухорода Субҳонқулихон хукмронлиги пайтида (1680–1702) ҳам насафлик ва кешлик бир қанча шоирлар Ҳиндистонга кўчиб кетган. Малехо Самарқандийнинг ёзинича, улар орасида Дастан Насафий, Насим Махрамий Насафий, Қадри Насафий, Ломеъ Насафий сингари шоирлар бўлган. Бобурийларнинг шеърият ва умуман маданиятга эътибори, ижод аҳлига хомийлиги ҳам бунга сабаб бўлганлиги аниқ. Амир Хусрав Деклавий, Мирзо Абдулқодир Бедил сингари атоқли шоирларнинг ота-боболари ҳам Қашқадарё воҳасидан бўлишган. Бедил бу хақда шундай сатрларни битган эди:

Рў ба ҳинд овардани соҳибдилон аз баҳри чист?
Рўзгор оишаро муҳтожи хокистар куниад.


Мазмuni: Позик қалб соҳибларининг Ҳиндистонга келиши боиси нима? Ахир, турмуш ойнани ҳам кулга муҳтоҷ қиласи-ку (яъни, орқа томони кулрашта бўялмаса ойна равшан бўлмайди).

Кадимда китоблар гўзал ҳусниҳат соҳиблари томонидан кўчирилган ва иодир санъат намуналарига айланган. Карши шаҳрида ҳам ҳусниҳат ёзини, китобат санъати анъаналари авлоддан-авлодга ўтиб келган. Бугунги кунда давлатларнинг кўлёзма хазиналарида Карши хаттотлик мактаби вакилариининг қўли билан битилган кўплаб асарлар сақланмоқда. Муҳаммад ан-Насафий, Муҳаммад Саид Насафий, Искандар Насафий, Мирзо Исомидин Насафий, Мирзо Абдулқодир Насафий сингари моҳир хаттотларнинг номлари қадимий кўлёзмалар сахифаларига мангуга муҳланган.

Биз мақоламизда насафлик әнг машхур алломалардан баъзиларининг ҳаёти ва ижоди хусусида тўхталиб ўтдик. Аслида илм ва маданиятнинг турли соҳаларида из қолдирган Насафийлар биз билганимиздан ҳам кўп. Уларнинг мероси ҳамон ўз тадқиқотчиларини кутмоқда.

Истиқлол бизга ўз тарихимизни янада чуқурроқ ўрганиш, бой маданий меросимиздан баҳраманд бўлиш имконини берди. Ўнлаб машхур алломаларимизнинг мақбаралари қайта қурилиб, номи ва асарлари халқимизга қайтарилди. Шулар қатори турли асрларда яшаган Насафий ва Кешийлар меросига ҳам қизиқиш ортди. Бу бебаҳо маданий меросни янада чуқурроқ ўрганиш Қашқадарё воҳасида яшаган улуғ алломалар ҳаёти ва ижодининг нодир сахифаларини кашф этиш имконини беради.





ИЛМ ВА АДАБ ҚУББАСИ

Қадимий Кеш (Шахрисабз) ўз тарихи давомида кўплаб босқиларни, таракқиёт ва ташаззул даврларини боидап кечиргаш. У милоддан олдинги 328 йили Македониялик Искандар томонидан босиб олиди. Юон солшомачиси Ариан Искандар бу ерда бир қиши ўтказгашлиги ва Сўёд хокими Оксиартниң қизи Роксана (Рухшона)га уйланганигини ёзиб қолдирган. Шахрисабз ҳудудида қадимишушлар томонидан топилган қадимий ашёлар орасида Искандар зарб этган ташалар хам мавжуд.

Кеш милодий VI–VII асрларда Зарафшон ва Қашкадарё водийсини ўз ичига олган Сўёд давлатишинг марказий шаҳарларида бири бўлган. Афсуски, милодий VIII аср гача бўлган ёзма манбалар ниҳоятда кам сақланиб қолтан. Юон, хитой ва араб сайёҳларишинг солномаларида гина Кеш ҳакида бъязи маълумотлар қайд этилган. Масалан, Хитойдан Ҳиндистонга қараб йўлга чиқсан буддавий коҳин Сюан Цзянъ милодий 629 йилда Кешда ҳам бўлган. Ўша даврда у анча ривожлангац, каттагина шаҳар бўлган. Сайёҳ ўз хотираларида шаҳар билан боғлиқ кўнгина маълумотларни ёзиб қолдирган.

Араблар босқини даврида Кеш аҳли озодлик учун мардонавор жанг олиб борган. Тарихий манбаларга кўра, бир ичча йил давомида килингандан ҳамлалар натижасидагина араблар уни эгаллашга муваффақ бўлганлар. Муқанина бошлигидаги қўзғолон маркази ҳам шу ҳудудда бўлганлиги бежиз эмас.

Араб халифалиги таркибига кирган Кеш тез суръатлар билан тараққий топди. Учининг Эрон ва Хурсоидан Самарқандга борадиган карвон йўлида жойлашганлиги, катта илмий ва маданий марказлар билан алоқалари кенгайғанлиги бунига сабаб бўлди. Милодий VIII–X асрларда Кеш Мовароуниҳардаги йирик маданият марказларидан бирига айланди. Бу ердаги мадрасаларда машҳур уламолар дарс берарди.

Шарафуддин Али Яздий «Зафарнома» асарида бу ҳакда шундай ёзади: «Баъзи китобда манқул турурким, Кеш шахри бурун уламои Исломнинг ери эрмини ва бузургвор муҳадислардин уч имом ацида ватан қилғон турурлар: бири Абу Муҳаммад (Абдуллоҳ ибн Абдулҳамид ибн) Наср (Ибни Ҳумайд) Ал-Кашшӣ ва яна бири (Абу Муҳаммад) Абдуллоҳ ибн Абдураҳмон ад-Дорамий ас-Самарқандий ва Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий разийаллохи анҳум. Ул маҳалда олам аҳли масъала ва масонли диний учун атроф оламдин Кеш вилоятига келур эрмишлар... Бу жиҳатдин Кешининг «Қуббатул илм ва адаб» лакаби бўлуб турур».

Бу даврда ном қозонгандан олимлардан бири Шарафуддин Али Яздий тилга олган Абдулҳамид ал-Кашшӣ(Кеший)дир.

Йирик тилпунос, ҳадисшунос ва фикхпунос олим бўлган бу зотнинг тўлиқ исми Абу Мухаммад Абдулҳамид иби Хумайд иби Наср ал-Кеший ал-Курашийдир (вафоти миодий 864). У «Ат-Гафсир» ва «Ал-Муснад» асарлари, араб тили грамматикасига оид «Китаб ала хуруф ал-муъжам» (харфлар тўғрисида китоб), «Ат-Тасариф» («Турланиш»), «Китаб фаъалту ва афъалту» («Феълнинг фаъала 1 ва 4 турлари ҳакида китоб») номли уч дарслик муаллифиdir.

У Кешда ҳадисшунослик ва фикхшунослик мактабига ҳам асос солган. Бу ҳақда Нажмиддин Насафийнинг маълумотлари диккатта сазовор. «Кеп ахли Мовароуниҳрининг бўлак шахарлари олдида ул киши билан ифтихор қилур эди ва бунга улар ҳакли эди», деб ёзди у «Самарқандия» китобида. Абдулҳамид ал-Кешийнинг ўғли Мухаммаднинг айтишича, Қутайба иби Саид: «Агар Термизга борсангизлар Аҳмад иби ал-Хасанинг этагидан маҳкам тутиңгизлар, агар Кешига борсангизлар Аbd иби Хумайднинг этагидан маҳкам тутиңгизлар, агар Бухорога борсангизлар Абдуллоҳ иби Абдураҳмоннинг этагидан маҳкам тутиңгизлар ва агар Шошга борсангизлар Абдуллоҳ иби Абу Аробанинг этагидан маҳкам тутиңгизлар!» – деб айтган экан.

Нажмиддин Насафий алломанинг ўғли сўзларига асосланниб ёзишича, Абдулҳамид ал-Кеший асли Кеп қишлоқларидан бири – Фазниёндан бўлган. Унинг отаси Хумайд иби Наср Бағдодда туғилган экан. Чунки бобоси Наср – халифа Абу Жаъфар ал-Мансур (754–775) саройи қўриқчиларидан бири бўлган. Ўша иайтда кўпгина халифаларнинг қўриқчилари ва шахсий гвардияси туркий халклар вакилларидан бўлган.

Хизмат муддати чўзилиб кетган Наср оиласини ҳам Бағдодга кўчириб олиб борган. Алломанинг отаси Бағдодда туғилиб ўсган, ҳар соҳада муқаммал илм олиб, ўз даврининг етук кишиларидан бирига айланган. Ал-Кешийнинг ўғли Муҳаммад бобоси хақида шундай ёзади: «Ул киши ҳар соҳада – араб тили, аruz, назм ва бошқа илмлар бобида фасоҳат сохибларидан эдилар, шунингдек, ул киши адиб, қори ҳам бўлиб, Куръони каримни тоятда чиройли қироат қилур эдилар ҳамда одамларга ҳам уни тиловат қилмоқни ўргатур эдилар». Табиийки, ал-Кешийнинг машҳур уламо бўлиб шакланишида отасининг ҳиссаси катта бўлган.

Абдулҳамид ал-Кеший кўплаб мамлакатларда сафарларда бўлган. Абдураззок ибн Хумом ас-Санъоний, Мусо ибн Исмоил ат-Табузакий, Язид ибн Хорун сингари малихур ҳадисшунослардан, Яман ва Ироқ аҳлидан ҳадислар тинглаган. «Мен ҳадис талабида (юртма-юрт кезиб юрган чоғларимда бирвлар ерга ташлаган) қовун пўчоқларини териб ер эдим», деган экан у. Бу гувоҳлик унинг илм талабида катта риёзатлар чекканлигини кўрсатади. Кейинги даврда яшаган Муслим ибн Ҳажжож ал-Қушайрий, Абу Исо ат-Термизий, ал-Ҳасан ибн Муҳаммад ибн Нуҳ ибн Суфён ас-Салмий ас-Самарқандийлар ундан ҳадислар ривоят қилганлар. Имом ал-Бухорий ҳам «Ат-Тарих» асарларида ал-Кеший ҳақида тўхталиб, ундан ҳадис ривоят қилганлар.

Кеш илмий мактаби анъаналари кейинги асрларда ҳам муваффақиятли давом эттирилди. Нажмиддин Насафий «Алканд фи зикри уламои Самарқанд» («Самарқанд уламолари

зикрида қанддек ширин китоб») номли асарида 10 га яқин Кеш алломаларининг номини қайд этган. Бонка манбаларда ҳам бундай маълумотлар бор. Масалан, Эронда нашр этилган мўътабар Деххудо «Лугатнома»сида Мавлоно Шамсиддин Мухаммад ибн Аҳмад ал-Ҳаким Кеший олим, ориф ва суфий деб таърифланган. Бу кешлик аллома тақдир тақозоси билан Эронга бориб қолган ва билими ҳамда қобилияти туфайли катта обру-эътибор топган. Бир қатор китоблар ёзган. «Лугатнома»да унинг араб тили грамматикасига оид «Китоб ал-ҳоди фи ал-нахв» номли асари ва шеърий қасидалари борлиги айтилган.

Яна бир кешлик аллома – Аҳмад ибн Мусо ал-Кеший қаламига мансуб «Мажмуъ ул-ҳаводис ва-н навозил» номли асар эса Туркиядаги Сулаймония кутубхонасида сақланмоқда. хижрий 550 йили (милодий 1155) ёзилган мазкур асар хали ўрганилмаган.

1220 йили бутун Мовароуннаҳр алаңга ичида қолди. Мўғуллар босқини туфайли кўплаб нодир қўлёзмалар, қадимий обидалар побуд бўлди. Асрлар давомида шаклланган илм ва маданият марказлари инкирозга юз тутди. Кеш шахри ҳам бундан мустасно әмас эди. Илм ва санъат ахллари қўшни Шарқ мамлакатларидан бошпана тоңдилар.

Соҳибқирон Амир Темурнинг тарих сахнисига чиқиши бутун Турон аҳлига пажот бағишлади. Айниқса, Шаҳрисабз ўз таракқиётининг юксак даражасига эришди. Бу ерда гўзал меъморий обидалар барпо этилди, ободончилик ва фаровонликни таъминлаш борасида катта тадбирлар амалга оширилди. Бу ҳакда Захириддин Мухаммад Бобур «Бобурнома» аса-

рида шундай ёзади: «Яна Кеш вилоятидур. Самарқанднинг жанубидадур, тўққиз йигоч йўлдур. Самарқанд билан Кеш орасида бир тоғ тушубтур. Итмак добони дерлар. Сапттаронилик қилур тошларни тамом бу тоғдин элтарлар. Баҳорлар сахроси ва шахри ва боми ва томи хўб сабз бўлур учун Шаҳрисабз ҳам дерлар. Темурбекнинг зоду буди Кепдин учун, шаҳр ва пойтахт килурига кўп сайд ҳамошаси мөнглийнинг калони килинадиган. Олий иморатлар Кенита бино килди. Ўзига девон ўлтурур учун бир улуғ пештоқ ва яна ўнг ёцида ва сўл ёнида тавочи беклари била девон беклари ўлтуруб девон сўрар учун икки кичикрак пештоқ қилибтур. Яна саврун эли ўлтурур учун бу девонхонанинг хар зилъида кичик-кичик тоқчалар қилибтур. Мунча олий тоқ оламда кам нишон берурлар. Дерларким, Кисро тоқидит бу бийикрактур. Яна Кенда мадраса ва мақбара қилибтур. Жаҳонгир Мирзо ва яна батьзи авлодининг макобири аннададур».

Бу даврда Кеш Мовароуштахрдаги йирик шаҳарлардан бирита айланади. «Бобурнома»да қайд этилишича, у кўрюнининг катталиги жихатидан минтакада Самарқанддан кейинги ўринда турган. Шаҳар қалья девори ва хандак билан мустаҳкамланган. Бу даврда Кенда бўлган Испания элчиси Клавихо ўз хотираларида шундай ёзади: «Ушбу шаҳар текисликда жойланган. Унинг барча томонларидан кўплаб ирмоқлар ва каналлар оқиб ўтади, шаҳар кўп сонли боғлар ва уйлар билан ўралган».

XIV–XIX асрларда Кенда Шамсуддин Кулол ал-Кенсий, Ҳазрати Башир, Мавлоно Хожагий Имканагий сингари машҳур тасаввуф шайхлари, Хожа Абулбарака Фироқий,

Лайоб Шахрисабзий, Лозимий Кеший, Нажми Кеший, Ҳаким Шахрисабзий каби шоирлар, ўилаб мохир хаттотлар яшаб, ижод этган.

XVI асрда Шайбонийлар ҳокимият тенасига келгач, темуррийлар даврида бунёд этилган иншоотлар қаровсиз қолади, уларнинг баъзилари вайрон қилинади. Амирлар тўхтовсиз Шахрисабз устига юришлар килар, орадан сал ўтмай вилоят яна бўйсунмаслик йўлини тутар эди. Биргина Амир Насрулло 20 йил давомида Шахрисабзга 30 мартадан ортиқ хужум қилган. Натижада экин майдонлари пайхон қилинган, обидалар, сув иншоотлари бузиб ташланган, ташки тижорат йўллари тўсилиб қолган.

Аммо босқинлар, жангу жадаллар ҳам ҳалқнинг илм ва маърифатга бўлган интилишини тўхтата олмаган. Бу ерда бир қанча мадрасалар ишлаб турган, шоирлар, хаттотлар, мўйқалам усталари, хунармандлар фаолият олиб борган. XIX аср охири ва XX асрнинг биринчи ярмида Мулла Курбон Хиромий, Фарах Шахрисабзий, Равнақий, Гулшаний, Факирий, Мирзо Умрбокий Шахрисабзий сингари шоирлар, Мирзо Юнус Шахрисабзий, Мухаммад Юсуф Шахрисабзий, Имомуддин Шахрисабзий, Иброҳим Девона, Бобобек Иштибар, Абдумалик Шахрисабзий каби истеъододли хаттотлар баракали ижод этганлар. Улар мумтоз адабиёт анъаналарини муваффақиятли давом эттирғаилар.

Шўролар тузуми Шахрисабз аҳли бошига янги оғатлар ёндириди. Даҳрийликни шиор қилиб олган «қизил»лар илм-маърифатли кишиларни қатағон қилдилар, араб ёзувидаги барча китоблар ёндирилди. Шоир Мирзо Умрбокий

Шаҳрисабзий ўз хотираларида бу давр хақида шундай ёзади: «Кўк гумбаз масжиди қамоқхонага айлантирилди. Муллолар, ўқимишли одамларни келтириб қамай бошладилар. Мен яширинча Каттакўргон шаҳрига кочиб кетдим. Аммо қизил аскарлар уйимни тинтув қилиб, неча йиллаб йиққан нодир кўлёзма асарларни олиб кетишшибди. Аввал Каттакўрғонда, кейинроқ Самарқандда яшадим. Уй-жой, мол-мулким Шаҳрисабзда колиб кетди. Аммо энг ачинарлиси китобларимниң йўқолгани эди...»

Шўролар даврида Шаҳрисабзда бўлганлар яхши билали, ўша пайтда шаҳардаги қўпгина зиёратгоҳлар ярим хараба ахволга келган, баъзиларининг гумбазлари йиқилиб тушганди. Дор ут-тиловат ва Дор ус-сиёдат мажмуалари ўртасида пастқам уйлар, деворлар, қинғир-қийишк кўчалар бор эди. Бугун бу ерда икки мажмуали туташтирувчи равон йўлкалар, хиёбонлар барпо этилган. Умаршайх мирзо мақбараси, Амир Темурниң ўзи учун қурдирган сагана атрофи очилиб, мазкур иншоотларининг пойдевори ўрни белгиланган. Илгари бу мақбара ва сагана харобалари тамомила тупроқ остида қолган, устида уйлар қурилиб кетганди. Қайси бир йили тенада ўйнаб юрган болалардан бирининг оёғи ногаҳон чуқурга тушиб кетади. Кадиминуослар текшириб, бу Амир Темур саганасининг ер остики кисми эканлигини аниқлайдилар. Уйлар кўчирилиб, атроф текширилганда, Умаршайх мирзо мақбарасининг қолдиқлари хам топилади.


Мустамлакачилик даврида олиб борилган сиёсатининг асл мақсади ҳалқни ўз тарихидан мосуво қилиш, унинг миллий

бууруини синдириш эди. Шу сабабли тарих сохталашибилди, озодлик учун кураптан халқ қаҳрамонлари, миллат стакчилари номига тақиқ тамғаси урилди, муқаддас зиёратгоҳлар харобага айланди. Қабристонлар текисланиб, устига бинолар қурилди. Шахрисабзданын ягона эмас. Самарқанддаги машхур Чокардиза қабристони ҳам бинолар остида қолган эди. Имом Мотуридий юбилейи мүносабати билан қабристон ўрни ободонлашибилди, кўркам мақбара тиклангаплиги аждодларимиз хотирасини эъзозлаш йўлидаги савоб ишларимиздан бири бўлди.

Ҳа, Шахрисабз тарихи тоҳида қувончли, тоҳида аянчли воқеаларга бой. Неча асрларни кўрган обидаларгина уларга гувоҳ бўлган. Бугун бу воқеалар бизга худди афсона-дек туюлади. Зоро, истиклол шаҳарнинг қадим шавкатини қайта тиклади, унинг аҳлига тинч ва осойишта ҳаёт баҳш этди. Соҳибқирон Амир Темур олти асрдан кейин яна ўз тугилган тупроғига қайтди. Оқсарой олдида унинг муҳташам ҳайкали тикланди, шаҳар Амир Темур ордени билан тақдирланди. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов 1996 йил 18 октябрь куни мазкур ҳайкалнинг очилиш маросимида сўзлаган нутқида шундай деган эди: «Қадимий ва табаррук Шахрисабз замини ноят қутлуг маскандир. Жаҳон маданияти бетимсол намояндадарининг зуваласи мана шу тупроқдан олинган. Ҳусрав Дехлавий, Мирзо Бедил, Мирзо Фолиб каби алломаларнинг ота-боболари худди шу жойда камол топганлар. Лекин бу эл-юртни бутун жаҳонга машхур этган, донгини таратган зот, шубҳасиз, соҳибқирон Амир Темур бобомиздир».

Бугунги кунда Шаҳрисабз ўз тарихининг энг шонли сахифаларига гувоҳ бўлмоқда. Шаҳардаги маҳобатли Оксарой, хар бири ўзига хос Дор ут-тиловат, Дор уссиёдат, Гумбази сайидон сингари меъморий иншоотлар қўли гул усталар томонидан қайта таъмирланди ва ЮНЕСКО томонидан Жаҳон мероси рўйхатига киритилди. Қадим Кенинг бу халқаро ташкилот билан ҳамкорликда ўтказилган 2700 йиллик юбилейи тантаналари шаҳарни бутун жаҳонга танитди. Айни цайдада, бу тадбирлар тарихининг унутилган сахифаларини тиклаш, аждодлар меросини эъзозлаш бора-сида мамлакатимизда амалга оширилаётган катта миёсли ишларнинг яна бир намойиши бўлди.





МУМТОЗ АДАБИЁТИМИЗДАГИ ТУЮҚ ЖАНРИ ҲАҚИДА

Мумтоз адабиётимиздаги туюқ жанри милодий XIV аср охири – XV аср бошларида пайдо бўлган. Щаклан бирбирига ўхшаш, аммо мазмунан турлича маънога эга бўлган кофиялар заминига курилган тўрт қатор шеър туюқ деб аталган. Бу жанр ишордан катта маҳорат ва истеъод талаб килган. Қатъий қолип ичидаги мантиқни бузмай, янги мазмун ва фикр баён эта олиш учун, албатта, маҳорат керак бўлган.

Мальумки, бу даврда Мовароуннахр ва Хуросонда турк тилида ижод килувчи кўплаб шоирлар адабиёт сахнасига чиқди. Лутфий, Ҳайдар Хоразмий, Юсуф Амирий, Атоний, Саккокий, Гадоний, Якиний, Муқимий каби шоирлар ижоди бунга мисол бўла олади. Кейинги йилларда Хофиз Хоразмий ва Сайид Косимиylар мероси ҳам тонилди. Улар рангбаранг жапрларда ижод қилганлар. Бу мерос ичидаги туюқлар ҳам алоҳида ўрин тутади.

Шайх Ахмад Тарозий ўзининг хижрий 840 йилда (м.1436–1437) ёзилган «Фунун ул-балога» («Етуклик илмлари») асарида шундай ёзди: «Ва бу турк шоирларининг ихтиросидур. Муни турклар туюқ дерлар. Мисоллар:

То күнгүлда ишк ўти тобандалур,
Фам майшат панжасин тобандадур.
Киприк ўқын қисмат этиб отсанғиз,
Хеч кишига тегмас ул – то бандадур.

Ишқсиз узди юроким ёғини,
Ер юзин тутти күзүмни ёғини.
Сирри дилни күз ёши фон айлади,
Асрамишмон ўз күзүмда ёғини.

Гар ҳавойи васли дилбар дори дер,
Йўлда тикмишлар муҳаббат дори дер.
Сен агар чин ошиқи содик эсанг,
Бу муҳаббат дорини бир дори дер.

(Мұхаммад Темур Буго)

Бергил эй симиизақан, илик манга,
Неча ёши бўлғасан, элик манга.
Дардингиз дармони жонимдир менинг,
Софигурлар билмаган илик манга.

(Хожи Ақча Киндий)

Тушти ишим бир янгоки ол била,
Боғлади кўнглумни зулфи ол била.
Қубла(ўпич) бериб жон олурға, эй санам,
Бўлмасанг рози, кўнгулни ол била.

(Аҳмад Тарозий)

Алишер Навоий ижодида ҳам туюқлар алохида ўрин тутади. Шоирниң «Мезон ул-авзои» асарида туюқ хақида шундай тавсифни ўқыймиз: «Бириси туюңдурким, икки байт-

да мукаррардир ва саъй қилурларким, тажнис айтилғай ва ул вази рамали мусаддаси максурдир, мундоқким:

Ё раб, ул шахду шакар ё лабмудур,
Ё магар шахду шакар ёлабмудур.
Жонима пайваста новак отқали
Фамза ўқин қошина слабмудур».

«Мұхокамат ул-лугатайн» асарида әса Навоий туюққа янада кенгрөқ тавсиф беради:

«Чун нарию хурдур отинг бегим,
Суръат ичра дев эрур отинг, бегим,
Хар хадангиким, улус андин кочар,
Нотавон жоним аро отинг, бегим.

Ва бу икки байткі, тажниси томдур ҳам түрк шуароси хоссасидурки, сортда (форс-тожик адабиётида) йўқтур ва мунни туюғ дерлар... Ва бу навъ алфоз ҳамки, уч маъни ва тўрт маъни ва ортуғроқким, ирода қиласа бўлгай, кўп борки, форсий алфозда андоқ йўқтур».

Асарда яна бир туюқ келтирилган. Муаллифи кўрсатилмаган туюқ қуйидагича:

Эй ракиб, ўзни анга тутсанг ҳам ит,
Бизга раҳм айлаб онинг кўйидан ит.
Гарчи бор дўзахча ишқинг шуъласи,
Бизни ўз илгинг била ул сори ит.

Алишер Навоийнинг девонларида туюқнинг ажойиб на-
муналари бор. Мана улардан иккитаси:

Даълидин жошимга ўтлар ёқилур,
Копи қаддимни жафодин ё килур.
Мен вафоси ваъдасидин шодмен,
Ул вафо билмонки қилмас ё қилур.

Улки хар кўзи визоли Чиндуур,
Копида пайваста онинг чиндуур.
Чунки кўн ёлан айтти ул менга,
Гар десам ёғончи они чиндуур.

Шоирнинг тоғаси Мир Сайд Кобулий ҳам қобилияти ижодкор бўлган. «Мажолис ун-нафоис»да унинг кўйидаги туюги келтирилган:

Эй, муҳиблар, стсангиз гар ёза сиз,
Гул адокинда хумори ёзасиз.
Гар мен ўлсам, турбатимнинг тошиға
«Куштаи бир шўх эрур» леб ёзасиз.

Маълумки, Амир Темур авлодлари орасида шоирлар кўп бўлган. Улар адабиётни, санъатни севган, бу соҳада ўзларидан муносиб из қолдиргандар. Улардан бири – Соҳибқироннинг набираси Абобакр Мирзодир. Навоий «Мажолис ун-нафоис» асарида у ҳақда шундай дейди: «Баҳодирлуғи ва киличи зарби Чигатой улусида машҳурдир. Чун табъида назм чошниси бор эрмиш. Ҳамул баҳодирлиғ таврида бу туюк андин машҳурдирким:

Эр керак ўртанса, ёнса ёлина,
Ёра еб ётса отининг ёлина.
Ит ўлуми бирла ўлса яхшироқ
Эр отониб, душманиға ёлина.

Агарчи баъзи алфози турконароқдур (туркларга хос, солда), аммо тажнисини (шаклдош сўзларни) яхши топибдур».


Шундан кейин Навоий Амир Темурнинг яна бир наабираси – Султон Искандар Шерозий ҳақида сўз юритади: «Салтанат тажаммулини (зийнатини) дерларким, салотиндин ози онча қилмиш бўлғай. Етти ё секиз йиллик салтанатида гўёки уч танж топибдур. Мавлоно Хайдар туркигўй аининг модиҳи (мадҳ этувчиси) экандур... Султон Искандарни дерларким, табъи пазм эрди. Ва бу туюқни андин нақл килурларким:

Тўлун ойга нисбат эттим ёруми,
Ул хижолатдин кам ўлди ёруми.
Тори мўюнгнинг закотин мен берай,
Ё Мисрни, ё Ҳалабни, ё Руми.

Бурунги туюқдин бу турконароқдур».

Юқорида келтирилган мисоллар туркий тилда ижод қилган кўплаб истеъдолд эгаларининг меросидан ҳали бехабар эканлигимиздан далолат беради. Афсуски, туркий кўлёзмаларнинг катта қисми жангу жадалларда ва ҳар хил фалокатларда йўқолган. Аммо турли давлатларнинг китоб хазиналарида сақланаётган кўлёзмалар орасида туркий тилдаги ноёб асаллар борлиги ҳам шубҳасиз. Уларни қидириб топиш ва ўрганиш олимларимизнинг галдаги вазифаларидан биридир.





БУЮК МУҲАББАТ ВА ҲИЖРОН ҚЎШИҚЛАРИ

Неърият аслида шоирнинг дил изҳори, ички кечинмалари, ҳаётидаги қувони ва изтиробларнинг инъикосидир. Нодира (Моҳларойим) ғазалларини ўқигандага бунга яна бир бор ишонч ҳосил қиласиз. Улар аслида буюк муҳаббат ва ҳижрон қўшиқларидир. Мана тингланг:

Фифонким, гардиши даврон айирди шахсуворимдин,
Фамим қўп, эй кўнгул, сен бехабарсен оху зоримдин.

Губорим ишқ водийсида барбод ўлди андоқким,
Биёбонларда Мажнун тўтиё излар губоримдин.

Қизил қондур сиришким, заъфарондур чехраи зардим,
Мени ким кўрса фарқ әтгас хазон бирла баҳоримдин...

Бу сатрларни Нодира турмуш ўртоғи, истеъоддли шоир Амир Умархон (Амирий) хотирасига багишлаб ёзганлигини ҳамма ҳам билавермаса керак. 30 ёшида бева колган Нодира ҳамиша ёрининг ёди билан яшайди, жўшқин, аламли ғазаллар битади.

Моҳларойим 16 ёшлигига қариндоши, Марнилон ҳокими Умархонга турмушга узатилган эди. Умархон 2 йилдан сўнг Кўкои тахтига ўтиради. Моҳларойим саройда адабий тўгарак ташкил этиб, атрофига аёл ижодкорларни тўплайди. Жумладан, шоира Увайсий билан танишади. Умархоннинг

ўзи ҳам яхши шоир эди. Улар оиласида самимий мұхаббат ва ижодий ҳамкорлик мұхити вужудға келади. Мұтоиралар, санъаткорлар иштирокидаги давралар анъанага айланади.

Отаси Раҳмоңқұлбий Андіжон ҳокими бүлгаплиги сабабли Моҳларойим болаликдан ҳар томонлама шұхта билим олғанды. Ана шу билими ва қобиляти туфайли у яхши шоира бўлиб етишади, ўзбек ва форс-тожик тилларида оташин фазаллар битади. У «Нодира», «Макиуна», «Комила» тахаллуслари билан ижод қиласы.

Аммо бу баҳтли ҳаёт узок давом этмайды. Умархон 1822 йили тўсатдан вафот этади. Тахтга унинг ўғли, 14 яшар Мұхаммад Алихон (Маъдалихон) ўтиради. Давлатни эса асоссан Нодира идора қиласы. Энди у ҳаётини юрт ободлиги, маданият ва санъат равнақига бағишлады. Нодиранинг замондоши Хотифнинг гувоҳлик бершича, у Фарғона, Тошкент, Хўжанд, Андіжон ва бошқа шаҳарлардан таниқли олимлар, хаттотлар ва наққошларни Кўқонга даъват этади. Уларнинг ижод қилинілари учун барча шароитларни яратиб беради.

Севган ёридан айрилиш азоблари Нодирани хижрон куйчисига айлантириди. Унинг севган мавзулари мұхаббат, садоқат, вафо эди. У бир шеърида шундай ёзади:

Мұхаббатсиз кипи одам әмасдур,
Гар одамсан, мұхаббат ихтиёр эт.

Нодиранинг форс-тожик тилидаги девонига сўзбоши ёзган номаълум муаллиф шундай сўзларни битган: «...Улуг мақсадли шаҳриёр, хоқони Жампид иқтидор, иззат ва улуғлик мамлакатининг қуёни Сайийд Мұхаммад Умар подшоҳ мамлакат ишларидан фориғ бўлганида... қимматбаҳо

умрини ёқимли ва ширин-ширин шеърлар ва газаллар айтишга сарф қилди. Азиз табиатидан чиқариб иншо ва тасниф қилған девонлари ўз замонасида атрофга ва чет элларга машхур бўлиб тарқалди. Шу замонда, тўсатдан тақдирнинг каттиқ ели унинг вужуд ниҳолини шундай чиройлилиги ва тозалиги билан йўқлик хазони ичига кўмди ва замон майдонини қонли кўз ёшлари билан мотам лолазорига айлантирди.

Шу мусибат чоғида унишг ёқимли мастураси, никохли рафикаси, иффатли маҳбубаси, салтанат паноҳида ва ҳашамат чодирнида тарбия топган нараб ва камол денгизининг гавҳари, иззату иқбол садафининг дурри ноёби, фукаро ва ҳалқиарварлик ишида катта-кичикка мусаллам бўлган зот ёқимли ва ширин-ширин шеърлар ёзин ва англанида минг ақлли эркакдан ортиқроқ бир хотин эди. Унинг яхши хислатлари ва мақтовга лойик сифатлари ҳаддан зиёда ва саноқдан ташқаридир».


Нодира юкорида зикр этилган газалида ёр согинчини шундай сатрларда ифодалайди:

...Бузулди рўзгорим, хонаи айним ҳароб ўлди,
На роҳат кўрамен эмди бузулгон рўзгоримдин.

Биёбонларни излаб топмадим ёrim сўроғини,
Берурман жон, сабо погах ҳабар келтурса ёrimдин.

Диёrim аҳли мендин ёрсиз бетона бўлмишлар,
Ки мен ҳам ёрсиз озурдамен ёру диёrimдин...

Нодиранинг хаёти 1842 йилда Кўқонни босиб олган Бухоро ҳукмдори, жаҳолатнараст амир Насрullo ҳукми билан фожиали яқунланди. Аммо унинг буюқ мухаббат ва садоқат туйғулари билан йўғрилган газаллари яшаб колди.



МУШТАРАК МЕРОС

Муркияликлар Ўзбекистонни «ота юртимиз» дея ўзгача меҳр-муҳаббат билан тилга оладилар. Бу, албатта, бежиз эмас. Анадолу тупроқлариши ўзига маскан қилган салжукийлар ва Усмон ўғиллари XI–XII асрларда тақдир тақозоси билан Аму ва Сирдарё соҳилларидан кўчиб борганилар. Мазкур давлатларнинг хукмдорлари ва ахолиси ўзларининг турк экваликларини, ота-боболари Ўрта Осиёдан келганилигини бир дақиқа бўлсин унутмадилар. Шу сабабли Туркистон миңтақасида яшаган қавмдошлиари билан асрлар давомида ўзаро алоқада бўлиб келдилар. Муштарак халқ оғзаки ижоди намуналари, шоирлар ва олимларнинг икки юртда ҳам бирдай довруқ тошиши ана шундан далолат беради. Табиийки, масофанинг узоқлиги ва ижтимоий-сиёсий вазият туфайли бу алоқалар гоҳ кучайиб, гоҳ сусайиб турган.

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан кейин Шўролар хокимияти даврида Туркия билан узилиб қолган дўстлик ва хамкорлик алоқалари қайта тикланди. Сиёсий, иқтисодий, маданий, фаш-техника, туризм соҳаларида ўзаро манфаатли, тенг ҳуқуқли муносабатлар йўлга кўйилди. 1992 йил апрель ойида Тошкентда Туркия Жумҳуриятининг элчиҳонаси, 1993 йил январь ойида Ашқарада Ўзбекистон Республикаси элчиҳонаси иш бошлади. Давлат раҳбарларининг ўзаро ташрифлари яхши анъана бўлиб колди.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов 1997 йили Туркияга ташрифи пайтида сўзлаган нутқларидан бирида йигилганларга хитобаи шундай деган эди: «Тарих тақозоси билан сиз Анадолу тупроқларида яшай бошлидингиз. Биз эса ота юртда қолдик. Ўртамизда узоқ масофа бўлса ҳам қалбларимиз ҳеч қачон бир-биридан узоқлашмади. Биз асрлар бўйи энг қийин шароитларда ҳам бир-биримиздан руҳий куч олиб яшадик. Бундай бахтни Оллоҳ бошқа ҳеч бир миллатга бермаган. Бу ҳақиқатни биз яхши англашимиз ва асрашимиз керак. Аҳмад Яссавий, Жалолиддин Румий, Мирзо Улугбек, Юнус Эмра, Алишер Навоий каби буюк алломалар отини билмаган ва улар билан фахрланмаган ҳеч бир ўзбек ва ҳеч бир турк йўқ десак, хато қилмаган бўламиз. Муштарак тарихимиз, муштарак тилимиз, ягона динимиз, муштарак маъниавий меросимиз – дўстлигимизниң энг муҳим жиҳатларидир».

Дарҳақиқат, ҳалқларимиз тарихига қанчалик чуқур кириб борсак, бу сўзларининг нақадар хаққоний эканлитига амин бўламиз. Кечмиш асрлар қардошлигимизниң ёрқин саҳифаларига бой. «Алномиши», «Гўрўғи», «Дала Кўрқут» каби қаҳрамонлик достонлари, жуда кўп ҳаётий, рамзий ва ҳаёлий-фантастик эртаклар, умри минг йиллар билан ўлчанувчи оталар сўзи – ҳалқ мақоллари, ҳалқ оғзаки драмаси, болалар фольклори, ўйинлар ҳамда урф-одатлар, эътиқодлар, анъанаалар бир-бирига жуда якин ва ҳамоҳанг. Насриддин Афанди туркий дунёниң заковати рамзига айланган. Деярли барча туркий ҳалқларда машҳур бўлган бу ном маданиятлар муштараклигининг яна бир ёрқин далилидир.

Асрлар бўйи Туркиялик олимлар, шоирлар, санъатчилар Туркистонга, айни чоёда Туркистонлик маданият ва илм арбоблари Анадолуга билим олиш, устоз-шогирдлик анъана-ларини давом эттириш учун келиб, баъзилари муқим яшаб қолганлар ва жаҳон фанига ўзларининг муносиб улушла-рини қўшиғанлар. Туркиялик олим Жемал Курназ «Анадолу-да Ўрта Осиёлик шоирлар» номли китобида турли асрларда Мовароуиннахр ва Хурросондан бориб, Анадолуда яшаб қолган 87 шоирнинг номларини келтиради. Туркияга келиш Султон Ўрхон замонидан бошланиб, Фотих Султон Мехмед, Явуз Султон Салим, Султон Сулаймон Конуний даврларида янада кучайган. Истевъодлар бу хукмдорларининг юксак баҳо ва эътиборига савовор бўлгандар.

Шоир ва олимларнинг бир кисми шиа ва сунний мазҳаблари тарафдорлари ўртасидаги ихтилофлардан, бир кисми эса хонликлар ўртасидаги ўзаро урушилардан безиб, кўчиб келган эди. Бошқалари эса саёҳат, тижорат, таҳсил ёки элчилик иши билан келиб, бу ерда муқим бўлиб қолган эдилар. Усмонли давлатидаги барқарорлик ва осойиниталик, маданият ва санъатга катта эътибор ҳам уларнинг яшаб қолишига сабаб бўлган. Ўрта Осиёлик истевъод соҳиблари котиб, надим, қози, мударрис, табиб ва ҳатто бегларбекилик лавозимларида хизмат қилганлар.

Ўз навбатида, кўнглаб туркиялик шоир ва олимлар Самарқанд ва Бухоро шаҳарларига илм олиш учун келиб, муқим бўлиб қолганлар. Тарих саҳифалари икки ўртадаги илмий ва маданий ҳамкорликнинг шонли саҳифаларига тўла. Бу дўстлик ва ўзаро алоқалар, айниқса, тарихий шахслар,

машхур алломалар тақдири ва камолотида яққол намоён бўлган.

Ўрта Осиё ва Анадолу муносабатларида тасаввуф оқимлари мухим роль ўйнаганлигини алоҳида таъкидлаш зарур. Сайёр дарвешлар Анадолунинг мусулмонлашмасига катта ҳисса кўшганлар. Туркияда Нақшбандийлик, Яссавийлик, Кубровийлик, Бектошия каби тасаввуф тариқатларининг кенг ёйилини ҳам ана шу алоқаларнинг ёрқин мисолидир. Биргина Нақшбандийлик тариқатининг 6 миллионга яқин ихлосманди бор. Ўрта мактаб дарсланиларида тасаввуф таълимоти ва унинг машхур намояндлари Ахмад Яссавий, Баҳоуддин Нақшбанд, Жалолиддин Румий, Юнус Эмра хақида маълумотлар берилганлиги ҳам дикқатга сазовордир.


Ўзаро иқтисодий ва маданий муносабатлар равнақида Буюк ишак йўли мухим аҳамиятга эга бўлган. Хитойдан бошлиланган бу тарихий йўл Туркистон орқали Анадолуга тутишган. Табиийки, тўхтовсиз қатнаб турган карвонлар тижорий моллар билан бирга маданият ва илм-фан ютуқларини ҳам Шарқдан Фарбга ва Фарбдан Шарққа етказган.

Икки қардош халқнинг ўзаро дўстлиги ва ҳамкорлиги энг оғир синов йилларида ҳам узилиб қолмади. Ўтган асрнинг 20-йилларида турк зиёлилари ва маърифатпарварлари Туркистон халқининг маданий равнақига муносиб ҳисса кўшидилар. Улар замонавий мактаблар, ўкув юртлари тапкил килдилар, илғор зиёлиларнинг шаклланишига кўмаклашдилар. Айни пайтда ўзбек зиёлиларидан бир кисми Истанбул ва бошқа шаҳарларда билим олди, дарс берди. Уларнинг асарлари турк тилида ҳам чоп этилди.

Ўзбекистон ва Туркия ўртасидаги маданий ва илмий соҳалардаги ўзаро ҳамкорлик миқёси мамлакатимиз мустақиллигидан сўнг кенг тус олди. Халқаро туркий маданият конгресси, туркий халқлар достонларини нашрга тайёрлаш ва чоп этиш юзасидан ўтказилган анжуман ва бошқа бу сингари тадбирларда қўплаб ўзбек олимлари иштирок этди. Ўз навбатида, «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалида, қадимий шаҳарларимиз юбилейларида, шуфузли халқаро анжумапларда турк олимлари ва санъаткорлари фаол иштирок этмоқда.

Туркияниң атоқли давлат арбоби, мархум Турғут Ўзол «XXI аср туркий халқлар асри бўлади», деб башорат қилган эди. Узок йиллик айрилиқдан сўнг қайта тошишган биродарлар – Ўзбекистон ва Туркия халқлари барча қийинчиликларни снгиб, ана шу ёрқин истикболни биргаликда бунёд этишларига ҳеч шубҳа йўқ.





ТУРКИСТОН БИЛАН ТУРКИЯ ДИПЛОМАТИК АЛОҚАЛАРИ ТАРИХИДАН ЛАВҲАЛАР (XV–XIX асрлар)

Соҳибқирон Амир Темур барча турк давлатларини бирлантиришиň ўз олдига мақсад қилиб қўйган эди. Шу сабабли унинг харбий юришлари туркий халқлар бирлигига рахна солмади, аксинча, уни кучайтириди. Икки ўртадаги иқтисодий, маданий алоқалар кенгайди. Йўлларда маҳсус станциялар – ёмларниң барпо этилиши ва қатнов хавфсизлиги таъминланиши ўзаро борди-келдиларни кўпайтириди, доимий карвон йўллари пайдо бўлди.

Испан дипломати Клавихонинг ёзишича, 1403 йилда Амир Темур ҳузурида Кастилия, Миср элчилари билан бир каторда Туркия элчилари ҳам бўлган. Элчилар 1404 йил 21 ноябрь куни Самарқанддан жўнаб кетганлар. Маҳсус вакиллар уларни Табризгача кузатиб борган. Табризда элчиларни Амир Темурнинг набираси Умар Мирзо кутиб олиб, хар бирларини ўз юртларига жўнатган.

Темурий хукмдорлар бу анъанани муваффақиятли давом эттиридилар. Шоҳруҳ, Мирошоҳ, Улуғбек, Бойсункур, Хусайн Бойқаро даврида Усмонли давлати билан маданий ва илмий алоқалар кенг йўлга кўйилди.

Туркистон худуди уч хонликка бўлингач, ҳар бир хонлик Усмонли давлати билан мустақил алоқалар ўрнатган. Айникса, энг катта хонлик бўлган Бухоро хонлиги билан сиёсий ва маданий муносабатлар мунтазам давом этган. XVI аср бошида Эронда шиа мазхабининг давлат мафкураси даражасига кўтарилиши Усмонли давлати билан Туркистон хонликларини ўзаро кучларни бирлаштиришга унданган. Шайбонийхон билан Боязид иккинчи (1481–1512) Эронга қарши биргаликда курашиш хақида келишиб олганлар. Аммо бу ҳақда расмий шартнома имзоланғанилиги маълум эмас. Тошкентда ва Мовароуиниҳрининг баъзи вилоятларида айrim турк ҳарбий қисмлари жойлантирилган. 1514/15 йили Убайдуллахоннинг әлчиси Амир Саид Муҳаммад Туркияда бўлган ва Султон Салим (1512–1520) билан музокаралар олиб борган. Султон Салимининг әлчиси Муҳаммадбек эса ўша йили Бухорога келган. Усмонли давлати ҳукмдори ўз мактубида Убайдуллахонни «қизилбошларга» қарши курашишга чақирган (сафавийларинг лашкарлари кизил салла ўрагапликлари сабабли рақиблари уларни шу ном билан атасган). Султон Сулаймон биринчи (1520–1526) билан ўзбек хони Наврӯз Аҳмад (Бароқхон) ўртасида ҳам Эрон шохи Тахмосп биринчига (1524–1576) қарши иттифок тузилган. 1551–1557 йилларда турк аскарлари Наврӯз Аҳмадхон тарафида туриб жанг қилганлар. Турклар ўзбек султонларини милтиқ ва ўқдори билан таъминлаб турганлар, аскарларга замонавий қуроллардан фойдаланиш сирларини ўргатганлар. Ўша даврда машҳур турк сайёхи Сайди Али Раис Тошкентда бўлиб, шахар хони Наврӯз Аҳмад билан учрашган. Бу учрашув хақидаги хотираларини

у ўзининг «Миръотул-мамолик» («Мамлакатлар кўзгуси») асарида ёзиб колдирган.

Хофиз Таниш Бухорийнинг «Абдулланома» асарида ҳам бу ҳамкорлик хусусида кизиқарли фактлар бор. 1557 йили Абдуллахон Ҷуҳор шахрини камал қилганида шахар ҳокими Бурхон султон қалъадан турк аскарларини олиб чиқади. Бу воеа асарда шундай тасвирланади: «(Бурхон Султон) икки мингга яқин румлик турк аскари билан Калъа томондан Ҳожа Нақшбандий номи билан машхур бўлган Муҳаммад иби Муҳаммад Бухорийнинг (қабрлари нурга тўлсин) файзосор мозори дарвозасидан чиқди. Уларнинг хунари милтиқ отувчилик бўлиб, ҳар бири бу ишда шу қадар моҳир эдики, ҳатто қоронғу кечада ҳам ҳабапнинг юзидаги қора холни милтиқ ўқи билан бемалол ура олар эди. Улар тилла анжомли отга миниб, жанг қасдида майдонга отилдилар...»

Табиийки, Туркистон ҳудудидаги ўзаро таҳт талашишлар, уч хонлик ўртасидаги тўхтовсиз жанглар Усмонли-Туркистон алоқаларига катта птурт етказди. Туркистон ҳудудига юборилган турк аскарлари бу хонликларни ташки ҳужумдан ҳимоя қилиш мақсадида юборилган бўлсалар-да, асосан ички жашжалларга аралашиб колдилар, тоҳо ким тарафида туриб урушишли ҳам билмай колдилар.

1578–1590 йилларда ҳам икки ўртадаги дипломатик муносабатлар давом эттирилди. Усмонли султони Мурод учинчи Абдуллахон иккинчига элчи жўнатиб, Эронга қарни биргаликда курашишга чақиради. Бухоро ҳукмдори бу таклифни маминуният билан кутиб олади. Чунки сафавийларга қарши курашда иттифоқчи зарур эди. Тез орада у Хуросонга ҳужум

қилиб, Машҳад ва Нишонурни эгаллайди. Оғир аҳволда қолган Шоҳ Аббос Усмонийлар давлати билан сулҳ тузишга эритади. Ётғиз қолган Абдуллахон иккинчи ҳам эгалланған худудларни ташлаб, сафавийлар билан келининшга мажбур бўлади.

Абдуллахон иккинчи вафотидан кейин Бухорода ҳокимият учун кураш авж олиб кетади. Бундан фойдаланган Эрон Машҳад ва Ҳирот шаҳарларини тўла ўз тасарруфига киритади. 1598 йилда хукмроплик аштархонийлар сулоласи вакили Боқи Мухаммад қўлига ўтганидан кейин вазият ўтигана бошлайди. 1602 йили у Истанбулга элчи жўнатиб, Хуросонни қайтариб олиш учун харбий ёрдам сўрайди. Султон Мехмед учинчи Бухорога элчилар орқали 20 дона тўш ва совға-саломлар жўнатади. Кейинроқ Султон Мурод тўртинчи (1609–1640) ҳам Бухоро хони И момқулихонга элчи юбориб, Эронга қарши курашда ҳамкорликка чакиради.

Бухоро хукмдорлари Нодир Мухаммадхон (1642–1645), Абдулазизхон (1645–1680), Субҳонқулихон (1680–1702) даврларида ҳам ўзаро муносабатлар барқарор давом этган. Масалан, 1690 йилда Субҳонқулихон Истанбулга элчи жўнатади. Усмонийлар давлати ҳам 1691 йили Мустафо Човуш бошчилигидаги элчиларини Бухорога жўнатади. Субҳонқулихон вафотидан кейин тахтга чиккан ўғли Убайдуллахон (1702–1711) ҳам 1707 йили Хўжа Амин бошчилигидаги элчиларини Султон Аҳмад учинчи ҳузурига жўнатади. Йўлланган мактубда қалмоқларга қарши курашда ҳамкорлик қилиш сўралган эди. Усмонли султони хат учун миннатдорлик билдириб, «бизлар бир-биrimizning ёрдамишимизга муҳтожмиз» деб таъкидлайди. Убайдуллохондан кейин тахтга чиккан Абулфайзхон ҳам

1719 йили Оллоҳберди деган ходимиини Истанбулга элчи қилиб жўнатади.

Икки ўргадаги дипломатик муносабатларнинг узлуксиз давом этишига бошқа бир сабаб ҳам бор эди. 1517 йили Бағдод шаҳри Усмонли аскарлари томонидан эгалланиб, сўнгти халифа – Ал-Мутаваккил учинчи Истанбулга олиб келинган ва у халифа бўлиш хуқуқини Султон Салимга топширган эди. Ўшандан буён Усмонли султонлари ислом дини пешволари сифатида ҳам эътироф этиларди. Бу ҳақда Е.Майендорф ўзининг «Оренбургдан Бухорога саёҳат» номли китобида шундай ёзади: «Бухоро хони (Амир Ҳайдар) ўта художўй мусулмон – сунний бўлганлиги учун хар йили Истанбулга, Усмонли подшоҳига халифаларнинг вакили ва издоши сифатида анчагина катта пул маблағи юборади ва унга ўзининг хурмати, дўстлиги ва садоқатини изхор этади. Буюк султон бунга жавобан 1818 йили маҳсус элчи билан бирга бир неча шариф китобларни юборди. Бу китоблар амир томонидан катта эҳтиром билан қабул қилинди... Ўзбеклар ҳақиқий туркийлар бўлиб, уларнинг урф-одатлари билан Истанбул усмонлиларининг урф-одатлари ўргасида жуда кўп ўхшашликлар бор. Халифа қиласидан барча ишлар, Истанбулда рўй берадиган барча воқсалар Бухородаги мусулмонларнинг таҳсиинига сазовор бўлади».

Мацбаларниң гувоҳлик беришича, Амир Ҳайдар даврида икки томонлама муносабатлар анча кенг йўлга қўйилган. Амир Усмонли султони Маҳмуд иккинчи (1808–1839) билан доимий алоқада бўлган. Икки ҳукмдор бир-бирларига мактублар ва турли ҳадялар йўллашган. Ўзбекистон Фанлар академиясининг Шарқшунослик институти жамғармасида бундай

мактубларнинг бир қанчаси сақланмоқда. Масалан, 295/XV рақамли мактуб 1820 йилнинг май ойида жўнатилган. Унда Султон Маҳмуд иккинчи элчи Шариф Муҳаммад орқали юборилган Куръони каримнинг нодир нусхаси ва мактуб учун миннатдорчилик билдирган. 300/III ва 302/II рақамли хатлар эса Амир Ҳайдар томонидан Султон Маҳмуд иккинчига жўнатилган мактубларнинг нусхасидир.

Бухоро амири Усмонли султонларига (айни пайтда ислом халифалари) юборган элчилари ва мактубларида баъзан айрим масалаларнинг шаръийлитини аниқлашга ёрдам беришни сўраган. Бундай масалаларни ҳал этиш учун лозим бўлган машҳур олимларнинг китобларини жўнатишни ҳам илтимос қилган. Жумладан, 1813 йили Амир Ҳайдар Эрон ва Туркияга жўнатган Али Ризо бошчилигидаги элчиларига ҳам шундай тошириқ берган.

1814 йили Амир Ҳайдар томонидан жўнатилган икки элчилик гурухи Оренбургга, 1815 йилнинг январида Петербургга стиб келади. Улардан бири Истанбулга тайинланган элчи Мирза Муҳаммад Юсуф Кўрчибоши ва унинг одамлари эди. Улар Россия императори номита олиб келган мактубда элчининг Россия худудидан ўтишига рухсат сўралган эди.

Усмонли давлати ҳам Бухорога мунтазам элчиликлар жўнатган. Жумладан, 1819 йили Бағдод волийси Басранинг собиқ дафтардори (хисобчиси) Ҳасан Чалабий бошчилигидаги элчиликни Бухорога жўнатган. Зарурий китобларни олиб келган элчи ўша йилнинг 4 марта Бухоро элчиси Ҳожи Муҳаммад Шарифбой ҳамроҳлигига юргига қайтиб кетади. Йўлда улар Эрон шохи Фатҳалишоҳга ҳам учрашиб, Амирнинг мактубини тоширадилар.

Амир Насрулло даврида Болтақулбек Чиғатайбеги Қирқ Усмонли султони Абдулмажид халифага элчи қилиб юборилган. У Эронда Насриддиншоҳ ҳузурига ҳам киради. Ўзаро сұхбатда элчи ўзининг билимдонлиги ва қобилияти билан шохин ҳайрон қолдиради. Насриддиншоҳ унга кўп инъомлар бериб, Истанбул чегарасигача кузатиб қўяди.

Кўқон хони Амир Умархон (1810–1822) ҳам Истанбулга бир неча элчи жўнатган. Уларда ташки душманларга қарши биргаликда курашиш, ҳамкорликни кенгайтириш зарурлиги таъкидланган эди.

Хива хонлиги билан Усмонли давлати ўртасида ўзаро элчилар алмашуви, савдо ва маданий алоқалар яхши йўлга қўйилган, Хоразм лаҗжаси билан турк тили ўртасидаги яқинлик туфайли усмонли олим ва шоирларининг кўшина асарлари Хивада кенг мутолаа қилинар эди. Моҳир хаттотлар хон ва сарой аъёлларининг буюртмасига кўра Усмонли турқчасидаги кўпгина нодир асарлардан нусха кўчириб, китоб қилинлар.

Ўзаро дипломатик алоқалар тарихидаи бир мисол. Раҳимқулихон (1843–1846)дан сўнг тахтга чиқсан Мухаммад Аминхон 1855 йилда Шукруллоҳбойни Туркияга элчи қилиб жўнатади. Аммо бу орада Хива хони Сарахс юришида ҳалок бўлади. Истанбулда элчини расман тан олмайдилар. У Султон ҳузурига киритилмайди. Элчи Хоразмга мактуб йўллаб, ўз ваколатини янгидан тасдиқлашини сўрайди. Оғаҳий ўзининг «Гулшани давлат» асарида ёзишича, янги хон – Сайд Мухаммад Баҳодирхон (1856–1864) Усмонли султони Абдулмажидга (1839–1861) махсус мактуб йўллаб, Шукруллоҳбой ваколатини тасдиқлайди. Шундан сўнг у султон томонидан қабул қилинади.

Манихур сайёх X. Вамбери 1863 йилда Истанбулда бўлганида Шукруллоҳбой билан ҳам танишади. Бу даврда Хива элчисининг фаолиятига 10 йилча бўлиб колган эди. Вамбери ундан Эрон ва Туркистондаги аҳволга оид кўп нарсаларни сўраб олади. Чунки у Техронга, ундан Хива ва Бухорога сафар қилишни режалаптираётган эди.

Чор Россияси қўшилларининг Ўрта Осиёга юриши Туркистон хонликларини четдан ёрдам сўрашга мажбур қилди. Кўқон хони Султон Сайдхон (1863–1865) 1864 йилнинг кузида Алимқули мингбоши ташаббусига биноан Буюк Британияга Мулла Хўжабек удайчи, Хинҷистонга Ҳамроқули эшикогаси, Афғонистонга Мухаммад Назар эшикогаси, Усмонли давлатига эса Ҳожи Мелибойни элчи сифатида жўнатади. Аммо Тибет орқали жўнаган элчиларга Хитой маъмурлари йўл бермайди. Фақатгина Ҳожи Мелибой Истанбулга етиб боради. Унинг султонга тоширган мактуби халқаро миқёсда катта шов-шувга сабаб бўлади. Европа давлатлари Россияга кескин норозилик билдирадилар. Чор Россияси ҳукумати бу норозилик алангасини пасайтириш учун қаллоблик йўлига ўтади. «Ўзбекистоннинг янги тарихи» китобида ёзилишича, Тошкент аҳолисининг «оқ пошшо»га хати уюштирилади. «Рус подшоҳига Тошканд ахли номаси» деб номланган бу хатда маҳаллий зулмдан безор бўлган аҳоли ўз хоҳини билан Тошкентни тоширганлиги баён этилган эди. Туркистон генерал-губернатори Черняев шахарининг кўзга кўринган аъёнларига мажбуран имзолатилган хатни (уни имзоламаганлар, жумладан, Ҳакимхўжа қозикалон қатагон қилинади) Абу Сайд ва Ҳодижӯжа исмли савдогарларга бериб, «оқ подшоҳ»га тоширишини буоради. Бу мактубдан пусхалар

кўчирилиб, 1865 йилда Россиянинг Усмонли давлатидаги элчиси килиб тайинланган Н.Игнатьев ёрдамида Истанбул кўчаларига илиб чиқилади.

1866 йили Бухоро хони Амир Музаффар Бухоро муфтиси Хожа Муҳаммад Норсо бошчилигидаги бир ҳайъатни фавқулодда элчилик сифатида Истанбулга жўнатди. Элчи ҳам ёзма, ҳам оғзаки тарзда вазиятни тушиунириб, Усмонли давлатидан шоцилинч ёрдам сўрайди. Аммо Усмонли ҳукумати масофанинг узоклиги туфайли ёрдам юбориш қийинлигини айтиб, энг яхши чора Россия билан мумкин қадар оз зарар билан бир битим имзолаб, бу ихтилофларни ҳал этиш максадга мувофиқ эканлигини таъкидлайди. Чунки Усмонли давлати ҳам Россиянинг ҳарбий қудратидан чўчир эди.


1873 йили Хива хони Саид Муҳаммад Раҳимхон ҳам Истанбулга ва Ҳиндистоннинг инглиз генерал-губернаторлигига элчи жўнатиб, рус босқинига қарши курашда ёрдам беринни сўрайди. Буюк Британия ҳам, Усмонли давлати ҳам дипломатик йўллар билан русларнинг Хивага қарши ҳужумини тўхтатишига иштилади. Архивларда иккала давлатининг 1872–1873 йилларда Санкт-Петербургга йўллаган мактублари мавжуд. Масалан, Лорд Гренвил 1872 йил 17 октябрда йўллаган мактубида давлат канцлери князь Горчаковдан Ўрта Осиёга ҳарбий юришининг сабабларини тушиунириб беринни талаб қилган.

Инглизлар туркларни ўз миллатдошларини босқиндан кутқариш йўлида дадилрок харакат қилишга ундейди. Аммо бош вазир Махмуд пошо даврида Усмонли давлати кўпроқ ўз ички ишлари билан машгул эди. Мидхат пошо бош ва-

зир бўлгач, ташиқи сиёсатда жиддий қадамлар ташланади. Буюк Британия, Австро-Венгрия ва Усмонли давлати биргаликда Россия экспансиясига қарши қатъий курашга бел боғлайдилар. Улар Эрон ҳукуматини ҳам ўз тарафларига оғдиришга интиладилар. Берлинда уч давлат раҳбарлари ва уларнинг бош вазирлари ўртасида учрашув бўлиб ўтади. Мидхат шото Техронга Муниф Афандини махфий кўрсатма билан юборади. Унда Россиянинг Хива томон юриши Эроннинг келгусида рус қўшинлари томонидан босиб олинишита тайёргарлик босқичи эканлиги таъкидланган ва Техрон биргаликда курашишга чақирилган эди.

Аммо бу ҳаракатлар Ўрта Осиёнинг Чор Россияси томонидан истило қилиништига монелик қилмади. Бунинг сабабини эса чегдан эмас, Туркистоннинг ўзидан қидириш керак. Бу ердаги хонликларнинг таркоғлиги, ўрта асрлардан қолган бошқарув тизими ва жаҳолат, уч хонлик ўртасидаги ўзаро уруслар босқинни осонлаштириди. Ҳал қилувчи пайтда ҳам улар низоларни бир чеккага қўйиб, бирлаша олмадилар. Биргина мисол. Чор қўшини Топкентга ҳужум қилганида Кўқон хони Султон Саидхон Амир Музффардан ёрдам сўрайди. Амир «хоннинг ўзи келсин», деб талаб қиласиди. 200 аскар билан ёрдам олиш умидида борган Султон Саидхон уплатаниб, қатл этилади. Амир Музффар Кўқонга юриш бошлаб, қувгинда бўлган Худоёрхонни яна тахтга қўйиб, Бухорога қайтади.

Тор манфаатлар доирасидан чиқа олмаган ҳукмдорлар ўртасидаги ихтилофлар сабабли Чор Россияси Туркистон худудини ҳеч бир қийинчиликсиз босиб олади.



НАСРИДДИН АФАНДИ ДУНЁ КЕЗАДИ

Насриддин Афанди туркий дүнёнинг заковати рамзига айлангаи. Деярли барча туркий халқларда машхур бўлган бу ном маданиятлар мунитараклигининг ёркин далидидир. У бизда Насриддин Афанди деб аталса, туркларда Хўжа Насриддин, озарбайжонларда Мулла Насриддин, қозокларда Хўжа Носир, туркманларда Анаиди деб аталади. Шунингдек, у билан боғлиқ латифалар Эрон, Тожикистон, Россия, Хитой, Юнонистон, Сербия, Босния, Хорватия сингари мамлакатларда ҳам кенг тарқалган. Ҳар бир халк уни ўзиники деб ҳисоблайди. Бугунги кунда Ташкент, Самарқанд ва Бухорода, Озарбайжон пойтахти Бокуда, Туркиянинг Оқшахар ва Сиврихисор шаҳарларида Насриддин Афандига ҳайкал ўрнатилган. Россияда Култи куни сифатида ишонлашадиган санада – 2007 йил 1 апрелда Москвада ҳам унга ҳайкал тикланди. Ҳайкал тагида «Хўжа Насриддин – буюк донишманд ва сўз устаси» деб ёзилган. Ҳайкални «Маданиятлараро мулокот – ягона дунё» жамвармасининг таниаббуси ва хомийлигига таникли рус ҳайкалтарони Андрей Орлов яратди.

Хўш, буюк сўз устаси асли каерда янаган? 1998 йили Туркиянинг Сиврихисор шаҳрида Насриддин Афандига ўрнатилган ҳайкал пойида шундай хаёлларга толган эдим.

Ҳар бир ўзбекистонлик уни албатта Самарқанд ёки Бухорда яшаган деб ҳисоблайди. Унинг номини каттаю кичик яхши билади. «Афанди» дейилини биланоқ юзларга табасум югуради. Ота-оналар фарзандларининг ўшандай машхур бўлишини истаб, исмини Насриддин қўядилар. Ўзбеклар Хўжа Насриддин шуҳратининг дунёга кенг ёйилишига муносаб хисса қўшмокдалар. Москвада улар «Хўжа Насриддин Бухорда», «Хўжа Насриддин Хивада», Сеулда «Хўжа Насриддин» номли ресторонлар ҳам очишган.

Туркиялик таниқли олим Аҳмет Қобоқлиниң тадқиқотларига кўра, Насриддин Афанди XIII асрда Салжуқийлар даврида яшаган тарихий шахс, шоир ва закий инсон бўлган экан. У асли Сиврихисор шаҳарчаси яқинидаги Хорту қишлоғида 1208 йилда туғилган. Отаси – Абдулла афанди қишлоқ масжидида болаларни ўқитган. Насриддин илк таълимни отасидан олиб, сўнгра Сиврихисор мадрасасида ўқиган. Отаси вафотидан кейин Хортуга келиб, ота ишини давом эттирган. 1237 йили йирик маданий марказлардан бири бўлган Эскишаҳарга қўчиб ўтган. Бу срдаги мадрасаларда дарс берган, кўп китоблар мутолаа килиб, ўз устида ишлаган. Шу сабабли қўигина қадимий расмларда у катта салла ўраган ҳолда тасвирланади. Айни пайтда, давраларда ҳозиржавоблиги,adolatparvarligi ва тўғрисўзлиги билан ном қозонган. Кейинчалик Оқшаҳарга бориб колган ва 1284 йили ўша ерда вафот этган. Кабри ана шу шаҳарда. Бир пайтлар унинг устунли мақбараси атрофида девор бўлмагани ҳолда катта қулф осилган дарвоза қад кўтариб турганлигини нақл қиласилар. Афанди ўлимидан кейин ҳам одамларни кулдиришга интилган бўлса, ажаб эмас.

Насриддин Афандининг хаёти ҳақида маълумотлар жуда оз. Тарихий манбаларда Оқшаҳарда мадраса қурганлиги ва унда ўзи мударрислик қиласиги ёзилган. У Мавлоно Жалолиддин Румий, Юнус Эмра, Ҳожи Бектош Вали, Сайд Махмуд Ҳайроний сингари машхур шахслар билан замондош бўлган. Бу даврда тасаввуф таълимоти кенг ёйилган, оддий меҳнаткашлар ҳам, хукмдорлар ҳам тасаввуф шайхларини хурмат қиласиги, уларни пир ва пешво сифатида эътироф этардилар. Табиийки, илм ва ижод ахли ҳам тасаввуфниң ўз даврига нисбатан иљор ғояларидан баҳраманд бўлган, бу қараашларни тарғиб қиласиги. Ҳўжа Насриддин эса ўз даврининг иљор зиёлиларидан бири бўлган. Идрис Шоҳ ўзининг «Суфизм» номли китобида (Москва, 1994) Насриддин Афанди латифаларида тасаввуфона маънолар борлигини, рамзлар воситасида баён қилинган ички маъноларга эътибор берим зарурлигини таъкидлайди.

Насриддин Афанди ҳақидаги латифалар тилдан-тилга ўтиб, бойиб борган. 1837 йили бу латифалар биринчи марта Истанбулда турк тилида напр этилди. У қисқа вакт ичида шу қадар машхур бўлиб кетдики, бошқа туркий халқлар орасида ҳам кенг ёйилди. Афанди латифаларининг қўлёзма ва босма тўпламлари юзага келди. Қисман Европа тилларига таржима килина бошланди.

1862–1863 йилларда Афанди латифалари ilk бор но маълум муаллиф томонидан ўзбек тилига табдил қилиниб, тошбосма усулида чоп этилди. Кейинчалик халқ орасида тилдан-тилга ўтиб юрган кўплаб бошка латифалар ҳам Афандига нисбат берилди, янги-янги латифалар яратилди. Бу жараён ҳозир ҳам давом этмоқда. Машхур ўзбек фольк-

лоршунос олими, раҳматлик Ҳоди Зариф шундай деб ёзган эди: «Хўжа Насриддин ҳакидаги турқ латифаларининг ёзма маибалар оркали Мовароунахрга кириб келиши натижасида жанр, мазмун, қаҳрамонлар характеридаги якинлик туфайли асл ўзбек латифаларидағи қаҳрамон номи аста-секии Насриддин Афанди номи билан алмаштирилган. Кейинчалик бу тўпламнинг оммавий нашрлари ўзбек халқи ўртасида асл ва таржима латифаларининг кент тарқалишига олиб келган. Натижада «латифа» термини ўз ўрнини «Афанди»га бўшатиб берган».

Афанди латифаларининг ўзбек халқи орасида бундай кент тарқалишининг сабаблари кўп, албатта. Биринчидан, ўзбеклар ҳазил-мутойибани, беғубор кулгуни яхши кўради. Хозиржавоблик ва юмор асосига қурилган «Аския» атаминиш жанр дунёниг бошқа бирор жойида йўқ. Латифаларга ҳамоҳанг бу сўз санъатининг мавжудлиги ҳам ҳалқнинг юмор ҳисси юксаклигидан далолатdir. Иккинчидан, Насриддин Афанди латифаларида акс этган турмуш тарзи, миллий анъаналар ва урф-одатлар ўзбеклар ҳаётига тўла мос келади. Бу икки жихат мингларча киломстр узокда туғилган латифаларининг Ўзбекистон заминида кенг ёйилишига сабаб бўлган, деб айта оламиз.


Афанди латифалари Ўзбекистонда турли йилларда миллионлаб шусхаларда чоп этилди. 1940–1941 йилларда Ш.Ризо латифаларни жамлаб, 6 китоб шаклида нашр эттирди. 1955–1960 йилларда Афанди латифалари таниқли адаб Абдулла Қаххор таҳрири остида чоп килинди. 1967, 1968–1969, 1990 йилларда латифаларининг янги нашрлари чиқди. Олим Ф. Йўлдошева «Ўзбек фольклорида Насриддин Афанди об-

рази» мавзусида номзодлик диссертацияси ёзи. Ҳажвий-юмористик «Афанди» газетаси сахифаларида Афанди латифалари мунибазам эълон қилиб борилмоқда.

Афанди латифалари Ўзбекистонда ва қўшии давлатларда бир қатор бадиий асарлар ва кинофильмларга хам асос бўлди. Рус ёзувчилари Леонид Соловьев ва Борис Приваловнинг насрый асарлари, «Насриддин Бухорода», «Насриддин Хўжандда», «Хўжа Насриддин саргузаштлари», «Насриддининг ўп иккишчи кабри», «Афандининг беш хотини» фильмлари, «Хўжа Насриддин» опереттаси, «Насриддин Афанди» мусиқалий комедияси бунга мисол бўла олади. Алишер Навоий шомидаги ўзбек давлат Академик Катта театрида бастакор С.Юдаковнинг «Хўжа Насриддининг ёшлиги» номли балет асари хам саҳналаштирилган эди.

Туркия Маданият вазирлиги таклифи ва ташабbusи билан, 1996 йил ЮНЕСКО томонидан халқаро «Насриддин Хўжа йили» деб эълон қилинди. Бу тадбир доирасида бир канча халқаро анжуманлар ўtkазилди, китоблар чиқарилди, тадқикотлар амалга оширилди. Германиянинг Франкфурт шаҳрида бўлиб ўтган халқаро китоб кўргазмасида турли тилларда, шу жумладан, ўзбек тилида чоп этилган Насриддин Афанди латифалари намойини этилди.





МАЪНАВИЙ КЎПРИКЛАР¹

Журкистон – Анадолу маданий-маърифий алоқалари узок тарихга эга. Асрлар давомида икки қардош элиниг олимлари, шоирлари, тужжорлари ўзаро борди-келди килганлар, ижодий ва илмий ҳамкорликда бўлганлар.

Марказий Осиёдан Анадолуга борган машхур шахсларнинг кўичилиги асосан Буюк Ипак йўлида жойлашган қадимий маданий, илм-фан марказлари бўлган кўхна Хоразм, хусусан Бухоро ва Самарқанд шаҳарларидан. Бугунги кунда ҳам Шарқ мамлакатларида барча Марказий Осиёлик мухожирларни Бухорий ёки Самарқандий нисбалари билан улуғланлари бежиз эмас.

Туркияга келиб, бу ерда муқим бўлиб қолган туркистонлик ватаандошларимиздан бири Сайд Али Самарқандийдир. У дастлаб Кастаному шаҳрига, сўнгра Эдирнага келган ва султон Мурод иккинчи билан учрашган. Султон унга илтифот кўрсатиб, билими ва акл-заковатига тап берган, Бурсадаги нуфузли Йилдирим Боязид мадрасасига мударрисликка тайинлаган. Сайд Али Самарқандий Султон Мехмед даврида катта обрў-эътибор қозонган. Кўплаб шогирдлар стиш-

¹ Макола 1998 йилда Анкарада атоқли фольклоршунос олим, раҳматлик Малик Муродов билан ҳамкорликда ёзилган.

тирган. 1456 йилда вафот этган ва Бурса шахридаги яна бир буюк ватандошимиз – Амир Султон Бухорий мақбараси ёнида дағы өтилган.

Болқа бир самарқандлик юртдошимиз – Алоуддин Али Самарқандий ҳам ўз номини тарих китобларида қолдира олди. У илк таълимни Самарқандда олган. Нақшбандийлик тариқатини пухта ўрганиб, уни ёйиш учун Анадолунинг Караман шаҳрига келган. Бу ерда нақшбаңдийликнинг шохобчаси бўлган Самарқандий тариқатини қурган. Шогирдлари ва издошлари унинг ишини давом өттиришган. Хозирги кунда ҳам Туркияда нақшбандия тариқатининг бир неча миллион ихлосманди борлиги ҳам ана шу анъаналар давом этайдиганлигидан далолатdir.

Алишер Навоийга замондош хиротлик Алоуддин Али Мусанибек ҳам Туркияда катта обрў-эътибор қозонган. У Кўния ва Истанбул мадрасаларида мударрислик қилган. Фотих Султон Меҳмедин ва Махмуд попшога бағишлаб асалар ёзган. 1470 йилда Истанбулда вафот этган ва шу ерда дағы өтилган.

Атоқли давлат арбоби ва шоир Ҳусайн Бойқаронинг ўғли Бадиuzzамон Мирзонинг тақдири ҳам қизиқарлидир. 1507 йилда Ҳирот шайбонийлар томонидан забт өтилгач, Бадиуззамон Мирзо Табризга – сафавийлар ҳузурига паноҳ истаб келади. Аммо худди шу пайт Туркия султони Явуз Султон Салим Табризга ҳужум қилиб, уни эгаллайди. Бадиuzzамон Мирзони болиб Султон ҳузурига олиб келадилар. Бадиuzzамон Ҳусайн Бойқаронинг ўғли эканлигини билгач, Султон унга катта илтифот, иззат-икром кўрсатади. Табриздаги бошқа таникли илм-фан кишилари, санъаткорлар ва усталар би-

лан бирга уни Истанбулга жўнатади. «Насиб этса, тахтингни ўзингга қайтариб олиб бераман», деб ваъда беради. Афсуски, қисмат Бадиуззамон Мирзога панд берди – у 1517 йили Истанбулда авж олган вабо касаллигидан вафот этди.

Табиийки, борди-келдилар икки тарафлама бўлган. Туркиялик кўпгина олим ва шоирлар илм олиш учун ёки тақдир такозоси билан Туркистон худудига келиб қолганлар. Юқорида кайд этилганидек, Бухоро ва Самарқанд шаҳарлари фан ва маърифат марказлари сифатида уларни ўзига жалб этган.

Биз Қозизода Румий ҳаёти ва фаолияти ҳақида юқорида ҳикоя қилган эдик. Яна бир қизиқарли қисмат сохиби Муҳаммад Аскар бинни Муҳаммад Жазарийдир. У 1387 йилда туғилган. Отаси машхур шайх Муҳаммад Жазарий эди. У бошлангич таълимни Шом ва Мисрда олган. Сўнгра отаси билан Бурсага келиб, у ерда муқим яшаб қолган. Амир Темур Бурсани олгач, ўз юргига қайтишда Шайх Муҳаммад Жазарийни ҳам ўзи билан бирга олиб кетади. Орадан бир неча йил ўтиб, ўғли Муҳаммад Аскар отасини излаб Мовароуинҳарга йўл олади. У Кеш (Шахрисабз) шаҳрида отаси билан учрашади. Ўн беш ёшларда бўлган Жазарий Кешда пухта билим олгач, яна Анадолуга қайтади. Ўша даврда подшоҳ бўлган Чалабий Мехмед билан учрашади. Султон унинг илми ва ҳусниҳатига қойил қолиб, ўз саройида хизматга тайинлайди.

Туркия фарзандлари бўлган Алоуддин Али Фанарий (вафоти 1498), Абдул Восий бинни Хайриидин Хизр (вафоти 1538), Абдуллоҳ Илохий (вафоти 1491), Пири Мехмед (вафоти 1550), Илёс Румий (вафоти 1451), Муҳиддин Мехмед,

Алоуддин Али, Куч Ҳисорий (вафоти 1437), Умар Важи-вуддин ибн Абдулмуҳсин Арзинжонийлар (вафоти 1440) ҳам турли йилларда Бухоро ва Самарқандда илм олганлар, мударрислик қилғанлар, китоблар ёзғаплар...

❖ Амир Султон Бухорий ❖

Машҳур мезмөрий обидаларга бой, об-ҳавоси мўътадил Бурса шаҳри Улугтоғ этакларида жойлашган. У 1326 йилда Ўрхон Гози томонидан фатҳ этилгач, 1335 йилдан эътиборан Усмонли давлатининг пойтахти бўлган. Шаҳарда бир қанча авлиёлар, подиоҳлар ва шаҳзодаларниң мақбаралари, табарук зиёраттоҳлар бор. Йилдирим Боязиднинг қабри ҳам шу шаҳарда. Бурса аҳолиси асрлар давомида Бабдод, Шом, Табриз, Рай, Қоҳира каби марказий шаҳарлар ахли билан илмий, маданий алоқаларда бўлиб келган. Шаҳардаги Бухоролик Абдал Мурод, Амир Султон Бухорий, Абу Исҳок Козируний, Ўзбеклар, Ҳаким Ширвоний, Араблар ва Татарлар каби маҳалла номлари ана шу алоқаларниң ёркин гувоҳидир. Бундай кенг микёсли халқаро алоқалар Бурсани ўрта асрларниң йирик маданий марказига айлантирган.

Биз Бурсада яшаб, ижод этгаш ватандошлиаримиздан бири – Амир Султон Бухорий хақида ҳикоя қилмоқчимиз. Зеро, бу шомни Бурсада каттадаи-кичик яхши билади, унинг мақбараси табарук зиёраттоҳлардан бири. Маҳаллалар, мактаблар, дўконлар унинг номи билан аталмоқда. Хўш, бу ватандонимиз қандай фазилатлари ва эзгу ишлари билан ном қозонгаш? Бу саволга Бурсада ва Туркияниң ботқа шаҳарларида чоп этилган ўнлаб манбалардан жавоб тониш мумкин.

Амир Султон ҳазратларишинг асл оти Сайд Шамсиддин Мұхаммад бин Али ал-Хусайний ал Бухорийдир. У 1368 йилда Бухоройи Шарифда таваллуд топган. Отаси Амир Кулол нисбаси билан машхур бўлган мутасаввуф, даврининг стук пешвоси Сайд Али ҳазратларири (маълумки, Сайд нисбаси ҳазрат Алиниң ўғиллари ҳазрат Хусайн авлодларига нисбатан қўлланилди).

Нақл қилининича, Амир Султон ҳазратларишинг шаҗаралари ҳазрат Хусайндан бошланади. Сўфиликда валийлик рутбасини қозонганликлари ва Йилдирим Боязидга куёв бўлганликлари учун «Амир» ёки «Амир Султон» нисбаси, Бухородан бўлганликлари учун эса «Бухорий» нисбасини олганилар. Барча маноқиб (ҳасби ҳол)ларда у кишининг исми шарифлари «Амир Бухорий» ёки «Амир Шамсиддин Бухорий» деб тилга олинади. Амир Бухорийнинг отаси Амир Кулол нақшбандия тариқатининг «Нур баҳшия» тармоғига мансуб бўлган. У кулолчилик билан турмуш кечирган. Мансаб ва шуҳратдан йироқ ҳолда зухд ва тақво билан машғул бўлган. Мутасаввуфликнинг юксак рутбасига эришган.

Амир Бухорий кичик ёшдалик чоғларида онасидан жудо бўлади. Отаси Амир Кулол боинка уйланмайди, ўзининг бутун меҳри ва билимини фарзандига беради. Унга ҳам ота, ҳам оналиқ қиласди. Ўслининг қалбida меҳр-шафқат, инсонийлик фазилатларини шакллантиради. Диний илмлар билан бирга тасаввуфнинг сир-асрорларини ўргатади, ҳаёт сабокларидан ўғитлар беради.

Амир Кулолнинг фарзандига барган пайд-насиҳатларидан бирини шундай нақл этадилар: «Эй ўғлим, шайғамбарни отанг ва онангдан ҳам кўпроқ сев, аждодинг билан фаҳран-

ма, оғзингдан ҳеч қачон ёлғон чиқмасин. Ҳар бир күнингни сўнгти кунинг каби қабул қил ва ишларингни ниҳоясига етказ. Илм ўрганишдан ҳеч зерикма. Оқ соколли бўлсанг ҳам душманга қарши курашингни ташлама. Саломсиз ҳеч бир жамоага кирма. Никоҳсиз хотин билан ўлтирма. Ҳадислар сенга йўл кўрсатади. Ҳазрати Куръон эса сенинг раҳбаринг бўлади. Ўғлим, ҳаёт ҳамма жиҳатлари билан сенинг учун бир мактабдир. Қаерда эзгу иш кўрсанг, кўшилмоққа шошил, ёмонликдан қоч, унутмагинки, энг буюк куролинг Оллоҳга қилган дуоларинг бўлади».

Кўришиб турибдики, Амир Бухорийнинг илк устози отаси бўлган. У отасининг ёи-атрофидаги шогирдлари ва муридларининг сұхбатлари таъсирида вояга стган, камол тоиган, кулолчилик санъатида ҳам отасидан кўп нарса ўрганган. Иш жараёнида отаси ва унинг шогирд-муридларининг илохий кўй-кўшиқларидан завқ олган, қалбида эзгу туйфулар уйғонган. Илм, ирфон, ҳикмат, саодат ҳақида баҳс юритган дарвешларга хамдавра, ҳамсұхбат бўлган. Бу илму ирфон таъсири натижасида Амир Бухорий кичик ёшлигидаёқ бир қанча кароматлар сохиби бўлганлигини нақл этадилар.

Афсуски, 17–18 ёшларида Амир Бухорий севимли отаси ва устозидан жудо бўлади. У бир кечаси кўрган туши туфайли Мадина га кетиб, умрининг охиригача колишга қарор килади. Тарбияси туфайли гавжум давраларни севмайдиган, сокин ва ёлғиз яшапни ёқтирадиган Амир Бухорий бир қуни яқин дўстлари билан видолашади-да, савдо карвонига қўшилиб Бухородан чиқиб кетади. Марв, Нишонур, Исфахон, Бағдод, Басра шаҳарлари орқали чўллардан ўтиб, Макка ва Мадина шаҳарларидағи муқаддас зиёратгоҳларни

тавоғ қиласи. Ҳаж вазифасини адо этганидан сўнг Мадина шаҳрида бутунлай қолишни ният қиласи. Аммо у ерда кўрган бир туши туфайли яна йўлга тушади. Тунида пайгамбаримиз билан ҳазрати Алини кўради. Ҳазрати Мухаммад саллоллоҳу алайҳи васаллам унга шундай хитоб қиласилар: «Эй ўғлим, ҳақ тарафиндан сенга Диёри Румга бормоқ ипорати бўлди. Аждодларинг дини ва суннатини мусулмонларга такво йўли билан англат. Олдингда ёнган уч қандил сенга йўл қўрсатади. Қандиллар қаерда сўнса, ўша ер сенинг маконингдир».

Қандилларнинг йўл қўрсатиши билан Бурсага келган Амир Бухорий «Фори ошиқон» деган мавзеда бир муддат хилват хаёт кечиради. Подшоҳ Йилдирим Боязиднинг саройи худди шу шаҳарда эди. Подшоҳ Эдирна шаҳрига сафарга кетган пайтда қизи Ҳунд Фотма Султон тушида олган маънавий амрга биноан Амир Бухорийга турмушига чиққали учун Йилдирим Боязид газабга келади. Аммо ўша пайтда Бурса қозиси бўлган Шайхулислом Мулло Фанарий бир мактуб ёзиб, султонни тинчлантиради.

Амир Султон Бухорийнинг гойибий каромати туфайли Некбулу зафарини қозонган Йилдирим Боязид аббосий халифа Мутаваккил Биринчи тарафидан «Рум иқлимининг сultonи» унвони билан тақдирланади. Бу муносабат билан Амир Султон қайнотасининг белига «Олтин қилич» тақади. Амир Султоннинг бундан кейинги хаёти ибодат, мураббийлик, мударрислик ва ириод билан кечади. Жуда кўплаб имон-эътиқодли ва маърифатли шогирдлар етиштиради, шаҳзодаларга маънавий оталик қиласи. Чалабий Султон

Мөхмәд ва Мурод иккىнчи подпохлиги даврларида ҳам катта ҳурмат-эътибор кўради.

Муаррихлар у кинининг қиёфаларини шундай тасвирлайдилар: Амир Султон Бухорий «бўйи бироз узун, корачадан келган, истараси иссик, узун ва нозик бармоқли, соқоли бироз узун, япил матодаи яктак кийиб, бошларига ўн икки таркли (бўлимли) «тожи шариф» кийиб, устидан яшил салла ўтар эдилар...»

Амир Султон билан Хунд Фотма Султондан бир ўғил ва икки қиз дунёга келган. Ўсли Амир Али ўзи хаётлигидан вафот этган ва онаси тарафидан бунёд этилган мақбарага кўмилган.

Ҳазрати Амир Султон 1429 йилда 63 ёшлирида вабо қасалидан вафот этгандар. Бу машҳур шахс зоҳирий илмларни ҳам, ботишиний илмларни ҳам яхши билган ва улар хакида шогирдларига сабоқ берган. Шу сабабли у «Кароматлар сultonи» деб эъзозланган.

Бурсага дастлаб келган пайтларида шаҳарнинг бальзи уламолари бу зотниш ботишиний илмларига қойил қолтандар, аммо зоҳирий илмлардан хабарлари борми-йўқми, сипаб кўрмоқчи бўлгашлар. Ўзаро келишиб, аник фанлардан, сарф ва нахвдан саволлар хозирлаб, Амир Султон хузурига келгандар. Аммо абжад ўқиган кичик болалар каби тиллари тутилган. Ўзларида савол сўратига куч тополмагандар. Ҳазрати Амир эса уларниг хәёлларидаги саволларни юйибан атглаб, ҳар бирита нозик цукталарига қадар тўлиқ жавоб берадилар. Синаш учун борганлар ҳайратдан лол бўлиб коладилар.

Амир Султон Бухорий кароматларига яна бир мисол. Дарвенилардан бири сухбат чоғида одамлар орасида «Амир

Султон кўн кароматларини илми кимё билан қиласди», деган айрим миш-митцлар юрганлигини айтиб қолади. Амир Султон унга жавобан шундай дейдилар: «Эй дарвеш, кимё икки хил бўлади. Бирисида мисга ҳар хил маъданларни аралаптириб, олтинга айлантирадилар. Иккинчисида эса авлиёларнинг муборак нафаслари каромат яратади».

Амир Султон шундай деб, чашма бошидаги бир ёғоч идишни муборак қўллари билан сувга тўлдирадилар. Дуо ўқиб, сувга пуфлаганиларида идинг олтинга тўлиб қолади. Шунда Амир Султон Бухорий: «Мақсадимиз – сизга кўрсатмоқдир, олтин яратмоқ эмас», дейишлари билан идиш кайтадан сувга тўлиб қолади. Шоҳидлар ҳайратдан ёка ушлаб қоладилар. Амир Султоннинг бундай кароматлари ҳакида кўплаб гувоҳликлар бор. Улар китобларда тўпланиб, пашр этилган.

Соҳибқирон Амир Темур Бурса шахрини эталлаган чогида халқ Амир Султон Бухорийдан ёрдам сўраган. Бу табаррук зотнинг Амир Темур билан учрашганликлари ҳакида тарихий маълумот йўқ. Аммо шуниси аниқки, Соҳибқирон лашкарлари шаҳарга заҳмат етказмаган. Бунда Амир Султон Бухорийнинг хиссаси бўлганлиги шубҳасиз. Амир Султон қаерда бўлмасин, яшамасин, она юрти – Бухоройи Шарифни унутмаган. У билан фахрланган, хамиша ёдида тутган...

Амир Султон Бурсада ўзидан кўп ёдгорликлар қолдиради: унинг табаррук номи билан аталаётган масжид, мадраса, ҳаммом, 6 та чашма бунинг мисолидир. Кейинчалик унинг масжид ва мадрасаси атрофида пайдо бўлган катта бир маҳалла унинг номи билан аталади.

Мана, Амир Султон Бухорий турбатларидағи ёзув – китобадан бир байт:

Бу турбага жаннат назар дерлар хамма ёшу кари,
Бунда ётур Султон Амирки, халкни иришод айлади...

Амир Султон шеърлар ёзганлиги хақида хам маълумотлар бор. Улардан бири тарих китобларида қайд этилган:

Гарчи ошиқларга сало дейилди...
Дарди бўлган келсин, дармонни тоцдим.
Оҳ ила, воҳ ила жавлон этаркан,
Жонимнинг ичиндан жононни тоцдим...
Оқар кўзларимдан ёш ўрнита қон,
Заррача кўриимас кўзимга жаҳон,
Дарёни исча-да қондирмас экан,
Ошиқни қондирган уммонни тоцдим.
Ошиқлар майдонга тӯғри борурлар,
Эранлар жам бўлмиш, берар-олурлар,
Жумла валилар ҳам девон туурулар,
Ҳакқа махбуб бўлган султонни тоцдим.
Очилмис дўкоилар, қурилмис бозор,
Жонлар гаров бўлмиш, даллол ҳам кезар,
Ўтириб, умматнинг баротин ёзар,
Жавоҳир баҳш этган дўконни тоцдим.
Амир Султон, не хуш бир бозор эмиш,
Эранлар жам бўлиб, хўб кезар эмиш,
Жумланинг максуди ул дийдор эмиш,
Ҳакқа мушток бўлган девонни тоцдим.


Амир Султонга бағишлиб замондошлари ва шогирд-муридлари марсиялар, қасида-мадхиялар битганлар. Шавқий Афандининг қасидасида шундай сатрлар бор:

Жумла дилда достондир шавқати Султон Амир,
Рухи анвардир, мусаввир ҳайъати Султон Амир...

Хусн ичинда Юсуфни ғоят түзал эрди юзи,
У каби ғоят малихдир талъати Султон Амир.
Дасти Довуд ҳар темирни мум каби эзгай эди,
Ром этар тошдек күнгүлни қуввати Султон Амир.
Деву жин бўлди мусаххар чун Сулаймонга мудом,
Этди тасхир нафс девин ҳайбати Султон Амир.
Минг набидан илму таълим олди Лукмони ҳаким,
Қалбига ҳақ файз берибдур хикмати Султон Амир.
Қалби софи сидқи чун Абу Бакр Сиддиқ каби
Тахти иймонда бўлиблур рифъати Султон Амир.
Зулфикори ишқ бирлан этди ўз нафсин ҳалок,
Шоҳи Мардони Аливаш ҳазрати Султон Амир.
Ибни Адҳамдек Бухоро шахридан чикмиш у хам,
Дардли диллар тахти бўлди мулкати Султон Амир.
Авлиёнииг, асфиёнииг нурларидан баҳраманд,
Шул сабабдан қўймади хеч зулмати Султон Амир...

Биз Туркистон-Анадолу маданий алоқаларининг айrim саҳифаларини варақладик, холос. Амир Султон Бухорий ҳасти ва фаолияти бу алоқаларининг ёрқин мисоллариданdir. Турли кутубхоналарда сақлангаётган қадимий кўлёзмаларни ўрганиш – бутун дунёга тарқалиб кетган Бухорийлар, Самаркандийлар, Хоразмийлар меросининг бизга ҳозиргача номаълум бўлган янги-янги саҳифаларини ойдинлаштириши шубҳасиз.





ТЕМУРИЙНОМА

❖ Амир Темур ва Хофиз Шерозий ❖

Форс адабиётининг ёркин юлдузларидан бири – Хожа Хофиз Шерозий (Шамсулдин Мухаммад иби Мухаммад, 1326–1389) номи ва ижоди ўзбек ўқувчиларига яхши таниш. Унинг оташин газаллари турли йилларда А.Авлоний, Хуршид, Чустий, Муинзода, Васфий, Ш.Шомухамедов, Э.Воҳидов, Ж.Жабборов, Ж.Кувноқ, М.Кенжабек сингари шоирлар томонидан ўзбек тилига таржима қилинган.

То Шўролар хокимияти ўрнатилгунга қадар Туронзаминадаги барча мадрасаларда Навоий шеърияти билан бирга форсий тилда ижод қилган мумтоз шоирларнинг асарлари ҳам шухта ўрганилган. Ҳар бир зиёли одам уч тилни – ўзбек, форс ва араб тилини мукаммал билған. Форс шеъриятининг энг яхши шамуналари, шу жумладан, Хофиз газаллари ҳам севиб мутолаа қилинган.

Табиийки, Соҳибқирон Амир Темур Хофиз ижоди билан яхши таниш бўлган. Айниқса, унинг «Агар он турки Шерози ба даст орад дили моро, ба холи ҳиндуюш бахшам Самарқанду Бухороро» («Агар кўнглимни ром этса ўшал Шероз жонони, қаро холига бахш этгум Самарқанду Бухо-

роши») деб бошланадиган ғазали кўпчилик орасида машҳур бўлиб, турли давраларда тез-тез тилга олинарди.

Шу сабабли 1387 йили Форс ерлари ва пойтахт шаҳар Шерозни эгаллаган Соҳибқирон шаҳарининг машҳур шахслари қатори Хофиз Шерозийни ҳам сухбатга чакиришни буюради. Бу пайтда шоир анча кексайиб, моддий жихатдан ҳам кийналиб колган экан. Букчайган ва юпун кийнинг шоирни Соҳибқирон хузурига олиб келадилар. Шунда Амир Темур унга таъна қиласиди: «Мен бутун дунё бойлигини сарфлаб, Самарқанд ва Бухорони обод қилсаму Сиз уларни бир гўзалнинг қора холига бериб юбормоқчимисиз» дейди. Ҳозиржавоб шоир: «Ана шу сахилигим туфайли ҳозирги аҳволга келиб қолдим-да» деб жавоб беради. Бундай зақий жавобдан завқланган Соҳибқирон шоирни катта сове-саломлар билан кузатиб кўяди...

1979 йили Эрондаги уч йиллик таржимонлик хизматим ниҳоясига етгач, Тошкентга қайтиб келдим. Ўшандай бир қашча нодир китоблар қатори Хофизининг мукаммал шеърлар девонини ҳам олиб келган эдим. У 1424 йили, яъни шоир вафотидан 35 йил кейин китобат қилинган нодир кўлёзма нусха асосида чоп этилган экан. Бўш пайтларимда уни мутолаа килишни ёқтираман. Шоирниң жўшқин туйғулар билан йўғрилган, гўзал бадиий санъатларга бой асарлари кишини ўзига мафтун этади. Мутолаа жараёнида туғилган баъзи мушоҳадаларимни Сиз билан баҳам кўриш ниятидаман.

Энг аввало, Самарқанд ва Бухоро тилга олинган ўша машҳур ғазал хақида. Таржимада «турки Шерози» жумласи ўзбек тилига «Шероз жонони» деб ўгирилган. Тўғри, «турк» сўзининг бир маъноси «гўзал» демакдир. Аммо матлада гап

аниқ турк гўзали ҳақида кетмоқда. Чунки кейинги сатрдаги Самарқанд ва Бухоро шаҳарлари номи бежиз келтирилмаган. Яъни шоир турк гўзалининг қора холига туркларнинг икки марказий шаҳрини ҳадя қилмоқчи.

Рус тилида мазкур газал матлаъи шундай таржима килинган:

Дам тюрчанке из Шираза Самарканд, а если надо –
Бухару! А в благодарность жажду родинки и взгляда.

Шоир яшаган даврда Шерозда форслар билан бирга турклар ҳам истиқомат қилған. Зеро, ҳозир ҳам Эрон ахолисининг ярмини туркий халқ ва элатлар вакиллари ташкил этади. Колаверса, Халокухон даври (1256–1265)дан боилаб Эрон хукмдорлари ва сарой аъёларининг кўпчилиги туркий халқлар вакилларидан эди. Шоир улар билан доимий мулоқотда бўлган, баъзилари билан яқин дўстона муносабатлар ўринатган. Девоидаги бир қитъа ана шу дўсти билан жудолик туфайли қаламга олинган:

Куввати шоираи ман сахар аз фарти малол,
Мутаффаррик шуда аз банд, турезон мерафт.
Нақши Хоразму хаёли лаби Жайҳун мебаст,
Бо ҳазорон гила аз мулки Сулаймон мерафт.
Менгул он кас, ки жуз ў жони сухан кас нацинохт,
Ман хамедидаму аз колбадам жон мерафт.
Чун хамегуфтаман: «Эй муниси деринаи ман!»
Сахт мегуфту дилозурдаву гирён мерафт.
Гуфтам: «Акнун сухани хуши ки бигўяд бо мо,
Кон шакарлаҳчай хушхони хушилҳон мерафт!»

Лоба бисёр намудам, ки: «Марав!» Суд надошт,
З-он, ки кор аз назари рахмати султон мерафт.
Подшох, зи сари лутфу карам бозам хон,
Чи кунад? Сўхта аз вояти хирмон мерафт.

Мазмуни:

Шоирлик қувватим сахар пайти беҳад малол чекиб, мендан ажралиб, югурлаб кетди. Хоразм манзарасию Жайхун хаёли билан минг хил гинахонлик арз этиб, Сулаймон мулкидан кетди. У шундай кишики, ундан бошқа одам сўзнинг жонини билмайди, мен уни кўриб турибману баданимдан жон кетди. Мен унга дедим: «Эй менинг қадими мунисим!» Менга қаттиқ гапирдию дили озор чекиб, йиглаб кетди. Дедим: «Энди бизга яхши гапларни ким айтади? Чунки шакарлаҳжа, сўзи ва овози яхши кетди!» «Кет ма» деб кўп илтижо қилдим, фойдаси бўлмади. Чунки, гишт қолипдан кўчган эди. Эй, подшоҳ, лутфу карамингни кўрсатиб, яна даъват қил, не қилай? Бундай катта йўқотишдан дилим ёниб кетди.

Кўриниб турибдики, шоирининг ҳамдарди, унинг шеърларини яхши тушунадиган ҳамфир дўсти ўз Ватани – Мовароуннахрга қайтиб кетган. Бу йўқотиш шоирни қаттиқ хаяжонга солган. Тасаввуф истилохида «ёр» сўзи Худони, гоҳида эса маъшуқа ёки яқин дўстни англатган. Шу сабабли бу ерда гап аёл кини ҳақида кетаяптими, ёки дўст ҳақидами, аник айтиши кийин. Лекин бу воеа шоир қалбини қаттиқ ларзага солган.

Шоир бир рубойисида шундай ёзади:

Не қиссаи он шамъи Чигил битвои гуфт,
Не холи дили сўхтадил битвои гуфт.
Ғам дар дили танги ман аз он аст, ки нест
Як дўст, ки бо ўғами дил битвои гуфт.

Мазмуни:

У Чигил шаъми қиссасини айтолмайман, куйган дилим
ҳолини ҳам баён қилолмайман. Дилимдаги гамларимнинг
сабаби шуки, дил гамини изҳор қиласидиган бирор дўст ийқ.

Маълумки, туркий Чигил қабиласи Шаркий Туркистон
худудида яшаган. Бу қабила вакиллари ўзларининг
гўзалликлари билан шухрат топган. Мумтоз адабиётда «Чи-
гил» сўзи гўзалликни ва туркларга хосликни билдиради. Бу
рубоийда ҳам шоир ўзининг ҳамдарди ва сирдоши кетиб
қолгашлигидан, дилидаги дардларини айтадиган бирор дўсти
йўқлигидан шикоят қиласиди. Бонка бир ғазалида ҳам ўша
«Чигил шаъми» ҳажрида ёнганилигини айтар экан, энди аник
тарзда у «Самарқандлик турк» эканлитини айтади.

Сўхтам дар чоҳи сабр аз баҳри он шамъи Чигил,
Шоҳи туркон фориғ аст аз холи мо, ку Рустаме?..
Хез, то хотир бад-он турки Самарканди дихом,
К-аз насимани: «Бўй жёе Мўлиён ояд ҳаме».

Мазмуни:

Ўша Чигил шаъми ҳажрида сабр чоҳида қолиб, куйдим.
Турклар шоҳи ҳолимиздан бехабардир, Рустам қаерда?
(Фирдавсийнинг «Шоҳнома»сидаги воқеалар эслга олинмоқда).
Ўрнигдан тур, Самарқандлик туркни хотирлайлик, унинг

шабадасидаи «Мўлиён аригининг ифори келади» (Рудакий мисраси).

Бу сатрлар шоирнинг форсий ва туркий адабий меросини шухта ҳаллаганилиги, гарчи биз томонларга келмаган бўлса хам, Мовароуншаҳр шаҳарлариши яхши билганилигидан далолат беради.

Девондати бир сокийномада шоир фоний дунёниш ўткинчилиги ҳақида мушоҳада юритар экан, афсонавий турк хукмдори Афросиёб ва турк лашкарбошиларнинг номини ёд этади:

Ҳамон манзил аст ин жаҳони ҳароб,
Ки дидаст айвони Афросиёб.
Кужо ройи Нирони лашкаркашани?
Кужо Шеда – он турки ҳанжаркашани?
На ташҳо шуд айвону қасран ба бод,
Ки кас даҳма пизан падорад ба ёд...
На хуш туфт Жамшеди бо тожу ташж,
Ки; як жав наярзад сарон сипанж.

Мазмуни:

Бу ҳароб жаҳон Афросиёбнинг айвонини кўрган манзил дир. Лашкарбоши Нироннинг ўй-фикрлари қайда қолди? У ҳанжаркаш турк Шеда қаерда? Уларнинг айвону қасрлари ер билан яксон бўлди, одамлар уларнинг даҳмалари қаерда эканни ҳам билмайди... Тожу гапжли Жамшед қандай яхши айт гапки, бу муваққат сарой бир дона арпага ҳам арзимайди.

У «ҳанжаркаш турк» деганда Гарбий турк хоқонлиги хукмдори Шегуй хоқон (милодий 610–618 йиллар)ни пазарла тутади. Чунки у Сосонийлар устидаи йирик галабага эри-

шиб, Эрон худудини эгаллаб олгаи эди. Бу мисол шоирнинг Эрон ва Турон тарихини ҳам яхши билганилигини кўрсатади.

Мумтоз ўзбек шеърияти намояндалари учун Хофиз шеърияти ўзига хос маҳорат мактаби бўлган. Сайфи Саройи, Хофиз Хоразмий, Саккокий, Атоий, Лутфий, Навоий, Бобур, Манраб, Нодира, Амирий, Мунис, Оғаҳий сингари турли даврларда ва турли минтақаларда яшаган ўзбек шоирлари Хофиз шеъриятини ўзларига намуна деб билгандар. Жумладан, Алишер Навоий Хофиз ғазалларини ихоятда севган, уларни доимо мутолаа қилган ва шоирнинг бадний маҳоратига юксак баҳо берган. «Насойим ул-муҳаббат» асарида Хофиз ҳақидаги шундай таърифни ўқиймиз: «Алар (Хофиз Шерозий) лисон ул-ғайб ва таржумон ул-асрордирлар. Басо асрори ғайбия ва маонийи ҳақиқийяки, сурат кисватида ва мажоз либосида адо қилибдурлар». Яъни, Навоий Хофизни илоҳий сирларнинг таржимони, илоҳий ишқини дунёвий ишқ кўринишпида (ҳақиқат маъниларини мажоз либосида) баён этган шоир деб хисоблайди.

«Девони Фоний»да Хофизнинг 211 ғазалига татаббу (наизира) ёзилган. Назиралардан бири ўша Самарқанд ва Бухоро тилга олинган машхур ғазалга ёзилган. Унинг матлаъи қуйидагича:

Гар он турки хитойи нўш созад жоми сахборо,
Наҳуст орад суи мо турктозу қатлу яғморо.

Таржимаси:

Агар ул Чинли турк синкорса алвон рангли минони,
У аввал бошлагай биздан азобу қатлу яғмони.

(Муаллиф таржимаси)

Яқинда Қашқадарёда бўлганимда дўстларимдан бири Қарии районида Шерозий қабри борлигини айтиб қолди. Албатта бу менда катта қизиқиш уйғотди. Тезда ўша жойга бордик. Бешкент яқинида Нукробод деган қишлоқ бор экан. Қишлоқ оқсоқолларининг айтишича, бу ном илгари Рукнобод бўлган ва кейинчалик талаффузи ўзгариб кетган. Хофиз газалларда куйланган Рукнобод ариғи васфини эсланг:

Бидех, соки, майи боки, ки дар жанинат наҳоҳи ёфт
Канори оби Рукнободу гулганини Мусаллоро.

Мазмуни:

Эй соқий, боқийлик майини келтир, Рукнобод суви қирғоқлари ва Мусаллода гул сайрини жаннатда ҳам томонлайсан.

Қишлоқда илгари шу номда арик ҳам бўлган экан. Энг муҳими, бу ерда кичикроқ масжид ва Шерозийнинг қабри ҳам бор. Мавжуд маълумотларга кўра, Хофиз Мовароуннахрга келмаган ва Шероздаги ўзи севган Мусалло боғида дафн этилган. Кейинчалик темурийзода Абулқосим Бобур шоир қабрини янада обод қилиган. Ҳозирги пайтда Ҳофизия деб аталадиган мазкур боғ ва ундаги шоир мақбараси катта зиёратгоҳга айланган. Нукробод қишлоғидаги эса шоир муҳлислари томонидан ясалган рамзий қабр бўлиши мумкин, ё бўлмаса, асли шерозлик бошқа бир шахснинг қабри бўлса керак. Бу қишлоқ номини ва мавжуд қабрни халқимизнинг шоир ижодига катта муҳаббати рамзи десак, хато бўлмайди. Умуман, Шероз билан Қашқадарё воҳаси ўртасида қадимда

борди-келдилар кўп бўлганга ўхшайди. Яккабоғ туманидаги Шерози қишлоғи ҳам бежиз шу ном билан аталмаган бўлса керак.

Соҳибқирон Амир Темур 1393 йили тобеликдан бош товлаган Форс ҳукмдори Шоҳ Маисур устига яна қўшин тортади ва шиддатли жаңглардан кейин Шерозни қайта эгаллайди. Бир ойга яқин шу шаҳарда туриб қолади. Бу вакт ичида у Хоғиз Шерозий қабрини зиёрат қилган бўлиши керак. Сўнгра Соҳибқирон Ироқ сари юришини давом эттиради ва ўғли Умаршайхни Форс вилоятининг ҳокими қилиб қолдиради. Умаршайхнинг фожиали ўлимидан сўнг унинг катта ўғли, 10 яшар Пирмуҳаммад то 1410 йилгача Форс ҳукмдори бўлган. Бинобарин, Умаршайх ёки Ширмуҳаммад Хоғизнинг қабри тупроғидан ўз Ватанларига юборган бўлсалар ажаб эмас. Чунки Соҳибқирон Амир Темурнинг ўзи ҳам забт этилган худудлардан авлиёлар ва улуғ зотларнинг хокларини Турон тупроғига олиб келганлиги яхши маълум.

Хоғиз Шерозий ўз давридаёқ катта обрў-эътиборга эга бўлган. Уни бир қатор подшоҳлар ўз саройларига таклиф этганлар. Ривоятларга кўра, Соҳибқирон ҳам шоирни ўзи васф этган Самарқанд ва Бухорони келиб кўришига таклиф қилган. Аммо шоир кексалиги ва узок сафарни кўтаролмаслигини айтиб, узр сўраган. Шерозда у Куръон тиловат килиш ва хаттотлик билан кун кечирган. Чунки у шоирликдан ташқари Куръони каримни 14 усуздада кироат билан ўқийдиган қори бўлган (Хоғиз тахаллуси бежиз эмас) ва чиройли хусни-хат соҳиби эди. Амир Хусрав Дехлавийнинг Хоғиз қўли билан кўчирилган икки достони бугунги кунда Ўзбекистон

Шарқшунослик институтининг Кўлёзмалар маркази хазинасида сақланмокда.

Амир Темур билан Хофиз Шерозий ўртасида бўлиб ўтган тарихий мулоқотга келадиган бўлсак, у Соҳибқиронининг адолатпещалиги, адабиёт ва илм ахлини қанчалар улуғлатанини кўрсатувчи ёркин бир мисолдир. Шу сабабли бу воқеа солномачилар эътиборидан четда қолмаган ва тарих зарварақларига муҳрланган. Кўплаб жаҳон шоирлари бу воқса хақида шеър ҳам ёзганлар.

Хофиз ижоди ҳамма даврлар учун кимматли, хеч қачон ўз аҳамиятини йўқотмайдиган бебаҳо маънавий хазинадир. Шу туфайли унинг асарлари бутун дунёда, юзлаб тилларда қайта-қайта нашр этилмоқда. Европада илк бор 1812 йилда шоир девони Йозеф Фон Ҳаммер томонидан немис тилига ўгирилган эди. Шундан кейин у кўплаб Европа тилларига таржима қилинди. Кўпгина Ғарб шоирлари Хофизга назирашлар ёздилар. Иогани Вольфганг Гётенинг «Ғарбу Шарқ девони» ҳам ана шу ижодий таъсир туфайли дунёга келган эди. Рус адабиётида А.А. Фет, В.А. Жуковский, А.С. Пушкин, М.Ю. Лермонтов, С.А. Есенин, В.Я. Брюсов сингари атоқли шоирлар Хофиз лирикаси образларида фойдаланиб, шеърлар яратгашлар.

Ўзбекистонда ҳам Хофиз асарлари бир неча бор қайта нашр этилган. 2014 йили изланувчан тадқиқотчи, Ўзбекистон тожик маданият маркази бошқаруви аъзоси Олимжон Давлатов томонидан шоир девони кирилл алифбосида оригинал тилида чоп этилди. Совғабон тарзда шашр этилган китоб шоирининг муҳлисларига ажойиб совға бўлди. Айни пайтда, Хофиз Шерозий девонини ўзбек тилида янги таржималар

билин бойитиб, напр этиш галдаги вазифаларимиздан биридир.

Соҳибқироннинг нодир ҳайкалчаси

Соҳибқирон Амир Темурнинг нодир ҳайкалчаларидан бири 1997 йилнинг 29 ноябрида Истанбулдаги «Конрад Интернейшил» меҳмонхонасида ташкил қилинган кимошди савдосига қўйилган эди. Эртаси куни кўпгина газеталарда кимошди савдосининг натижалари ҳакида хабарлар босилди. Мухбирлар дикқатини жалб қилган буюм эса Соҳибқироннинг француз ҳайкалтароши Жан Леон Жером (1824–1904) томонидан ишланган ҳайкалчasi эди. Амир Темурни от устида, қўлида түғ ушлаган ҳолда акс эттирган бу бронза ҳайкалча (104 X 94 см катталикда) йўқолган деб ҳисобланарди, аммо у Авни Месерретчи ўғли коллекциясида сақлаб келинган экан. У кимошди савдосида юксак нархда – 65 миллиард лирага (216 минг долларга) сотилди. Ҳайкалчани сотиб олган шахснинг номи эълон қилинмади.

Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон матбуотида ҳам бу ҳайкалча ҳакида хабарлар босилган, унинг сурати эълон қилинган эди. Жан Леон Жером ўз даврида Наполеон, Буюк Фридрих сингари манихур саркардалар ҳайкалчаларини яратиш билан шухрат қозонган. Ўша пайтда Амир Темур номи ҳам Европа холоскори сифатида эҳтиром билан тилга олинар, у ҳақда кўплаб бадиий ва тарихий асаллар яратилган эди. XIX асрнинг иккинчи ярмида ишланган мазкур ҳайкалчада муаллиф

асосан Farb тарихчиларишинг асарларидан фойдаланганлити, Соҳибқиронни Чингизхонга ўхшаш жаҳонгир қиёфасида акс эттиришга интилғанлиги сезилиб туради.

Анқарадаги Расм ва ҳайкал музейида ҳам қизиқарли бир асар бор. Машхур рус рассоми В.Верещагин томонидан 1880 йилларда ишланган улкан рангтасвир асари «Бухоро аскарлари Амир Темур қабри бошида» деб номланган. Унда Бухоро амири саркардалари Чор Россияси аскарларига қарши жанг олдидан Гўри Мир мақбарасида Соҳибқирон руҳидан мадад сўраб, луо килаётгаш пайт акс эттирилган. Маълумки, В.Верещагин Чор армиясининг Ўрта Осиёдаги истилочилик юришларида қатнашган, ҳатто жангларда бевосита иштирок этган. Шу орада у кўплаб расмлар ишлаган, хотиралар ҳам ёзган. Мазкур асар ҳам шу туркумдан бўлса керак.

Бу асарнинг музейга қаердан келиб колғанлиги номаълум. Тахминларга кўра, у Шўролар хукумати томонидан 20-йилларда Туркия раҳбари Отатуркка ҳадя қилинган бўлиши ёки Биринчи жаҳон уруши арафасида бир кўргазмага келтирилиб, қолиб кетган бўлиши мумкин.

Испан элчисининг саёҳатномаси

1402 йилнинг 28 июлида Анқара шаҳри яқинидаги Чубук водийсида (ҳозирги Эсенбоға аэропорти яқинида) Амир Темур билан Усмонли султони Боязид Йилдирим аскарлари омонсиз жангта киришдилар. Эрталаб бошланган шиддатли тўқиашув кечга якин Туркистон амирининг ғалабаси билан якунланди.

Ушбу жантта гувоҳ бўлганлар орасида Кастилия ва Леон (хозирги Испания) қироли Дон Энрике учинчининг Соҳибқирон ҳузурига йўллаган элчилари Пайо де Сото Майор ва Эрнан Санчес де Паласуэлос ҳам бор эди. Клавихонинг ёзишича, қирол уларга Амир Темур ва унинг рақиби Боязиднинг қудратини, бойлигини, бир-бирига қарши қанча аскар ташлаганини ўрганиш ва бўлажак жағни кузатишни тоширган эди. Жангдан сўнг Амир Темур элчиларни қабул қиласи, улардан испанлар давлати ва қиролнинг ҳол-ахволи ҳакида суриширади, зиёфатларга таклиф этиб, кўп ҳадялар беради. Кастилия вакиллари Амир Темур қароргоҳида бўлган пайтларида барча кўрган нарсаларини ёзиб борадилар. Элчиларнинг қайтиш пайти келганида Соҳибқирон икки давлат ўртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлаш максадида улар билан бирга қобилиятли беклардан Муҳаммад Кешийчи ҳам мактуб ва соввалар билан Кастилияга элчи қилиб жўнатади.

Кеший у срга эсон-омон стиб бориб, мактуб ва совваларни Энрике учичига тошириди. У қирол ҳузурида бир неча бор бўлади, зодагонларнинг зиёфатларида иштирок этади, мамлакатдаги тартиблар ва испанларнинг урф-одатлари билан якинда танишади. 1403 йили испанларнинг иккинчи элчиси Клавихо билан бирга қайтган Кеший узоқ ва машиққатли йўл босиб, 1404 йилнинг август ойи охирларида Самарқандга этиб келади.

Соҳибқирон Кастилия элчиларини 8 сентябрь куни Самарқанд ташқарисидаги Дилкушо боғида қабул қиласи. Улар билан келган Муҳаммад Кеший ҳам испанияликлар кийимини кийиб олган эди. «Темурбекнинг Кастилия қироли

хузурига йўллаган элчиси хам биз билан бирга эди. Испанча кийинган элчини кўриб, ватандошлари қулдилар», деб ёзади Клавихо.

Клавихонинг «Самарқандга, Темур саройига саёҳат кундалиги. 1403–1406 йиллар» номли асари кўичиликка яхши маълум. Хўш, махсус тошириқ билан келган биринчи элчилик вакиллари ёзган ҳисоботлар қиролга топширилган бўлса, Испания архивларида сақланиб қолмадимики? Ахир, уларда нодир маълумотлар бўлиши мумкин-ку!

Ха, сақланиб қолган экан. Рус тилида чоң этиладиган нашрлардан бирида кичиккина бир хабар босилди. Унда айтилишича, Кастилияниг биринчи элчилиги вакили Хуан Эскамильонинг йўл хотиралари ҳозирги пайтда Мадриддаги Қироллик музейида сақланар экан. Энг муҳими, унда элчи Амир Темур хузурида кўрганларини батафсил қобозга туширган экан.

Хуан Эскамильо Сохибқирон армиясининг аъло даражадаги тузилишини, унинг жаиг усулларини, Ҳиндистон юришидан олиб келинган ўрта аср «танклари» – жанговар филларининг хусусиятларини таърифлаган. Забт этилган худудларда тартиб-интизомнинг таъмиланишини, ҳаётниг тезда қайта изга туширилиши уни ҳайратга солган. Зеро, у қисқа вақт ичida бу жойларда барча соҳада ўсиш-ўзгариш ва жопланишлар рўй берганлигига тувоҳ бўлган. Лйниқса, униг Амир Темур девонида фаолият олиб борган кўп сошли котиблар ва хаттотлар ҳакидаги хотиралари қизиқарлидир. Жумладан, у ҳозирги шарқли ручкаларниг илк намунаси бўлган қамиш қаламларини батафсил тасвирлаган. Қаламлар шундай тайёрланган: қамиш қалам ичига ингичкароқ бир бўлак гаров ўрнатилган. Гаров

ичиға ўсимликлардан тайёрланган сиёҳ қуиилиб, юкори томони беркитилгаи. Қамиш қаламнинг уч қисмига эса остки томони силлиқланган гуруч дони сим билан маҳкамланган. Юкоридаги сиёҳ гуруч донига аста-секин оқиб тушавергаи. Бу эса бир марта қуйилган сиёҳқаламни икки-уч ҳафта мобайнида қайта тўлдирмасдан ишлатиш имконини берган. Хуан Эскамилью узок сафарлар пайтида бундай қаламнинг баҳоси йўқ эканлигини мароқ ва ҳавас билан ёзади.

Испания архивларида тарихимизга оид яна кўплаб нодир маълумотлар борлиги шубҳасиз. Мамлакатларимиз ўртасида тобора кентайиб бораётган маданий ва илмий алоқалар яқин йиллар ичida уларни янада чуқурроқ ўрганини ва кенг оммага етказиш имконини беради, деб ўйлаймиз. Колаверса, Жаҳон тиллари университетининг мамлакатимизда ягона испан тили факультети устоз ва талабалари ҳам бу ишга ўзларининг муносиб хиссаларини қўшадилар, деб умид қиласиз.

Хаттотнинг кашфиёти

Хаттотлик санъати кадимда нихоятда қадрланган. Машҳур ҳусниҳат соҳиблари шоҳлар саройида хизмат қилганлар ва ўнлаб нодир асарларининг асрлар оша бизгача стиб келишига муносиб хисса қўшганлар.


Кози Аҳмад ўзининг ҳусниҳат соҳиблари ва рассомлар хақидаги рисоласида шундай ҳикоя қиласиди: Амир Темур Кўрагон даврида Самарқандда Умар Ақтоъ исмли ҳусниҳат соҳиби бор эди. Унинг ўнг қўли йўқ эди. Аммо чап қўл билан шундай чиройли ёзар эдикӣ, кўрганлар хайратда қолар ва унга таҳсинлар ўқирдилар. У Соҳибқирон учун

Куръоннинг нодир нусхасини тайёрлади. «Фубор» деб аталувчи ноёб хат услубида битилган бу Куръон шунчалик кичик эдики, уни узукнинг кўзига жойлаштирса ҳам бўлар эди. Муқаддас китоб нусхасини у Соҳибқиронга ҳадя қилди. Аммо кутилган мукофотни ололмади. Чуники Амир Темур ҳазратлари Оллоҳнинг каломи нихоятда майда ёзилғанлигини маъқулламадилар.

Умар Ақтоъ энди энг катта Куръон нусхасини ёзишга киришди. Ундаги ҳар бир ҳарф бир заръ (тирсак) ва ундан ҳам каттароқ қилиб битилган эди. Қўлёзма тугалланиб, безатилганидан ва муқоваланганидан кейин хаттот уни аравага ортиб саройга йўл олди. Бу хабар Соҳибқиронга етказилди. Амир Темур дин пешволари ва сарой аъёнлари билан биргаликда хаттотга пешвоз чиқиб, ҳадяни қабул қилди. Хаттотга таҳсинлар ўқиди ва муносиб тарзда мукофотлади.

Ҳозирги пайтда Самарқанддаги Бибихоним мадрасаси ҳовлисида турган улкан тош лавҳ мазкур Куръони карим учун тайёрланган бўлса ажаб эмас.





ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИДА КУТУБХОНА

Амир Темур Кўрагон илм ва маърифатга катта эътибор берган. Каерга бормасин, машхур олим ва шоирларни саройига чорлаган, улар билан дин ва илмнинг турли соҳалари бўйича қизикарли мунозаралар ўтказган. Турли ўлкалардан подир китобларни Самарқандга олиб келган. Ўша пайтда Самарқанддаги Соҳибқирон қароргоҳи – Кўксаройда жойлашган салтанат қутубхонаси турк, араб ва форс тилларидаги кўлёзмаларнинг бой хазинасига айланган. Кутубхонада Куръони карим, ҳадис ва тафсирлар, фикх, фалакиёт, тиббиёт, илми нужум, жўкрофия, фалсафа, тарих, мантиқ, адабиёт ва тилигуносликка оид кўплаб китоблар бўлган. Айни пайтда, бу ерда дипломатик ёзишмалар ва турли расмий хатларининг нусхалари ҳам сақланган.

Кутубхона ҳузурида кўлёзмаларни кўчириши ва китобат қилиш устахонаси ҳам бўлган. Устахонада моҳир хаттолар иш олиб боришган. Мухаммад Термизий, Йўлқутлуғ, Амир Мухаммад Бадриддин, Хожа Абдуллоҳ Кепий шулар жумласидандир.

Мирзо Улугбек даврида кутубхона янада бойиган. Машхур хаттолар қадимти юнон файласуфларининг асарлари таржимаси, фалакиёт илмига оид турли асарлар, Низомий, Амир

Хусрав Дехлавий, Хофиз Шерозий каби шеърият усталарининг девонларини кўчириб, чиройли китоблар яратгандар.

Шохруҳ Мирзошииг иккинчи ўсли Бойсунқур Мирзо (1397–1433) ҳам адабиёт ва санъат ошини бўлган. Муаррихлар унинг «олти қалам»да хат ёзганилигини таъкидлайдилар. Яъни у хатининг риқъо, шасх, настаълик, райхоний, куфий, сулс каби услубларида чиройли ёза олган. У Хиротда «Нигористон» деб аталган ўзига хос бадиий ва илмий академия ташкил этган. Унда 40 га якиш олим, хаттот, сахҳоф (муковачи), варрок (көвөзсоз уста), наққон, лаввоҳ (лавҳа чизувчи) ва бошқа ҳупар эгалари иш олиб боришган. Нодир ҳусниҳат сохиби Мавлоно Жаъфар Табризий бу жамоага раҳбарлик қилган. «Нигористон»да нодир кўлёзмалар чиройли ҳусниҳатда кўчирилиб, уларга миниатюра расмлари ишланган. Ҳирот миниатюра мактаби бир қатор кобилиятли хаттот ва наққонларининг етишиб чиқицига сабаб бўлган. Тарихий солномаларда бу даврда ижод қилган Мавлоно Захириддин Азҳар Табризий, Мавлоно Маъруф Бағодий сиғари хаттотлар, Сайд Аҳмад наққон, Хўжа Али Мусаввир каби миниатюрачи рассомлар, Кавомиддин Табризий каби маҳоратли сахҳофлар помлари қайд этилган. «Нигористон»да яратилган китобат санъатига онд нодир асарлар бугунги қуидадунёниг кўнгина музейларида мавжуд.

Тарихчиларинг ёзишича, бир гурух олимлар Бойсунқур Мирзо ҳомийлигига тиббиёт, жуғрофия, ҳандаса, ўсимликшунослик сиғари фан соҳаларида ҳам илмий изланишлар олиб боргандар.

Энг муҳими, Бойсунқур Мирзо Ҳиротда катта кутубхона ташкил этган. Жумладан, унинг бопчилигига Абулқосим

Фирдавсийнинг «Шоҳнома» асарининг мукаммал матни тикланган. Бойсунқуринг ўзи сўзбоши ёзган безакли ва суратларга бой бу нусха ҳозирги шайтда Техрон музейида сақланади. Шунингдек, Амир Хусрав Дехлавий ижодининг мукаммал мажмуаси тайёрланган.

Бойсунқур мирзо 1414 йилдан бошлаб Мозандарон, Астробод ва Журжон вилоятларига ҳокимлик қилган, сўнгра отаси қошида вазирлик вазифасини бажарган. Бир муддат Эрон Озарбайжони ҳокими бўлган бу истеъододли шаҳзода оғир касалликка учраб, 36 ёшида вафот этган.

Бойсунқур адолатли хукмдор бўлиш билан бирга, қобилиятили шоир, хаттот ва наққон сифатида ҳам танилган. Ўз даврининг машҳур бинолари нештоқидаги кўпгина ёзувларни ўз қўли билан ёзган.

Темурийзода Искандар Мирзо Форс ўлкасининг ҳокими бўлган даврда катта кутубхона яратган. Кутубхонада машҳур хаттот Мавлоно Маъруф бошчилигига кўшина нодир асалардан нусхалар кўчирилган. Натанзийнинг «Мунтахаб уттаворих» асари, Ҳайдар Хоразмийнинг шеър ва достонлари Искандар Мирзо ҳомийлигига китобат қилинган.


Шоҳруҳ Мирзонинг яна бир ўғли – Иброҳим Мирзо ҳам ўзининг илм ва маърифатга ҳомийлиги билан ном қозонган. У ҳам ўзи ташкил этган кутубхонада кўплаб подир асаларни тўплаган. Шарафуддин Али Яздий Иброҳим Мирzonинг тоҷиририни билан ўзининг машҳур «Зафарнома» асарини ёзган.

Бойсунқур Мирzonинг кутубхонасида бошланган ишлар шоҳ Ҳусайн Бойқаро (1469–1506) ва Амири кабир Алишер Навоий даврида янада кенгроқ миқёсда давом эттирилган.

Ўша пайтда Хирот шахри Мовароуннахр ва Хурсонда йирик маданият марказига айланганлиги яхши маълум. Бу даврда сарой кутубхонасида Камолиддин Беҳзод боғчилигидаги рассомлар, Султонали Машҳадий, Мирали Ҳиравий, Абдулжамил Котиб сингари маҳоратли хаттотлар иш олиб боришган. Жами 70 дан ортиқ хаттот ва мусаввир Алишер Навоийнинг доимий эътибори ва хомийлигига камолга етган. Буюк шоир ва давлат арбоби ўзининг 18 минг динорлик маошининг катта қисмини маънавий-маърифий ишлар ривожига, маданий иншоотлар барнио этишга сарфлаган.

XVI–XVII асрларда Ҳиндистонда адабиёт, санъат ва маданият ниҳоятда равнақ топади. Чунки Бобурий ҳукмдорлар адабиёт ва санъатни юксак қадрлар, қобилиятли шахсларни моддий ва маънавий жихатдан қўллаб-қувватлар эдилар. Атрофдаги мамлакатлар, хусусан, Ўрта Осиёлик машҳур шоирлар, тарихчилар, хаттотлар ўзаро урушлар ва низолардан қочиб, бу сурʼан бошпана топадилар. Улар ўзлари билан бирга қўплаб нодир китобларни ҳам Ҳиндистонга олиб келадилар. Бугунги кунда Ҳиндистон кутубхоналарида тарихимиз ва маданиятимизга оид қўплаб нодир қўллэзмалар сақланмоқда.

Тарихий манбаларга кўра, Мирали Ҳиравий қўли билан Бухоро шаҳрида қўчирилган ва чиройли зийнатланган «Луқмоннинг юз насиҳати» китоби кейинроқ Ҳиндистонга, Ақбарободдаги Шоҳжаҳон китобхонасига келиб қолади. Китобни минг рунияга баҳолайдилар. Бир йилдан сўнг (1631 йили) Шоҳжаҳон бу китобни ўз қизи – Жаҳоноробегимга тухфа килади.



АЛИШЕР НАВОЙНИНГ АЖДОДЛАРИ

Шаҳрисабз – Соҳибқирон Амир Темур туғилган жой сифатида бутун дунёга маълум ва машҳур. Унинг бир неча минг йиллик тарихи шонли сахифаларга бой. Бу шаҳарда туғилиб ўстган юзлаб алломалар, саркардалар, санъат ва маданият арбоблари юрт равнақига муносиб улунг қўшиганилар. Улар орасида Алишер Навоийнинг аждодлари ҳам бор.

Навоийнинг замондоши тарихчи Мирхонд ўзишининг «Равват ус-сафо» асарида шундай ёзади: «Амир Алишерининг бобоси Амир Темурининг ўғли Умаршайх билан кўкалдоши (эмикдони, бир онани эмган болалар) эди».

Маълумки, Соҳибқироннинг иккинчи фарзанди Умаршайх Мирзо 1356 йили Шаҳрисабзда туғилган. Демак, Навоийнинг катта бобоси, яъни бобосининг отаси ва онаси ўша пайтда Шаҳрисабзда янаган ва Амир Темур хонадонига якин кишилар бўлишган. Шоирнинг катта бувиси энага сифатида ўз ўғлини ва Умаршайх Мирзони эмизган ҳамда тарбиялаган.

Навоий ўзининг ilk шеърлар тўплами «Бадоеъ улбидоя»га ёзган муқаддимасида ўз оиласининг темурийлар хонадонига азалдан яқишлигини айтиб, ота-онаси олий дарражали хонадоннинг самимий хизматчиси эканини алоҳида таъкидлайди.

«Отам бу останнинг хокбези,
Онам ҳам бу саро бўстон канизи,
Манга гар худ бўлай булбул ва гар зор –
Ки, ушбу даргах ўлтай гулпану боғ».

Умаршайх Мирзо қобилиятли саркарда бўлиб стишади ва кўилаб жантларда иштирок этади. Дастреб Анижон вилоятига ҳокимлик қиласди, вилоятни мўгуллар босқинидан асрарда жонбозлик кўрсатади. Аммо 1394 йил январда Ироқ Курдистонидаги Хармоту қалъаси ёнида тасодифан келиб теккан камон ўқидан 40 ёшида ҳалок бўлади.

Амир Темур хонадони билан кўкалдошлиқ ришталари бир неча авлод давомида Алишер Навоийнинг аждодлари тақдирини белгилайди. Улар дастреб Шахрисабзда, кейинчалик Самарқандда ва Хурросон шаҳарларида давлат арбоби, маҳкама ходими, китобдор сифатида хизмат қилдилар. Умаршайх Мирзонинг чевараси, яъни ўғли Бойқаро Мирзонинг набираси Ҳусайн Бойқаро (1438–1506) эса машҳур давлат арбоби ва шоир, Алишер Навоийнинг дўсти ҳамда ҳомийси сифатида тарихда из қолдирди.

Навоий гарчи ота-боболариининг темурийлар саройида қандай мансабда бўлганини аниқ айтмаса ҳам, ҳар ҳолда катта мансабларда бўлганига ишора қиласди. Жумладан, «Вакфия» асарида шоир шундай ёзади: «...бу хокисор (Навоий)нинг ота-бобоси ул ҳазратнинг обо ва аждоди хизматларида ... улуг маротибка сазовор ва бийик машосибка комгор бўлғон эрдилар».

Навоийнинг замондоши, адабиёт тарихчиси ва шоир Давлатшоҳ Самарқандийнинг «Мажмуат уш-шуаро» («Шоирлар йиғини») китобида эса шундай сатрлар бор: «Бу донгдор амирнинг (яъни Алишер Навоийнинг) буюк мартаба-

ли отаси ўз вактининг машҳурларидан ва Чигатой элиниңг қаҳрамонларидан эди».

Чигатой эли дейилганда Чингизхоннинг ўғли Чигатайхонга улус қилиб берилган Шаркий Туркистон, Мовароунахр ва Хурросон худуди тушунилган. Шоирнинг отаси Гиёсиддин Кичкина темурийлар саройида турли вазифаларда ишлаган, бир муддат Сабзавор шахри ҳокими бўлган. Унинг фарзандлари ҳам яхши тарбия олиб, таниқли давлат арбоблари бўлиб етишган. Навоий болаликда Ҳусайн Бойқаро билан бирга ўқиганлиги яхши маълум. Шоирнинг укаси Дарвеш Али ҳам амир сифатида бир қатор шаҳарларда хизматда бўлган.

Тарихий манбаларда темурийлар Алишер Навоийга бошданоқ жуда катта ғамхўрлик килгани қайд этилган. Навоийнинг кичик замондоши, шогирди, тарихчи Хондамир «Макорим ул-ахлоқ» («Яхши хулқлар») китобида бу ҳақда шундай дейди: «Хоқони олиймақом Шоҳруҳ султоннинг ҳалифалик даврида иззат ва иқбол гулшанида омонлик ва умид мевалари берадиган бир дараҳт кўкарди, мартаба ва улуелик осмонида давлат ва баҳт-саодат кўзини ёритувчи бир юлдуз порлади.

Байт:

Дамид аз бўстони дил ниҳоле,
Намуд аз осмони жон ҳилоле.

(Кўнгил боғида бир дараҳт кўкарди, жон осмонида янги бир ой кўринди).

Яъни олий мартабали, хидоят наسابли, покиза табиатли, соғ ниятли, салтанат суюнчиғи, мамлакат устуни, ҳоқония давлатининг ёрдамчиси, султон ҳазратларининг (Ҳусайн

Бойқаронинг) яқини 17-рамазон ойи сана 844 товуқ йилида (9 февраль 1441 йил) йўқлик дунёсидан борлик оламига қадам босиб, ўзининг гўзаллиги ва порлок чехраси билан ер юзини ёритди... Соҳибқиронинг улуг помдор отаси Султон Фиёсиддин Мансур, саодатли подшоҳ Мирзо Султон Муҳаммад Бойқаро ва бошқа яқинлари, қариндош-уруглари бу буюклик тули ғунчасига (яни ёш Алишерга) ҳамиша меҳр ва шафқат кўзи билан боқар эдилар ва илҳом нишонали сўзларидан яхшилик сезиб, муҳаббат ва марҳамат билан тарбиялар эдилар».

Шу сабабли Захиридин Муҳаммад Бобур ўзининг «Бобурнома» асарида Ҳусайн Бойқаро ҳакида тапириб, «Алишербек – беги эмас эди, балки мусоҳиби эди», дейди. Яъни, сұхбатдоши, ҳамфир дўсти эканлигини таъкидлайди.

Алишер Навоий Шаҳрисабзга келганми, бу шаҳардаги қариндошлари билан алоқаси бўлганми, деган саволлар тугилини табиий. Бу саволга жавобни шоир асарларидан қидириб кўрамиз. «Сабъай сайёр» достонининг 25-бобида яшил айвонда ўтирган Баҳромга учинчи иқлим йўлидан келган мусоғир бир афсона айтади. Унда Саъд исмли мисрлик бадавлат йигитният иккита яшил кийимлик сайёҳни учраттани, улардан қаерликсиз деб сўрагани баён қилинган. Сайёҳлар шундай жавоб берадилар:

Дедилар «Кишваре дурур дилкаш,
Оти ҳам Шаҳрисабз эрур ҳам Каш.
Хизр монанд сабзадин раҳги,
Сабзаси суйи кўзгуси занги.
Шаҳрисабз ўлди бизга чун мулкат,
Йўқ ажаб гар яшилдурур кисват...»


Яъни сайёҳлар яшил шаҳар – Шаҳрисабздан келганликла-ри учун ҳам кийимлари яшил эканлигини айтадилар. Сўнгра Шаҳрисабздаги афсонавий мўъжизалар ва подшохнинг гўзал қизи ҳақида ҳикоя киласидилар. Саъд сайёҳларниң бу жозиба-ли ривоятларини эшитиб, улар билан бирга сафарга чиқади. Кўп қийинчиликларни енгиб, синовлардан ўтиб, Шаҳрисабз подшохининг қизига уйланади. Мазкур афсонавий воқеалар замирида шоирнинг бу қадимий шаҳарга меҳр-муҳаббати ўз ифодасини топган.

Қисса нихоясида Бахром мусофиридан қаердан эканлигини сўрайди:

Чунки рови тутатти қисса дуруст,
Деди Бахром: «Кэй мусофири чуст,
Аслу нудингни айлагил такрир».
Деди ровики: «Эй баланд сарир,
Шаҳрисабз аҳли зодасидин мен,
Саъдинг хонаводасидин мен».

Бу сатрларда Навоий ўзининг ҳам аждодлари асли Шаҳрисабзлик эканлигига ишора қилаётгандек туюлади. Чунки шоир боболари юрти бўлган бу шаҳарга алоҳида меҳр билап қараган. Самарқандда ўқиган йиллари Хиротга бориш ва келишда албатта Шаҳрисабзда бир неча кун қариндошлиарицида меҳмон бўлган.

Навоий асарларидағи Юқори Қаниқадарё шевасига хос бўлган кўплаб сўзлар ҳам бу фикрни тасдиклайди.



НАВОЙ АСАРЛАРИ ТУРКИЯДА

Алишер Навоий ижоди ўз давридаёқ бутун Шарк мамлакатларида, турк ва форс тилларида ташланадиган барча халқлар орасида кенг ёйилган эди. Шоир ифтихор билан «Олибмен тахти фармонимга осон, черик чекмай Хитодин то Хуросон» дегани бежиз эмасди. Бу рўйхатга, албатта, Усмонли давлатини ҳам қўшиш керак. Турк ҳукмдорлари ва зиёлилари Ўрта Осиёдаги қавмдошлари ижодини чаңқоқлик билан кузатиб борганлар. 30-йилларда самарали ижод қилган таникли адабиётшунос Миён Бузрук Солиҳов шундай деб ёзган эди: «Хусайн Бойкаронинг асрдоши бўлган Истанбул султони Султон Салим саройида Чифатой шоирларидан Саккокийниг асарлари кўринали. Демак Саккокийниг шеърлари Туркия саройларида ўз вактидаёқ ўқила бошланган... Машхур Абдуллахон (ўлими 1006 ҳижрий) Истанбулга юборган ҳадялар орасида Навоийниг «Хамса»сини ҳам юборади. Амир Умархон ҳам Лутфий, Навоий ва ўзининг девонини тўплаб, «Мухаббатнома» номи ила Истанбулга, Султон Махмудга ҳадя киласди...»

Таникли адабиётшунос Наим Каримов «Адабиёт ва санъат» газетасида эълон қилинган «Алишер Навоий ва Аҳмад Нопио» номли мақоласида Навоий ижоди турк адабиётига катта ижобий таъсир кўрсатганлигини ишончли мисол-

лар асосида кўрсатиб берди. Турк шоири Аҳмад Ношо Навоий шеърларига назира боғлайди, ўзи ҳам шу услубда ғазаллар битади. Бошқа турк шоирлари ҳам чигатой лаҳжасида шеърлар ёза бошлайдилар. Навоий ғазаллари улар учун ўзига хос ижодий мактаб вазифасини ўтайди.

Султон Боязид иккинчи Ҳусайн Бойқаро ва Алишер Навоий билан яқин алоқада бўлган, уларга тез-тез ҳат ёзиб, элчилар жўнатиб турган. Ҳиротдан ҳам турли совғалар ва китоблар келиб турган. Тарихий манбаларда келтирилишича, Навоий 1480–1481 йилларда ўзининг 33 ғазалини Боязид иккинчига совға тариқасида юборган. Кейинги йилларда ҳам бундай алоқалар узлуксиз давом этган. Масалан, 1501 йили ҳиротлик шоир Вазирий Боязид иккинчи хузурига келиб, унга Навоийнинг саломини ва шеърлар девонини тоширган.

Алишер Навоийнинг ҳатлар тўплами – «Муншаот»даги 46-мактуб Султон Ҳусайнга йўлланган. Унда Рум диёридан элчилар келганилиги билдирилган. «Наводир уш-шабоб» девонидаги 12-қитъада ҳам турк элчиларини қабул қилиш маросими акс этган:

Тухфаларким юборди Қайсари Рум,
Бўлса жинси фараанг дебоси.
Турфа кўргилким, зумраи ислом,
Анга солди фараанг яғмоси.

(Турк подшоси тухфалар юборди. У юборган Овруционинг ипак матоларини мусулмонлар талашиб-тортишиб олдилар.)

Навоий асаллари ўша пайтда Туркияда кенг тарқалганигини кўрсатувчи бир мисол: XVI асрнинг биринчи ярмида Султон Сулеймон даврида Туркияда номаълум муаллиф то-


менидан Алишер Навоий асарларига махсус луғат тузилган. «Ал-луғат ал-Навоият вал-истиҳодат ал-Чағатаият» («Навоий лугати ва Чигатой тили гувоҳномаси») деб аталган бу асар рус шарқшуноси В.В. Вельяминов – Зернов томонидан Санкт-Петербургда 1868 йили нашр этилган. 1869 йили шу шаҳарда мазкур луғат француз тилида ҳам босилган. XIX асрда Туркияда Шайх Сулаймон Бухорийшинг Навоий асарларига ёзган лугати ҳам чоп этилган.

Хозирги найтда Туркия музейлари ва кутубхоналарида Алишер Навоий асарлари кўлёзмаларининг кўплаб намуналари борлиги ҳам ана шундан далолат беради. Навоий асарларининг Туркияда муитазам чоп этиб келинаётганлиги, 20 жилдлик мукаммал асарлар тўплами нашр этилаётганлиги, шоир ҳаёти ва ижоди дарслик китобларига киритилганлиги турк халқининг буюк алломага бўлган меҳр-муҳаббати ифодасидир.

Абдураҳмон Жомий ҳам Туркия султони Мехмед иккичи (1451–1481) билан хат ёзишиб турган. Ўзбекистон Фанлар академиясининг Шарқшунослик институти кўлёзмалар жамғармасида сакланаётган Жомийнинг хатлари мажмуасида Мехмед иккичига ёзилган хат ҳам мавжуд. Унда шоир Султон юборган шеърларни олганлигини ёзган. Ўзи ҳам яхшигина шоир бўлган, тасаввуф гояларига эътиоди баланд Султон Мехмед Жомийни ҳам мутасаввиф, ҳам катта шоир сифатида қадрлаган. Жомий ўзининг «Ҳафт авранг» мажмуасини султонга совға қилган. 1472–1474 йилларда Жомий ҳаж зиёратига боргандада Ҳалаб шаҳрида уни Султон Мехмеднинг вакиллари кутиб олган. Улар шоирни катта

хурмат билан мөхмөн қилиб, Султоннинг ҳадяларини тоширганлар.

Бобурийлар давлати билан Усмонли давлати ўргасида ҳам яқин сиёсий, иқтисодий ва маданий муносабатлар ўриатилган. Захириддин Мұхаммад Бобур ёш Усмонли султони Сулаймон (1520–1566) билан хат ёзишиб турған. Ўзаро әмчилеклар алмашилган. Турк әлчилари Европадан турли ҳабарларни, астрономия асблолари, соатлар, хариталар, китоблар олиб келишгандар. Айни шайтда, Бобур Туркиядан түйсөз усталарни таклиф қылған. Улар янги түпнамалар. Улардан бири 1600 қадамдан пишонни аник урган. Бобур турк дәнгиз сайёхатчиси Шири Раис билан ҳам учрамшынан. У билан бергә дәнгиз орқали жанубий мамлакатларга саёхатта боришии орзу килған.



ДҮСТ ОФИР КУНДА БИЛИНАДИ

Биринчи жаҳон урушида Германиянинг иттифоқчиси бўлган Усмонли давлати мағлубиятга учраб, 1918 йил 30 октябрда Мандрос шартномасига имзо чекишга мажбур бўлди. Туркия ҳудудишинг катта қисми Аитанта давлатлари қўшинлари томонидан эгаллаб олинди. Озодликни қадрлайдиган турк халқи миллий курашга кўтарилди. «Куртулиш савами», яъни озодлик уруши деб номланган бу ҳаракатга Мустафо Камол Отатурк бошчиллик қилди. Ватаншарвар қучлар 4 йил давомида мустакиллик учун кураш олиб бордилар. Уларининг сафида кўплаб туркистонликлар ва бошқа туркий халқлар вакиллари бор эди.

Бу борада тадқикот олиб борган туркиялик олим Абдулваҳоб Карашинг ёзишича, туркистонликлар бу курашда фидойилик ва қаҳрамонлик намуналарини кўрсатганилар. Биргина мисол. Ҳаж зиёратига борган 40 га яқин туркистонликлар қайтиш шайтида Туркия ҳудудида тўхтаб қоладилар. Чунки Чуқур Ова ҳудуди француз аскарлари томонидан эгалланган эди. Туркистонликлар ҳеч иккимасдан озодлик куранчилари сафига кўшиладилар. Ҳожи Йўлдош бошчилтидаги турух дастлаб французларга қарши партизанлик харачати олиб боради. Сўнгра Қавақлихан фронти қўмандони

Заки Балталига мурожаат қилиб, Туркия армияси сафига кирадилар. Фидокорона жаңғ қилған 26 туркистанликдан 16 шафари шахид бўлади.

Туркистанликлар 1914–1917 йиллардаги Кавказ уруши пайтида русларга асир тушган Усмонли офицер ва аскарларини қуткаришда ҳам қўлларидан келган ёрдамни аямайдилар. Улардан мингга яқини ана шундай ёрдам туфайли Афғонистон орқали ватанларига қайтиб келадилар. Улардан бири – Таҳсин Ийбар ўз хотираларида шундай ёзади: «Сибирдаги лагерь қўрикчилари асирларга қаратা «кенг Россия худудидан ҳеч қачон чиқиб кетолмайсиз», деганди. Шундай бўлса ҳам биз бу худуддан чиқишга муяссар бўлдик. Чунки бизга туркистанликлар бою камбағал, қарию ёш бир-бирлари билан талашиб-тортишиб ёрдам қилдилар».

Озодлик уруши йилларида Туркияниг қурол ва ҳарбий техникага эҳтиёжи катта эди. Шу сабабли Отагурк 1921 йилда Ташқи ишлар вазири Юсуф Камол Тенгиршенқ бошчилигидаги ҳайъатни Москвага жўнатади. Ҳайъат Россиядан иқтисодий ва ҳарбий ёрдам сўраши керак эди. Бу пайтда Россия Туркияниг «империалистик давлатлар»га қарши курашини ҳайриҳоҳлик билан кузатиб турар, икки мамлакат ўргасидаги алоқалар анча яхшиланган эди. Ҳайъат аъзоларини қабул қилған Ленин фукаролар уруши туфайли иқтисодий вазият шихоятда оғир эканлигини, аммо Бухоро амирининг хазинасидан бир қисмiga эгалик қилаётган ёш Бухоро Жумҳурияти ёрдам беришни истаса, Россия буни Туркияга етказиб бериши мумкинлигини айтади. Бу илтимос тезда Бухоро Жумҳуриятининг Россиядаги ваколатхонаси орқали Бухоро ҳукуматига етказилади. Бу даврда Бухоро

Жумхурияти ички сиёсатда бироз мустакил, аммо ташки сиёсатда Шўролар давлатига тобе эди.

Бухоро Халқ Нозирлар Шўроси раиси Файзулла Хўжаев ва Бутун Бухоро Марказий Ижроия Кўмитаси раиси Усмонхўжа Пўлатхўжаев бунга тайёр эканликларини билдирадилар. Бу масала Марказий Ижроия Кўмитасида хам муҳокама килиниб, Туркияга юз миллион олтин сўм миқдорида ёрдам кўрсатилиши бир овоздан тасдиқланади.

Тез орада бу олтинлар юк вагонларига ортилиб, қаттиқ қўриқланган ҳолда Москвага жўнатилади. Ўша шайтда Бухоронинг янги армиясини шакллантиришида иштирок этажтган собиқ турк офицери (у Россиядаги асирикдан озод қилинган эди) Рожи Чакирўз ўз хотираларида олтинларниң саналиб, вагонларга ортилганини ўз кўзи билан кўрганлигини қайд этади. Отатуркнинг музокаралардан хабардор бўлган қуролдош дўстлари Али Фуад Жебесой, Бекир Сами, Жемал Паша хам Туркияга ёрдам Бухородан берилганлигини тасдиқладилар.


«Бухоро ҳукуматининг Анкара билан яқин алоқалари ҳақида ҳам айтиб ўтиш лозим, – деб ёзади Рожи Чакирўз ўз хотираларида, – Бухоро ҳукумати тарафидан тайинланган ҳайъат Анқарага ҳадя сифатида икки асл қилич ва бир Қуръони карим олиб борди. Қиличлардан бири шахсан Отатуркка, иккинчиси эса Измирни озод этиб, шаҳарга биринчи бўлиб кирган қўмондонга топшириш учун юборилган эди».

XX аср бошларида Бухоро амирлиги ҳудудида 3 миллиондан ортиқ аҳоли яшаган. Ўрта Осиё ҳонликлари ўртасида энг йириги ва қудратлиси бўлган Бухорода анчагина олтин қазиб олинар, тижорат ва соликлардан бир йилда 20 мил-

лион олтин таңга миқдорида маблағ түпланарди. Амирлик олтин захираларишинг бир қисми Бухоро Жумҳурияти ихтиёрида қолган эди.

Туркия тарихчиларининг ёзишича, жўнатилган ёрдам маблағининг 10 фоизигина Туркияга стиб борган. Бу йилларда Россия Туркияга 11 миллион олтин рубль миқдорида иктисодий ва ҳарбий ёрдам кўрсатганлиги ҳужжатлар билан тасдиқланган. Аммо бу кичик мадад ҳам Туркия тупроғини ишғолчилардан озод килишга муносиб хисса бўлиб қўшилади. 1922 йил 30 августда озодлик уруши ғалаба билан якупланади. Турк олимлари ва тарихчилари Бухоро ҳалқининг ёрдамини ҳамиша мишинадорлик билан хотирлайдилар ҳамда азалий кардошлигининг амалий ифодаси деб баҳолайдилар.





АНДАЛУСИЯ ИСЛОМ МАДАНИЯТИ

Милодий 711 йили Шимолий Африка араблари Жиболи тарик (Гибралтар) бўғозидан ўтиб, Испанияга бостириб кирдилар ва уч йил давомида Жанубий ва Марказий вилоятларни эгаллап учун кураш олиб бордилар. Бу ерга дастлаб мароканиликлар келган бўлса, кейинчалик мавританияликлар ва бошқа мусулмон мамлакатлари вакиллари ҳам кўчиб кела бошлади. Ерли аҳолининг каттагина қисми ҳам ислом динини қабул килди ва оз вақтдан кейин араблар билан бирлашиб кетди. X асрга келиб Испания (араблар ал-Андалус деб атаган жанубий ва марказий қисми) аҳолисининг асосий қисмини мусулмонлар ташкил этган.

Андалусия халифалик марказида узоқ бўлганлиги учун кўп масалаларда мустакил сиёsat олиб борган. 756 йилда бу ерда мустакил Кордова амирлиги ташкил тоиди. 929 йилда у Кордова халифалигига айланди. Бу даврда деҳқончилик, ҳунармандчилик, савдо-сотик, фан ва маданият ривожланди. Аммо орадан бир аср ўтгач, у ўзаро курашлар натижасида майда лавлатларга бўлинниб кетди. Кордова, Толедо, Бадахоса, Валенсия, Деңия, Альмерия, Гранада, Севильялар

кичик-кичик мусулмон давлатлари пойтахтига айландилар. Уларда санъат, маданият, илм ривож тоиди, Фарб ва Шарқ маданиятининг ажойиб тарзда бирикувидан нодир меъморий мажмуалар, бадиий ва илмий асарлар дунёга келди.

Жумладан, Кордова ва Толедода машхур илм масканлари фаолият олиб борган. Бу мадрасаларда Ёвропанинг кўпгина мамлакатларида келган талабалар диний билимлар қатори фалсафа, мантиқ, математика, кимё сингари дунёвий фанлардан ҳам сабоқ олганлар.

1150 йили Андалусияда қоғоз ишлаб чиқарип йўлга кўйилади. Қоғоз жувози Самарқандлик усталар томонидан қурилганлиги тарих китобларида ёзиб қолдирилган. Қоғоз саноати ривожи эса Андалусияда фан ва маданият равнақига катта таъсир кўрсатган. Бу янгилик тез орада бутун қитъага ёйилади. Орадан кўп ўтмай Италияда, кейинрок Ёвропанинг боинка мамлакатларида ҳам қоғоз ишлаб чиқарила бошлайди.

XIII асрда салибчиларниң юришлари ва испалларниң миллий-озодлик харакати туфайли дастлаб масихий Кастилия давлати ташкил топади. Сўнгра атрофдаги кичик мусулмон давлатлар бирин-кетин маёлубиятга учрайди. 1236 йили Кордова, кейинчалик Мурсия, 1248 йили Севилья, Валенсиялар масихий дили тарафдорлари кўлига ўтади. 1474 йили Кастилия тахтига малика Изабелла, 1479 йили эса Арагон тахтига шаҳзода Фердинанд IV ўтиради. Уларниң никохи натижасида Кастилия ва Арагон бирлашиб, Испания яхлит масихий давлатга айланади.

Бу шайтда Испания хулудида мусулмон давлатлардан фақат Гранада қолган эди. 1492 йил 2 январь куни Фердинанд ва малика Изабелланинг бирлашган қўшинлари Гранада


устидан ғалаба қозоңадилар. Шу тариқа Испания худудида бой маданий мерос қолдирған мусулмон давлатлари батамом тугатилади.

Табиийки, забт этилған ҳудудлардаги араб ёзувидаги нодир құләзмалар йүк қилинади. 1499 йили Гранададаги Шарқ құләзма китoblари сакланаёттан бой кутубхона ёндириб юборилади. 100 минг китоб күйіб күл бўлади. Бундан олдинроқ Кордова халифалари кутубхонасидаги 400 минг құләзма күйдирилган эди.

Умуман, ўзаро урушларда кўплаб китблар нобуд бўлган. Масалан, 1109 йили Тараблусда бутун Шарққа машхур бўлган кутубхона салибчилар томонидан ёндириб юборилган. 100 минг, бальзи маълумотларга кўра, 3 миллион құләзма китоб ёниб күл бўлган.

Испания худудидаги мусулмон давлатларининг тор-мор қилиниши ислом олами учун катта йўқотиш бўлди. Аммо бу давлатларда яшаган олимлар ва шоирлар қолдирған маданий мерос, меъморий ёдгорликлар бугун ҳам томошабинларниң ҳайратига сазовор бўлмоқда.





ХАЗИНАЛАР ОРОЛИ

Одамлар китоб ўқимай қўйсалар,
фикрланидан ҳам тўхтайдилар.

Дени ДИДРО

Машхур инглиз ёзувчиси Роберт Стивенсонинг «Хазиналар ороли» номли китобида бир оролга беркитиб қўйилган қароқчилар хазинасини қўлга киритиш йўлидаги саргузантлар қаламга олинган. Бу ҳақда кинофильм ҳам бор. Олтин хазиналари васвасаси минглаб одамларни йўлдан оздирганилиги, ҳалокатта дучор килганлиги тарих саҳифаларида бизга яхши маълум.

Аммо шундай бир хазиналар ороли борки, уни каашф килган киши қалбан ва руҳан бойийди, жамиятда ҳурмат ва эътибор тонади. Бу орол – китобдир. Ахир китобларда аждодларимизнинг неча минг йиллик изланиш ва каашфиётлалиги, фикр ва туйғу хазиналари мантуга муҳрлашган эмасми? Агар буюк алломалар ўз билимларини китоблар воситасида бизга мерос қолдирмаганларида бугунги тараққиётга етиб келармилик?

Йўқ, албатта. Шу сабабли ҳамма даврларда ҳам одамлар ўз билимлари ва рўй берган тарихий воқеаларни турли шаклларда келгуси авлодларга етказишга интилганлар. Инсониятнинг узок аждодлари тошга, сопол тахтачаларга, ёғочга,

терига ва папиусга (Мисрда ўсадиган папиус ўсимлиги нояларидан тайёрланган қофозсизон материалга) хат ёзган. Уларнинг айрим намуналари бизнинг кунимизгача етиб келган. Қадимги шумерийлар, бобилликлар, оссурияликлар, мисрликлар ёзувлари, қадимги турк, форс ва сүед ёзма ёдгорликлари бунга мисол бўла олади.

Антик даврда Римда мум билан қопланган тахтачага «стиль» деб аталувчи учли таёқча билан ёзишган. Таёқчанинг охирида думалоқ золдир бўлиб, у ёзилган хатни ўчиришга хизмат қилган. Бу эса битта тахтачада истаганча ўчириб ёзиш имконини берган.

Хозирги Мўгулистон ҳудудида Кўк турк хоқонлиги даврида битилган мангутошлар мавжуд. Милодий 732 йили Култегин қабрида, 735 йили Билга хоқон қабрида ўрнатилган мангутошларда ўша давр тарихи, туркий давлатларнинг шаклланишига доир мухим маълумотлар қадимги туркий ёзувда битилган.

Аммо ёзув ва китобат санъатида уч босқични алоҳида кўрсатиш мумкин. Булар – папиус, пергамент ва қофоз даври.

❖ Папиус ❖

Папиус сўзи қадимги Миср тилидаги «Па-шуро» – «шохона» сўзидан олинган. Уни подирлиги, камёблиги, нафис ёзув материали эканлиги учун шундай аташган бўлса, ажаб эмас. Юнонлар уни «библос» деб айтишган. Кейинчалик бу сўз умуман китоб деган маънони англатадиган бўлиб колган. «Библиотека» сўзи ҳам шу ўзакдан вужудга келган. У «Китоблар омбори» деган тушунчани беради.

Қадимги юон тарихчилари ва табиатшуносарининг ёзишича, папирус Нил дарёси воҳасида, ботқоқлик жойларда ўсган. У қамиш ва бамбукка ўхшаган ўсимлик бўлиб, маҳаллий аҳоли ундан қайиқлар, саватлар ясаган. Унинг поясидан узун-узун тасмалар қирқиб олиб, ёнма-ён жойлаштирилганда ва ёточ тўқмоқ билан янчиб, силлиқланганда қоғозга ўхшаш материал хосил бўлган. Шундан сўнг бир неча аср давомида папирусдан ёзув материали сифатида фойдаланиб келинган. Папирус тез синувчан бўлганлиги учун вараклар бир-бирига уланиб, узун тасма хосил қилинган. Бу тасма ўрам қилиб сакланган. Баъзи ўрамларининг узунлиги 40 метргача стган.

Папирус камёб бўлганлиги ва у фақат Нил соҳилида бўлиши туфайли бошқа мамлакатларда япги ёзув материаллари қидирила бошлиланган. Кўн ўтмай тошилган ҳам. Бу – турли жониворлар териси – пергамент эди.

Хозирги пайтда папирус ўсимлиги Африканинг тропик ўрмонларидаги сакланиб қолган.

Пергамент

Гарчи милоддан аввалги II–I минг йилликларда ёзилган тери ўрамлари мавжуд бўлса-да, пергамент эрамизнинг бошлирида айниқса кенг тарқалған ва папирусни истеъмолдан чиқарган. Юнонлар уни дастлаб «дифтера» деб аташган. Тилимиздаги «дафтар» сўзи ана шундан келиб чиқсан. Папируста нисбатан пергамент бирмуича пипик, кўпга чидайдиган эди, букланганда синмасди. Ошлаб, силлиқлангач, икки томонига ҳам ёзса бўлаверарди. Асосий камчилиги

эса – қимматлиги эди. Пергамент вараклар дастлаб шаиресдей үрам қилиб сақлашган бўлса, кейинчалик буклаб, тикиб кўйиладиган бўлди. Одатда у хар бири иккига буқланган тўрт варакдан иборат бўлиб, «тетрадь» («тўртлик») деб аталарди. Русча «тетрадь» сўзи ача шундан олинган.

Марказий Осиёда ҳам Суғд давлати (Зарафшон ва Қашқадарё воҳаси) ва сунд ёзуви шаклланиши билан пергаментдан кенг фойдаланилган. Маълумки, милодий I–IV асрлардан бошлиб бу ёзув кент худудда тарқалган. VI–VIII асрларда эса Суғд давлати Турк хоқонлиги таркибида бўлган. Кейинги йилларда сунд тилидаги ёзма ёдгорликлар Марказий Осиё, Козогистон, Шарқий Туркистон, Покистон ва Мўгулистон ҳудудларида топилди.

1932–1933 йиллари Зарафшон дарёсининг юкори қисмida жойлашган Муғ тогидан оқ ва оч кулрашт териларга ёзилган 80 га яқин сунд ёзувидаги хужжатлар топилган эди. VIII асрга оид бу хужжатлар ўша давр тарихини ўргапувчи олимларга кўп маълумотлар берди.

Сунд ёзуви қадимги уйур, мўгул ва манжур ёзувларининг яратилишига асос бўлган.

Вакт ўтиши билан пергамент янги ёзув материали – қофозга ўз ўринини бўшнатиб берди.

Қофоз

Хитойда қофозшинг кашф этилиши (эрэмизнинг 105 или) инсоният маданиятида туб бурилиш ясади. Цай Лун деган хитойлик кашфиётчи ўсимлик толаларининг сувли бўтқасини элакдан ўтказиб, қофоз тайёрлашга муваффак

бўлди. Гарчи бу кашфиёт дастлаб сир сакланган бўлса-да, VI аср бошларида Японияда ҳам қоғоз ишлаб чиқариш йўлга кўйилди.

Буюк ишак йўли воситасида қоғоз Шарқий Туркистон орқали Марказий Осиёга ҳам мунгазам етказиб берилиган. Аммо уни ишлаб чиқариш кейинпроқ йўлга қўйилган. Араб тарихчиси Ибн ал-Асирнинг ёзишича, араб саркардаси Зиёд ибн Солих 751 йили жанглардан бирида хитойлик қоғозсоз усталарни асир олади. Улар Самарқандда қоғоз жувози қурадилар. Тез орада махаллий ҳунарманандлар бу санъат сирларини эгаллаб, уни янада ривожлантирадилар, янги-янги қоғоз навларини яратадилар. Ҳатто рангли қоғозлар ишлаб чиқариш йўли ҳам топилади. Тарихчи ас-Самъонийнинг ёзишича, машҳур Хурросон қоғозини самарқандлик ҳадисшупос ва ҳунарманд Абу Али ал-Ҳасан иби Наср ал-Қоғазий, Мансур қоғозини эса япа бир самарқандлик – Абул Фазл иби Наср ал-Қоғазий тайёрлаган.

Бу даврда Самарқанд қоғози энг харидоргир маҳсулотга айланади. Тарих китобларида бу ҳақда қўплаб таърифлар бор. Абу Мансур ас-Саолибий (961–1038) ўзининг «Китоб латоиф ал-маориф» номли асарида шундай дейди: «Самарқанднинг ўзига хос нарсаларидан бири қоғоз бўлиб, у Миср қоғози (нацирус)ни ва авваллари хат ёзишган терилар (пергамент)-ни орқада қолдириб кетади. Чунки Самарқанд қоғози энг яхши, энг нафис, энг мулойим ва энг қулайдир. У факат шу ерда ва Хитойдагина бўлади...»


X–XI асрларда Самарқанд қоғози бутун мусулмон дунёсида машҳур эди. У факат Шарқ мамлакатларида гина эмас, Европада ҳам қадрланган. Рус олими В.В. Бартольднинг

тъкидлашича, Самарқанд қоғози Шарқ халқлари маданияти ривожида катта аҳамиятга эга бўлган.

Кейинчалик қоғоз корхоналари Бағдод, Дамашқ сингари йирик шаҳарларда ҳам барпо этилган. Тарихчиларнинг ёзишича, X–XI асрларда қоғоз ишлаб чиқариш усули Андалусияга (Испания) стиб келган. Уни тайёрлаш технологияси Самарқанддан олиб борилган. Андалусия орқали бу калифиёт тез орада Европа мамлакатларига тарқалган.

Ўзбекистон ҳудудида Кўқон шаҳрида ҳам кейинчалик қоғоз ишлаб чиқариш йўлга кўйилган. У «Кўқон қоғози» номи билан машҳур бўлган. XX аср бошларида Самарқанддаги қоғозсозлик жувози тутатилиб, ўрнида ун заводи барпо этилади. Шундан кейин Ўрта Осиё ҳудудида Кўқон қоғози ишлатила бошлайди. Бу ҳол ўтган асрнинг 20-йилларигача давом этган.





МАШХУР КУТУБХОНАЛАР

Ашшурбанипал кутубхонаси

Месопотамиянинг шимолида, Дажла дарёси юқори қисмида милоддан 2 минг йил олдин Оссурия давлати вужудга келган. Унинг ҳукмдорларидан бири – Ашшурбанипал (м.авв. 669–633 йиллар) даврида мамлакатда илм-фан ривожига катта аҳамият берилган. Бу даврда санъат, адабиёт, тиббиёт, ҳуқуқ соҳалари ривожланган. Ашшурбанипал қўрсатмаси сопол тахтачаларга битилган ўн минглаб қадимий тарихий, диний, илмий матнлар тўпланган.

1849–1854 йилларда европалик қадимшунослар Оссуриянинг тарихий Ниневия шаҳрини (хозирги Туркия ҳудудида) қидириб тоғдилар. Бу ерда олиб борилган қазишмаларда Ашшурбанипалинг улкан кутубхонаси – сопол тахтачаларга битилган турли хил матнлар тоғилди. Мазкур ёзма ёдгорликлар ўша даврда Оссурияда илм ва маданиятиниг турли соҳалари равиақи ҳақида бой маълумот берди.

Искандария кутубхонаси

Тарихдаги энг машҳур кутубхоналардан бири қадимда Искандария (Александрия) шаҳрида (хозирги Миср ҳуду-

дида) бўлган. Македониялик Искандар томонидан милоддан олдинги 331 йилда асос солинган бу шахардаги кутубхонада ярим миллиондан ортиқ папирусга ёзилган матнлар бўлган. Мазкур кутубхонада математик ва физик Архимед, «геометрияниң отаси» Ёвклид, географ Страбон ва бошқа олимлар иш олиб борган. Жумладан, Миср маликаси Клеопатра Искандария кутубхонасининг нодир залларида соатлаб китоб мутолаа қилган. Ўз чиройи билан шухрат тоиган бу аёл кенг билим ва қобилият эгаси ҳам бўлган. Тарихчи Плутарх у ҳақда шундай ёзади: «У фақат айрим варварлар билан таржимон орқали гаплашимаса, деярли ҳамма ўзга юртликларга – эфиоп, троглодит, яхудий, араб, суриялик, мидиялик, парфиялик... – барча-барчасига уларниң ўз тили ва лаҳжасида мурожаат қиласат эди».

Афсуски, кутубхонадаги папирусларниң катта кисми милоддан олдинги 47 йилда рўй берган ёнгин натижасида нобуд бўлган. Милодий 391 йили масиҳий мутаассиблар кутубхонаси тамомила вайрон қилиб ташлайдилар. Чунки улар китобларда масиҳийликка зид, куфр сўзлар битилган, деб хисоблайдилар.

Ўтган асрниң 70-йилларида мисрлик олимлар Искандария кутубхонасини тиклаш ташаббуси билан чиқдилар. Ундағи асосий фикр – кутубхонада инсоният томонидан яратилган энг нодир асарларни ўз ичига олган 8 миллион жилд китобни тўпланиш эди.

Ташаббус ЮНЕСКО ва бошқа халқаро ташкилотлар томонидан қўллаб-куватланди. Шундан кейин энг яхши лойиҳа учун конкурс эълон қилинди. Унда 77 мамлакатдан 1400 дан ортиқ лойиҳа таклиф этилди. Меъморларниң ҳар

қайсиси ўзига хос ечим тоңған эди. Узок мухокамалардан кейин таңлаб олинған лойиҳаня амалга ошириш учун 180 миллион доллар ажратылды. Кутубхона биноси 2002 йилдинг октябрь ойидә фойдаланишга топширилди.

Яғи кутубхона жамғармаси турли давлатларнинг хайрия қилингани китобларидан ташкил тоңған. Унинг қироатхонаси катталиги жиҳатида жаҳонда тенги йўқ. Бу ерда китобхоналар учун барча қулайликлар яратилған бўлиб, энг замонавий технологиялардан фойдаланилган. Тадқиқотчилар учун 200 дан ортиқ кабинетлар мавжуд.

Шу тариқа дунёning мўъжизаларидан бири бўлган Искандария кутубхонаси ўзининг иккинчи ҳайтини бошлади.

❖ Пергам кутубхонаси ❖

Пергам – Кичик Осиёдаги қадимий шаҳар (хозирги пайтда Туркия ҳудудида жойланған Бергама). У эрамиздан олдинги XII асрдан бошлаб юнонларнинг йирик иктисадий ва маданий маркази сифатида танилган. Бу ерда илм-маданият ривож тоңған. Машихур табиб Клавдий Гален (Милоддан олдинги 129 йилда туғилған) шу шаҳардан бўлған. Бу ерда илк бор ёзув материали сифатида папирус ўрнига пергамент (опланған тери) қўлланила бошлантган.

Антик маданиятиниң машхур ёдгорликларидан бири бўлган Пергам кутубхонаси эрамиздан олдинги 180-йиллар араfasида қурилған эди. У ўзининг катталиги ва аҳамияти жиҳатидан Искандария кутубхонасидан кейинти ўринда турған. Унда 200 минг яқин қўллётма сакланған. Пергамда ўша пайтда терини кайта ишлайдиган корхоналар бўлған.

Бу корхоналарда териладар ошланиб, хат ёзиладиган оннок чармга – пергаментта айлантирилган.

Китоб босини техникаси кашф этилгүнга қадар Европадағи асосий ёзма ёдгорликтар пергаментта битилган.

Китоб босишининг кашф этилиши

Милодий 1440 йил – Европада илк босма китоб найдо бўлган йил деб ҳисобланади. Ўша йили немис Иоганн Гутенберг Страсбург шаҳрида ҳарф босини усули билан дастлабки китобни тайёрлаган эди. Бу воқса инсоният маданияти тарихида кескин бурилиш ясади.

Аммо аслида дастлабки босма китобни 868 йили хитойлик Ван Цзе чон эттац эди. Айникса, X асрда Хитойда китоб босини юксак даражага кўтарилилган. Шунингдек, Корея ва Японияда ҳам Гутенбергтагача броизза, қалай каби металлардан ҳарф қуийиб, китоб босиш йўлга кўйилган. Аммо бу кашфиётлар сир сакланган, Европа ва Осиёга етиб келмаган.

Гутенбергдан кейин Европада китоб босиш ишлари авж олиб кетди. 1500 йилга келиб, турли шаҳарларда 200 дан ортик матбаалар ишлай бошлади. Йилдан-йилта босилган китоблар сони ҳам ортиб борди. Дастлабки ярим асрда 30 минг номда китоб босилди. XVI асрда эса тахминан 250 минг номда, XIX асрга келиб 7 миллион номда китоб чон этилди. XX асрда бу ракам 25 миллионга стди.

Китоб босини усули аста-секиши Осиё мамлакатларига ҳам етиб келди. XIX асрининг биринчи ярмида Хиндистоннинг 20 дан ортик шаҳрида китоб чонхоналари таъсис этилди. Топбосма китоблар нархи қўлёзмага қараганды анча арzon

эди. Натижада нодир асарлар ҳам кўп иусхада босила бошлиди, илгари саройларда ва бадавлат кишилар қўлидагина бўлган китоблар оддий одамлар хонадонига ҳам кириб борди. Савдогарлар форс, араб ва турк тилларида босилган китобларни кўшни мамлакатларга ҳам сота бошлидилар. Мовароуннахрда ҳам бундай китобларга эҳтиёж катта эди. Орадан ярим аср ўтиб, Ўрта Осиё Россия томонидан истило қилингач, бу ерда ҳам китоб чон этиш йўлга қўйилди.

XX аср бошлирида Ўзбекистон худудида фаолият олиб борган илкор зиёлилар – жадидлар ахоли ўртасида илммаърифат ва китобнииг аҳамиятини тарғиб этишига катта эътибор берганлар. Бу борада Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг фаолияти алоҳида диққатга сазовор. У «Самарқанд» газетаси, «Ойина» журнали, китоб нашриёти таъсис этган, Самарқанд, Бухоро, Қўқон, Наманган, Тошкент ва Андижонда китоб дўконлари очган. Бу дўконларга кўнгина Шарқ ва айrim Farb мамлакатларидан китоблар келиб турган. Самарқандда у очган кутубхона эса ўзининг китоб жамғармаси ва нодир асарлари билан Туркистонда ўша пайтдаги энг йирик маърифат маскани бўлган.

❖ Мовароуннахрда китобат санъати ❖

Кадимда китоблар ниҳоятда қадрлаинган. Чунки қўлёзма китобни тайёрлами анча мураккаб иш бўлиб, қимматга тушган. Фақат подшоҳлар ва бадавлат амалдорларгина катта кутубхоналарга эга бўлганлар.

Кўлёзма китобни яратишда хаттот, наққон, музахҳиб (зарҳал берувчи), мусаввир ва сахҳоф иштирок этган. Хат-

тот матини чиройли хуснихат билан ёзган, наққош матнинг атрофларини тўрт бурчак килиб чизган, турли нақшлар ишлаган, музахҳиб матнни ва сарлавҳаларни зарҳал бўёклар билан зийнатлаган, мусаввир алоҳида сахифаларга матнга мос суратлар ишлаган. Барча ишлар бажарилгач, тайёр китоб сахҳофга муқовалаш учун берилган.

Сомонийлар даврида Бухорода йирик кутубхона бўлган. У «Савонех ул-хикмат» («Хикматлар хазинаси») деб аталган. Кутубхонада адабиёт, санъат, тарих, фалсафа, фикҳ (ислом конунчилиги), илми нујум (астрономия), риёзиёт (математика), тиббиёт, жуғрофия ва бошқа табиий фанларга оид китоблар сакланган. Китоблар бир неча хонада сандиқларга солиб қўйилган. Улар араб, форс, пахлавий, сүд, юнон, яхудий, хитой, хинд ва турк тилларида бўлган. Кутубхонадаги мавжуд китобларнинг рўйхати тузилган.

Бу ҳақда Абу Али ибн Сино ёзиб қолдирган. У 997 йили подшоҳ Нух иби Мансурни даволаган пайтида хукмдордан кутубхонага киришга рухсат олган ва у ердаги барча иодир китобларни мутолаа қилишга муюссар бўлган. Афсуски, кутубхона ёнгин туфайли нобуд бўлган.


Салжуқийлар хукмрошлиги даврида Хурсонда маданий хаёт туркираб ривожланган. Султон Санжар (1118–1157) ўз пойтахти – Марв шаҳрини обод қилиш, илм-маърифат марказига айлантириш йўлида кўп саъй-ҳаракатлар қилган. Ўша пайтда Марвда 10 та машҳур кутубхона бор эди. Бу кутубхоналар эшиги ҳамма учун очик бўлган. Мусулмон оламининг ҳамма бурчакларидан илм ахли бу шаҳарга келар эди. Жумладан, машҳур сайёҳ, географ ва филолог Шаҳобиддин Ёқут ал-Ҳамавий Марв кутубхоналарида уч йил иш олиб

борган. Унинг машхур «Муъжам ал-булдон» («Шаҳарлар ҳақида қисқа маълумотнома») китоби ўша пайтда яратилган.

Ўша даврда Самарқанд, Балх, Хирот каби йирик шаҳарларда хам кутубхоналар бўлган.

Кадимда нодир китобларни подшохлар ўз яқинларига, бошка мамлакатларнинг ҳукмдорларига кимматбаҳо тухфа сифатида юборганилар. Хаттотлар ва наккошлар меҳнати нихоятда қадрланган. XIX аср бопларида яшаган машхур хаттот Саримсоқ Жиззахий Бухоро ва Кўкон хонлари саройида хизмат килган. Профессор А.А.Семёновнинг ёзитича, Умархон ва унинг сарой ахллари хаттотга ҳар бир қитъани ёзганилиги учун 14 тилла танга беришган.





МАШХУР ИЛМ МАСКАНЛАРИ

Маъмун академияси

Марих илмида VII–XII асрлар Мусулмон Ренессанси («Ўйғониш даври») деб аталади. Бу даврда араб халифалиги бутун Шарқни ягона империяга бирлаштирган эди. Ўнлаб йирик шаҳарларда ташиқли олимлар, шоирлар, астрономлар яшаб, ижод этгани. Халифалар саройида эса ўзига хос Академиялар вужудга келгани. Баъзи ҳукмдорларининг орзуҳаваси, бошқаларининг чинакам кизиқини туфайли каттакатта кутубхоналар барни этилди. Лотин тилидан машхур юнон олимларининг асарлари таржима қилинди.

Илм ва санъат ҳомийларидан бири халифа ал-Маъмун ар-Рашид (813–833) эди. У Бағдодда ташкил қилган «Байт ул-хикма» («Билим уйи»), яъни ўзига хос академияда баъзи наитлар 400 мингтагача кўлёзма сакланган. Араб ва юнон тилларидан ташқари, яхудий, санскрит, сурёний, форс, хитой, копт тилларидан ҳам китоблар бўлган. Энг нодир асарлар турли тиллардан араб тилига таржима қилинган.

Мазкур Академияда ўз даврининг машхур олимлари иш олиб боришиган. Улар орасида Марказий Осиёлик олимлар

хам кўн эди. Муҳаммад Хоразмий, Ахмад ал-Фарғоний, Ҳолид ибн ал-Малик ал-Марваррудий, Ал-Лаббос ибн Саид ал-Жавҳарий, Ахмад ибн Абдуллоҳ ал-Марвазий, Абу Юсуф Ёкуб ибн Саббоҳ ал-Киндий каби илм соҳиблари шулар жумласидан.

Тарихий маңбаларда қайд этилишича, милодий 830 йили халифа ал-Маъмун Византия устидан галаба қозонгач, товон пули ўрнига юпон файласуфларининг китобларини берини талаб қилган. Айни пайтда, у подир китобларни харид қилиш учун дунёнинг турли мамлакатларига махсус вакиллар ҳам жўнатган. Масалан, 830 йили худди шу мақсадда у Хоразмий бошчилигидаги олимлар гурухини Гарбий Ҳиндистон, Византия, Волганинг қуи оқими каби томонларга жўнатган.

Ана шундай саъӣ-ҳаракатлар туфайли кўнгина подир асарлар келгуси насллар учун сақлаб қолинган. Айрим араб тадқиқотчиларининг маълумотларига кўра, бугунги кунда дунёда 2 миллиондан ортиқ араб тилидаги қўлёзма мавжуд. Арабшунос олим А.Б.Халидов эса дунёда араб тилида 100 минг номдаги 630 минг қўлёзма бор, деб ҳисоблайди. Форсий ва туркий тилдаги қўлёзма асарлар ҳам талайгина.

❖ Хоразм Маъмун академияси ❖

Хоразмда X аср охири ва XI бошларида янги Маъмун академияси вужудга келди. Унинг асосчиси Хоразмшоҳ Али иби Маъмун (997–1010) эди. Абу Наср иби Ироқ ва Беруний Нипопур, Балх, Бухоро, Бағдол сингари шахарлардан таникли олимларни Гурганж (ҳозирги Кўхна Урганч) шахрига

таклиф қилғанлар. Уларнинг илмий изланишлари учун бу ерда барча шароитлар яратиб берилган. «Дор ул-хикма ва маориф» («Билим ва маориф уйи») номи билан машхур бўлган бу марказда фашинг турли соҳаларида тадқикотлар олиб борилган. Хинд, юпон, араб олимларининг асарлари ўрганилган, улардан нусхалар кўчирилган ва таржима килинган. Натижада, бой кутубхона вужудга келган. Мадраса ва хаттотлик мактабларида юзлаб шогирдлар илм ва ҳунар сирларини ўргангандар.

Астрономия соҳасидаги асарлари билан танилган Абу Наср иби Ирок, маштиқ, фалсафа ва табобат илмида ном қозонган Абулхайр иби Хаммор, машхур табиб Абу Сахл ал-Масихий, кўнижиррали илм сохиблари Абу Райхон Беруний ва Абу Али иби Сино Академия номини оламга таратдилар. Абу Бакр ал-Хоразмий ва Абул Фараж иби Хинду эса араб тилидаги шеъриятни янги поюнага кўтаргандар. Академияда жами 100 дан ортиқ машхур алломалар илмий изланишлар олиб борганлар.

Гурганждаги илмий изланишлар Хоразмлоҳ Маъмун иби Маъмун даврида ҳам муваффакиятли давом эттирилди. Тиббиёт, кимё, минералогия, астрономия, тарих, адабиёт соҳаларида кўплаб илмий асарлар яратилди.

Аммо 1017 йили уюштирилган суиқасд туфайли Маъмун иби Маъмун ўлдирилади. Кўшии Фазнавийлар давлати асосчиси Маҳмуд Фазнавий Хоразмга бостириб кириб, бу ердаги олимларниң кўичилигини ўз пойтахти – Фазна шаҳрига олиб кетади. Шу тарика Академияниң фаолияти бархам тонади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг ташаббуси билан 1997 йили Хоразм Маъмун Академияси қайта тикланди. Яқинда 1000 йиллиги халқаро миқёсда тантанали суратда нишонланган Академияда бугунги кунда фаннииг ўнлаб соҳаларида долзарб мавзуларда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Улуғбек академияси

Истиклол йилларида бой маданий меросимизни ўрганини ва тарғиб қилиш борасида катта ишлар амалга оширилди. Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов «Туркистон-пресс» ахборот агентлиги мухбирига берган интервьюсида таъкидлаганидек, «биз она заминимиз бағридаги ҳар бир моддий ва маънавий мерос намунасини кўз корачиғидек асраб-авайлаш, қайта тиклаш ва таъмирлаш бўйича қилаётган бу ишларимизни кимгадир намойиш қилиш, кўз-кўз этиш учун эмас, аксинча, келажагимизни ўйлаб, онгимиз ва қалбимиз даввати билан амалга оширмоқдамиз. Токи эртага бизнииг ўрнимизга келадиган, биз бошлигар олижаноб ишларни муносаб давом эттиришга қодир бўлган ёшларимиз ана шу бебаҳо маънавий бойлиқдан баҳраманд бўлсин, шу асосда ўзининг кимлиги, қандай буюк зотларнинг авлоди эканинии аңглаб етсин».

Самарқандда XV асрда вужудга келган Улуғбек илмий мактаби фаолияти ҳам асрлар давомида юртимизда шаклланган бой маданиятнинг узвий қисмидир. Уни тўла маънода Академия деб атани мумкин.

Соҳибқирон Амир Темурнинг набираси, Шоҳруҳ Мирзо-нинг ўғли Мухаммад Тарабай Улуғбек (1394–1449) жаҳон

тариҳида ўчмас из колдирған сиймолардан биридир. Унинг хукмронлиги даврида Самарқандда 2 та қўркам мадраса курилди. Уларда диний илмлар қатори дунёвий фанлардан ҳам сабоқ берилған. Бошқа машҳур олимлар қатори унинг ўзи ҳам ҳафтада бир маротаба бу мадрасаларда ёшлиарга дарс берар эди. Кейинчалик Бухоро ва Фиждуонда ҳам мадрасалар курилди, Самарқанддаги Бибихоним масжиди, Амир Темур мақбараси, Шохизинда ва Регистон мажмуалари қурилиши поёнига стказилди. Башқа шаҳарларда ҳам карвонсаройлар, тим, чорсу, ҳаммом ва бошқа ишоотлар барни этилди.

Улугбек кўп киррали истеъод соҳиби эди. У айниқса адабиёт, тарих, математика, астрономия соҳаларига қизикқан. Унинг энг буюк ишларида бири – Самарқанд шаҳрида ўзига хос Академия талқил этганидир. Бу илмий мактабда 200 дан ортиқ олим Улугбек раҳбарлигидаги фаннииг турли соҳалари бўйича изланишлар олиб борган. Қозизода Румий (Салоҳиддин Мусо ибн Мухаммад), Гиёсиддин Жамшид Коший, Али Күнчи (Мавлоно Алоуддин Али ибн Мухаммад Самарқандий), Низомиддин Абдул Али ибн Мухаммад ибн Ҳусайн Биржандий, Мавлоно Ҳавофий каби олимларининг аниқ фанлар соҳасидаги тадқиқотлари ва илмий хулосалари салмоқли бўлган. Улар Хоразм Маъмун академияси анъаналарини муваффақиятли давом эттирганлар.

Тарихнавис Зайниддин Восифий ўзининг «Бадоев улвақое» («Нодир воқеалар», Н.Норқулов таржимаси) асарида шундай ёзади: «Машҳурдирки, фаросату зийраклик, адолату раҳмдиллик, илму фазилат бобида Улугбек Мирзо сингари бир подшоҳ салтанат тахтида ва ҳашамат олий

мақомида ўлтиргаган... Айтишларича, Улубек мадрасасини қураётганларида мавлоно Хавофий унинг тезроқ қуриб битказилинига кўмаклашган. Чунопчи, у хар куни келиб устабони қўлига тишт узатиб турган. Бир куни Мавлоно Хавофий пўстинини тескари кийиб олиб гашт тўдалари орасида ўтирганди. Бир киши шу ерда ҳозир бўлган Мирзо Улугбекдан сўради:

— Шохим, бу улкан ажойиб мадраса битай деб қолди. Унга кимни мударрис этиб тайинламоқчисиз?

Мирзо Улубек жавоб берди:

— Бу мадраса мударриси барча илмларга моҳир, барча фанлардан баҳраманд ва комил киши бўлмоги керак.

Мавлоно Хавофий жойидан туриб: «Бу мансабга мен тайин этилтурман», леди.

Мирзо Улугбек унинг кимлиги, каерлик экани ва исмини сўради. Шундан кейин ёнига чақириб, ҳар илмдан баъзи нарсаларни сўради. Нимани сўрамасин, маъқул ва мақбул жавоб олди. Кейин уни ҳаммомга олиб бориб ювнитиришини буюриб, ўз қўли билан хос кийимлар кийдирди ва азиз тутди, уни Козизода Румий хузурига боiplab бориб, қўп таъриф-тавсиф қилди ва ўзига ҳамсабок қилди.

Айтишларича, мадраса очилгандан йиғилишиб, мунозара ўтказишган куни Мавлоно Хавофий қадимги юони олими Мажастий хақида дарс ўқиган. Ўша йиғилишда тўқсон дошишиманд ҳозир бўлган экан. Унинг сўзларини Мирзо Улугбек ва Козизода Румийдан бўлак хеч ким тушунмаган.

Мирзо Улубек дебдиларки, Мавлоно Хавофий барча илмлар ва фанлар соҳасида шундай миқёсга эгаки, агар барча китоб ва рисолаларни дарёга ташласалар ва бирор илм-

дан оламда асар қолмаса, у барча илмларни ҳаётга қайтара олишга қобилдир. Бирор илмдан ва фандан шукта ёки дақиқа побуд бўлмагай».

Улуғбек Самарқанд яқинидаги уч каватли Расадхона (обсерватория) барпо этган эди. Бу ерда осмон жисемлари, уларнинг харакати кузатиб борилган. Натижада 1018 та юлдузнинг холати қайд қилинган жадвал ҳамда астрономия ва геометрия фани асослари баён этилган «Зижи Кўрагоний» асари ёзилган. Бу асар Шарқ ва Еарб мамлакатларида катта шухрат тоғлан. Унга таниқли олимлар шарҳлар ёзгандар.

Улуғбек Академиясининг машхур вакилларидан бири Қозизода Румий номи билан танилган олим Салоҳиддин Мусо бин Мухаммад бин Маҳмуд эди. Улуғбек расадхонасининг асосчиларидан бири бўлган бу зот 1360 йиллар атрофига Туркияning Бруссса (ҳозирги Бурса) шаҳрида тувиленган. Олимнинг отаси – Хўжа афаиди дея танилган Қози Маҳмуд Куръон ва ҳадис илмини пухта билган таниқли шахс эди. У ўелининг ҳам диний пешво бўлишини истарди. Аммо Қозизода Румий ҳаётини аниқ фанларга баҳш этди. Математика ва астрономиядан йирик мутахассис бўлиб етишиди. Ўз билимини янада ошириш истагида у 1400 йили Самарқанд шаҳрига келди. Бу ерда у Амир Темур саройининг бош астрономи Мавлоно Ахмаддан сабоқ олди, Улуғбек билан танишиб, унинг илмий мактабини шакллантиришга хисса қўйди, мадрасаларда дарс берди.

Қозизода Румий математика ва астрономияга оид 10 дан ортиқ асар муаллифидир. Кўп қиррали комусий билими туфайли Румийни замондошлиари «Афлотуни замон» (ўз даврининг Илатони) деб атасиган. Олим Улуғбек билан бир-

га машхур «Зижи Кўрагоний» жадвалини тузишда фаол иштирок этган, кўплаб шогирдлар етиштирган. Улувбек ва Қозизода Румий раҳбарлигида Самарқандда фаолият олиб борган бу илмий мактаб – Академияда 200 дан ортиқ олим фанинг турли соҳалари бўйича изланишилар олиб борган. Гиёсиддин Жамшид Коший, Али Қушчи (Мавлоно Алоуддин Али ибн Мухаммад Самарқандий), Низомиддин Абдул Али ибн Мухаммад ибн Ҳусайн Биржандий, Мавлоно Ҳавофий каби олимларнинг аник фанлар соҳасидаги тадқиқотлари ва илмий холосалари салмоқли бўлган. Улар Хоразм Маъмун академияси аиъаналарини муваффақиятли давом эттирганлар.

Қозизода Румий 1437 йили Самарқанд шахрида вафот этган ва шу ерда дафи этилган.

Орадан йиллар ўтиб, унинг ота юртга қилган хизматлари шогирди Али Қушчи томонидан қайтарилди. 1470 йилда Али Қушчи ўз тадқиқотлари учун қулай жой ва истеълодини қадрлайдиган ҳомий қидириб, йўлга чиқади. Нияти устози Қозизода Румийнинг ватани, тинчлик ва барқарорлик хукмрон бўлган Усмонийлар давлатига бориш эди.

Шу мақсадда у ўз даврининг машҳур диний арбоби Ҳожа Ахрор Валидан ёрдам сўрайди Чунки йўллар хатарли, Усмонли давлатига бориш учун бир печа мамлакат ҳудудидан ўтиш лозим эди. Ҳожа Ахрор эса Абдураҳмон Жомий ва Алишер Навоийдан бу борада ёрдам беринни илтимос киласи. Алишер Навоийнинг «Мажмуаи муросалот» («Хатлар тўплами»)га киритилган 2 мактуб худди шу ҳақда. Биттасида Ҳожа Ахрор машҳур мунажжим Али Қушчиға сафарда ёрдам беринни сўраган бўлса, иккинчисида бу ёрдам учун миннатдорлик билдириб, энди оиласини ҳам Али

Күшчи ҳузурига жұнатып лозимлигини айтади. Маълумки, Абдурахмон Жомий 1436–1452 йиллари Самарқандда билім олған. Бу ерда Қозизода Румий ва Али Қүшчи билан танишган, уларнинг маъruzаларини тинглаган, Улугбек обсерваторияси фаолияти билан якнидан танишгаңди. Ана шу дўстона алоқалар туфайли Али Қүшчи Жомий ҳузурига келади. Жомий Навоийдан ҳам Али Қүшчига ёрдам беришни илтимос килади. Чунки Навоий Хурросон давлатининг Бон вазири сифатида Үсмонли султонлари Мухаммад иккичи (1451–1481) ва Султон Боязид иккичи (1481–1512) билан ёзинималар олиб борған. Жомий ва Навоий девонлари Турцияда ҳам севиб ўқилган.

Навоий Али Қүшчини қабул килиб, Оққўюли хукмдори Узун Ҳасан номига тавсиянома ёзип беради. Табриз шахрига етиб келган Али Қүшчини Узун Ҳасан яхни кутуб олади ва уни Истанбулга элчи қилиб жұнатади. Яхшигине шоир бўлган ҳамда ижод ва илм ахлини жуда қадрлаган Үсмонли султони Фотих Султон Мехмед Али Қүшчининг билими ва закосига тан беради. Истанбулда қолиб, мударрислик килинни таклиф қилади. Али Қүшчи элчилик муддати тутаганидан кейин қайтиб келиніга вაльда бериб, изи сўрайди. Орадан кўп ўтмай Али Қүшчи оиласи ва қариндошлари билан бирга Истанбулга кўчиб келади. Султон Мехмед уни кутиб олиш учун чегарага маҳсус ҳайъат юборади, йўл харажатлари учун 1000 тантага ажратади. Истанбулда эса уни кутиб олишга машхур олим Хўжазода Муслиҳиддин Мустафои чикаради. Йўл-йўлакай улар турли диний ва илмий соҳаларда баҳс юритиб, бир-бирларишнинг билимларини сипайдилар. Кейинчалик бу икки

атоқли олим дүстлашиб кетадилар, қуда-анды бўладилар. Султон Мехмед Али Кушчини Аё София мадрасасига мударрис қилиб тайинлайди. Унга кунига 200 танга мааш белгиланади.

Али Кушчининг Истанбулдаги фаолияти самарали бўлди. У мударрислик қилиш билан бирга астрономия, математика, фикҳ, тил қонун-қоидаларига оид бир талай асарлар ёзди. Меъмор Синон университетининг ўқитувчиси, профессор Хайруннисо Алан: «Усмонли туркларда математика ва астрономия билимларининг юксалиши Алоуддин Али бил Мухаммад Кушчи билан бошланади», деб ёзганида хақли эди.

Али Кушчи 1474 йил 17 декабрда 70 ёшда Истанбулда вафот этган ва шу срда дағн әтилган. Ҳанузгача бу буюк зот номи Туркияда меҳр ва эхтиром ила ёд этилади. У Истанбулга олиб борган Улугбекнинг кичик сандиқчаси эса бутуиги кунда Тўпқопи саройининг нодир экспонатларидан биридир...

Самарқанддаги Расадхона ҳузурида алоҳида илмий кутубхона бўлган. 1428–1429 йилларда ташкил әтилган кутубхона 15 мингдан ортиқ китоб жамғармасига эга эди. Мирзо Улугбекнинг фожиали ўлимидан кейин ушбу кутубхонадаги нодир асарлар Али Кушчи томонидан олиб кетилган ва ҳозирги Китоб туманидаги Кутчи қишлоғи атрофига кўмилган, деган нақллар бор.

Ёзувчи Акрам Аминов ўзининг «Ҳисорнинг кирқ мўъжизаси» номли китобида бошқача бир ривоятни келтиради: «Ривоят қилишларича, Мирзо Улугбек овни фоят севар, давлат ва илмий ишлардан чарчаганида кўпинча та-

биат бағрига отланиб қолар әкан. Бундай пайтларда йўл Омонқўтон ва Ургут томон тушаркан. Самарқанддан етмиш чақирим нарида Зарафшон ва Ҳисор тоғлари елка тирашган жойда давлатпаноҳнинг ҳазрати Башир исмли донишманд, маслаҳатгўй дўсти яшарди. Айтишиларича, бу зот Улугбекка Али Күшчини шогирдликка тавсия этган әкан. Овдан сўнг базму зиёфатлар ҳазрат Баширнинг ўилаб қорабулоклар кайнаб ётган катта чорбонида ўтказиларди. Улугбек табиатшунос ва файласуф дўсти ҳузурида бир неча кунлаб қолиб кетарди».

Ҳазрати Башир маноқибидаги Али Күшчига доир маълумотлар ҳам бу икки машҳур зот ўртасида устоз-шогирдлик муносабатлари бўлганлигидан далолат беради. Унда айтилишича, Улугбек қатл этилгач, Али Күшчи ҳазрати Башир ҳузурига келади ва бу ерда ўз илмий изланишиларини давом эттиради. У шогирдлари билан яшаган жой ҳозирги Кутчи қишлоғи бўлса керак, деган тахминлар бор.

Али Күшчи Улугбек илмий мактаби анъаналарини муваффақиятли давом эттирган атоқли олим эди. Ундан 20 дан ортиқ илмий асар мерос бўлиб қолган. Айниқса, унинг «Ҳисоб рисоласи», «Астрономия рисоласи», «Табобат ҳақида қисқача китоб», «Улугбек зижига шарҳ» каби асарлари ўз даврида нихоятда машҳур бўлган.

Академия шуҳратини ёйишда атоқли олим Фиёсиддин Жамшид Кошийнинг хизматлари катта бўлган. У Козизода Румий билан бирга расадхона ва мадраса қурилишига раҳбарлик қилган, «Зижи Кўрагоний»нинг яратилишига муносиб ҳисса қўшган. Али Күшчи, Ҳусайн Биржандий каби истеъдод сохиблари унинг тарбиясида камолга етганлар. Ко-

ший астрономияга оид «Суллам ус-само» («Осмон нарвони»), «Нузҳат ул-хадойик» («Боглар сайри»), математикага доир «Рисола ал-муҳития» («Айланы ҳакида рисола»), «Рисола ул-атвор вал-жайб» («Ватарлар ва синус ҳакида рисола»), «Мифтоҳ ул-хисоб» («Арифметика калити») сингари илмий асарлар муаллифицир. У математикада яратган қашифийлар ҳозиргача ўз аҳамиятини йўқотмаган.

Улуғбек қатл этилгач, Академия фаолияти хам тўхтаб қолади. Олимлар турли мамлакатлардан бошпана тонадилар. Аммо Академияда амалга оширилган ишлар ва илмий тадқиқотлар Ўрта ва Яқин Шарқ мамлакатларида астрономия ва математика фанлари ривожига катта таъсир кўрсатган. Кўплаб олимлар «Зижи Кўрагоний»га шархлар ёзганлар. Улуғбекнинг кичик замондоши Алишер Навоий:

Темурхон наслидин Султон Улуғбек,
Ки олам кўрмади султон анингдек.
Анишг абои жинси бўлди барбод,
Ки давр ахли биридин айламас ёд.
Валек ул илм сори тоиди чун даст,
Кўзи оллида бўлди осмон наст.
Расадким боғламиши зеби жаҳондур,
Жаҳон ичра яна бир осмондур.
Битиб бу навъ илми осмоний
Ки андин ёзди «Зижи Кўрагоний».
Қиёматга дегунча ахли айём
Ёзарлар олинг аҳкомидин ахком, –


деб ёзганида ҳакли эди.

XVII аср бошлирида Улуғбекнинг шуҳрати ва у яратган илмий мактаб қашифийлари Оврунога хам етиб келди. Инг-

лиз астрономлари Жоп Гревс (1602–1652) ва Томас Хайд (1636–1703) «Зижи Кўрагоний»даги юлдузлар жадвалини инглиз ва лотин тилларига таржима қилиб, чоң этдилар. 1690 йилда поляк астрономи Ян Гевелий ўзининг «Юлдузлар осмони атласи» китобида Улуғбекнинг хаёлий суратини чизди ва унга юксак баҳо берди. Гуржистон шохи Вахтанг VI (1703–1724) «Зижи Кўрагоний»ни ўрганишга киришади ва патижада унинг гуржи тилидаги нусхасини эълон қиласди. Кейинги асрларда ҳам буюк олим меросига мурожаатлар кўп бўлди.

Улуғбек ва унинг мактаби вакиллари қаламига мансуб ўйлаб асарлар бугунги кунда жаҳондаги кўнгина мўътабар кутубхоналар жамғармасида мавжуд. Масалан, «Рисолай Улуғбек» деб номланган математикага доир асарнинг бир нусхаси Ҳиндистондаги Алигарх университети кутубхонасида сакланади. Мазкур илмий ва маданий мероснинг янада чукурроқ ўрганилиши мамлакатимизда аниқ фанлар тарихининг нодир саҳифаларини камф этиш имконини беради.





ЎЗБЕКИСТОН – КОРЕЯ: ТАРИХИЙ АЛОҚАЛАР

Жазбекистон билан Корея ўртасида бир неча минг километрик масофа бор. Аммо корейс ва ўзбек халқларининг менталитети, яшаш тарзидаги айрим ўхшашликлар қадимда улар ўртасида иқтисодий ва маданий алоқалар мавжуд бўлганлигидан далолат беради. Кейинги йилларда қадимшунослар ва тарихчиларнинг излапишлари ҳам буни тасдиқламоқда.

Биринчи корейс давлати – Чосон милоддан олдиши V–IV асрларда ташкил топган. Аммо милоднинг бошларида бу давлат учга бўлиниб кетган. Шимолда Когурё, жанубишинда Силла, жануби-ғарбда Пэкче давлатлари вужудга келган. Когурё ва Нэкчеда IV асрда, Силлада VI асрда буддавийлик расмий динга айланган.

Олимлар фикрича, буддизм Хитой, Корея ва Японияга Ўзбекистон ҳудудидан тарқалган. Мамлакатимиз жанубини ўз ичига олган Күшон салтанатида буддавийлик давлат динига айлашган эди. Милодий VII асрда Хитой сайёхи ва файласуфи Сюань-Цзян Тармита (Термиз)да ўнга яқин буддавий ибодатхона мавжудлиги ва уларда мингта яқин роҳиблар яшаганлигини ёзиб колдирган. Күшон подшоси Канишка I (милодий 103–125 й.) ҳукмронлиги даврида диний йигинлар чақириб туриш жорий этилган. Дастлабки йигинда

буддизмнинг янги мазхаби — маҳаяна расмийлаштирилган. Бу эса буддизмнинг Осиё мамлакатларида кенг тарқалишига, унинг жаҳон динларидан бирига айланишига асосий сабаблардан бўлган.

Ўша пайтдаёқ Хитой, Корея ва Япония билан Ўрта Осиё давлатлари ўртасида ўзаро борди-келдилар, савдо ва дипломатик алоқалар йўлга кўйилган. 2007 йилда Сеул шахрида бўлиб ўтган «Корея Республикаси – Марказий Осиё» биринчи ажуманида Кореядаги «Хан Син» университети профессори Пак Санг Нам қадимги Афросиёб харобаларида сакланиб қолган деворий суратлар тасвирини намойиш қилиб, улардаги иккита юксак рутбали шахс расми ва кийимлари уларнинг Когурё давлатидан эканлигини кўрсатиб турғанлигини айтди. Демак икки минг йилдан ортиқроқ вақт илгари хам Самарқанд ва Когурё ўртасида ўзаро алоқалар бўлган.

Тарихий манбаларда ёзилишича, Силла давлати мавжуд бўлган пайтда Бухородан ва Самарқанддан анчагина кишилар тижорат ёки расмий ишлар билан бориб, дастлаб Хитойда, сўнгра Кореяда яшаб қолишган. Улар Ан, Каш, Пэк фамилияларини олишган. Масалан, Корея подіпоҳи Чен Попг Вангнинг ота-боболари самарқандлик бўлишган. Унинг авлодлари эса Каштин сулоласига асос солган. 1500 йил олдин Кореяда хитойлик генерал Канг Сежак яшаган. У хам асли самарқандлик бўлган.

Тошкентда будда ибодатхонасига раҳбарлик қилган Ян Ки Фун Ўзбекистондаги миллатлараро тотувлик ҳақидаги мақоласида тарихий алоқаларимиз хакида шундай ёзади: «Қадимги корейс Махан сулоласи даврида Вольчикук деган

шахар ийтахт бўлган. Милоддан аввалги Й-асрда Амударё бўйларида яшаган туркий қабилалар корейс тилида Вольчи деб аталган. Улар сўнгра Корея худудига кўчиб ўтиб, Махан сулоласига асос солишган. Хитой тарихий манбаларида Махан сулоласи хукмронлиги даврида одамлар от мишиб юрганлиги қайд этилган. Отлардан улов сифатида фойдаланиш анъанаси ҳам туркий халқлардан ўтиб келган.

Силла хукмдорларининг тожи аланга шаклида бўлган. Бу эса Ўрта Осиёдаги Тохарлар сулоласи тожига жуда ўхшаш. Тохарларниң камар тўкасидаги ҳайвонларниң тасвиirlари (йўлбарс, сигир, кўй, илон) ҳам Кореядаги тўқалар тасвирiga жуда яқин. Илгари Кореядаги Чжечжудо ороли Токкар (хитой тилида тохар) деб аталган».

Кейинги асрларда ҳам ўзаро мағаний ва дипломатик алоқалар давом этган. Чунки туркий қабилалар яшаган Ўрта Осиё, Олтой ва Сибирь худудлари Корея шимоли билан чегарадош бўлган. Кўп сонли туркий қабилаларниң чорвардорликка асосланган турмуш тарзи йил фаслларига боелиқ ҳолда тез-тез яшали жойини ўзгартиришни тақозо этарди. Шу сабабли улар корейслар билан ҳам тохида қўшини бўлиб яшанишган.

935 йили Ван Гон Корея худудидаги уч давлатни бирлаштириб, уни Корё давлати деб атади. Бу давлат Хитой, Япония ва қўшии туркий хоиликлар билан савдо-сотик қилган. Бу ерга хатто араб савдогарлари келганлиги ҳакида ҳам маълумотлар бор. Аммо ўзаро жанг-жадаллар ҳам бўлиб турган. Масалан, турк-мўғул қабилаларидан ташкил топган Қилаилар (хитанлар, хитайлар) 993, 1010–11, 1018–19 йилларда Корёга ҳамлалар уюнтирганлар.

Қадимда қиданлар ҳозирги Хитайнинг шимоли ва Мұғалистон ҳудудида күчиб юрган. Қиданлар номи илк бор IV аср манбаларыда учрайди. Улар Олтой тоелари ва Шарқий Туркистан ҳудудидан жаңуби-ғарбга силжиб, 420 йилда Боло (ҳозирги Қарши) шаҳрини ўзларига қароргох қилишган.

907 йили қабила бошлиғи Ела-Буга ўзини подио деб эълон қиласы, қўши турк ва мўғул қабилаларини бўйсундириб, салтанатини ғарб ва шимолга қараб кенгайтиради. 926 йили шарқда Бохай подшолигини (унга шимоли-шарқий Манжурия, Шимолий Корея ва бошка ҳудудлар кирган) бўйсундирган. 947 йили Қиданлар салтанати Буюк Ляо, 983 йили Қиданларнинг Буюк давлати, 1066 йилдан яна Буюк Ляо деб аталган. У Шарқий Осиёда Япон деңгизидан Марказий Осиёгача чўзилган қудратли давлат бўлган.

XI аср охирларидан Буюк Ляо таназзулга учрай бошлаган ва 1125 йили чжурчженлар томонидан тутатилган. Қиданларнинг бир қисми Гарбий Туркистонга қорақиданлар (қорахитойлар) номи билан кўчиб ўтган. Уларниң асосий қисми Талас ва Чу дарёлари ҳавзасида чорва билан тирикчилик қилган. Кейинчалик улар қўши туркий халқлар таркибиға сингиб кетган. Ҳозирги шайтда ўша халқларниң баъзи номлари кирғиз, қозоқ ва қорақалпоқлар таркибида уруг номи сифатида, Ўзбекистонда жой номлари сифатида сакланиб колган. Қиданлар Хитайнинг шимолида яшаганилиги учун Хитайнинг русча номи ҳам (Қидан – Китай) шу атамадан келиб чиқкан.

XIII аср мўрул қўшиларининг юриплари билан тарихда машҳур. Чингизхон ва унинг авлодлари ер юзининг одам

яшайдиган ҳамма қисмларини эгаллашни орзу қилишарди. Хитой, Ўрта Осиё ва Эронни қўлга киритган мўғуллар 1231 йилда Корея ҳудудига дахл қиласди. Кўп йиллик жангжадаллар натижасида Корея ҳам эгалланиб, 1273 йили Хитойда Хубилайхон ташкил қиласган Юань империяси таркибига киради. Корсёда мўғуллар ҳукмронлиги XIV аср ўрталаригача давом этди.


Тарихчиларнинг маълумот беришларича, Чингизхон давридаги мўғул қўшинларининг учдан икки қисми туркӣ қабилалардан ташкил топган экан. Кейинчалик, чингизий хону тўраларнинг бари, уларнинг қўшинлари ҳам туркийлашиб, туркий тилда гапира бошлаган. Бинобарин, мўғул қўшинларида хизмат киласган аскарлар – туркий тилли қабилалардан эди. Кейинчалик, бу қўшинни ташкил қиласган қабилалар кенг даштиклар аро ёйилиб, ҳозирги ўзбек, қозок, қирғиз, уйғур, корақалпок, туркман ва бошқа туркий тилли халқлар таркибига сингиб кетди.

Туркий тилли қабилалар билан баъзи тарихий шароитларда ёнма-ён яшаган, муентазам равишда маданий, сиёсий, иқтисодий алоқалар қиласган корейс халқи маданиятида, тилида, урф-одатларида ўша суронли даврларнинг изи қолганлигига бутун ажабланмаса ҳам бўлади. Ўзбек профессори Мирсадик Исҳоқов кўп йиллардан бери Шарқ халқлари ўргасидаги ана шундай маданий алоқалар бўйича тадқиқотлар ўтказиб келади. Унинг фикрича, суғд алифбоси корейс алифбосига ҳам таъсир ўтказган. Корейс тилида ҳозир ҳам «кимсан», «қамоқ», «сув» ва хоказо сўзларни учратиш мумкин. Қадимги туркий тилимизда «кимсан» сўзи олтинни билдирган. Бу сўзни худди шу маъноларда Алишер

Навоий асарларида хам учратамиз. Ўзбек тилидаги «кимхоб» сўзи аслида зардўзи матони англатган. Кореяда Кимсан тори бор, бу – Олтин тоғ демакдир. Икки халқ менталитетидаги ўхшаш жиҳатлар борасида-ку соатлаб гапириш мумкин.

Мустакиллик даврида Ўзбекистонимиз олдида чет мамлакатлар билан ўзаро мағбаатли ҳамкорлик қилини соҳаларида кўплаб имкониятлар эшити очилди. Бугун Корея мамлакати Ўзбекистоннинг Шарқдаги энг яқин ва асосий ҳамкорларидан бири саналади. Мамлакатларимиз ўртасидаги маданий, иқтисодий, дипломатик муносабатларнинг янада мустаҳкамланиб, тобора ишончли тус олиб боришида юкорида тилга олинган тарихий алоқалар тагзамии бўлаётганлиги шубҳасиздир. Зеро, тили – тилларга тутанишга халқларимизниг дили – дилларга тутанишида хам хикмат кўп.





МУНДАРИЖА

Мангубердининг ҳаёти ва курашлари	3
Мавлоно Румий сабоқлари	19
«Хиш сехргари»нинг дүйёвий шухрати	32
«Зафарнома» ва унинг муаллифи	38
Олтип Ўрлада ўзбек тили	44
Такдир ғаройиботлари ёки тарихнинг тақрорланishi	56
Насафийларниң бебаҳо мероси	61
Илм ва адаб қуббаси	79
Мумтоз адабиётимиздаги туюқ жанри ҳакида	89
Буюк мұхаббат ва хижрои қўшиқлари	94
Мунитарак мерос	97
Туркистон билан Туркия дипломатик алоқалари	
тарихидан лавҳалар (XV–XIX асрлар)	102
Насриддин Афанди дүиё кезади	112
Маънавий қўприклар	117
Темурийнома	128
Амир Темур ва Хоғиз Шерозий	128
Соҳибқироннинг иодир хайкалчаси	138
Испан элчисининг саёҳатномаси	139
Хаттотнинг қашфиёти	142
Темурийлар даврида кутубхона	144

Алишер Навоийнинг аждодлари	148
Навоий асарлари Туркияда	153
Дўст оғир кунда билинади	157
Андалусия ислом маданийти	161
Хазиналар ороли	164
Иапируз	165
Пергамент	166
Қобоз	167
Машхур кутубхоналар	170
Ашиурбанишал кутубхонаси	170
Искандария кутубхонаси	170
Пергам кутубхонаси	172
Китоб боситининг кашф этилиши	173
Мовароуниаҳрда китобат санъати	174
Машхур илм масканлари	177
Маъмун академияси	177
Хоразм Маъмун академияси	178
Улугбек академияси	180
Ўзбекистон – Корея: тарихий алоқалар	190

Адабиёт-бадиий нашр

Носир Мұхаммад

СИРЛИ ЗАРВАРАҚЛАР

Тарихий этюдлар

Мухаррир *M. Аҳмад*

Бадиий мухаррир *P. Маликов*

Техник мухаррир *T. Харитопова*

Мусаххих *Ш. Шоабдуррағимова*

Кичик мухаррирлар: *Д. Холматова, Г. Ералеева*

Компьютерда тайёрловчи *Л. Абкеримова*

Нашриёт лицензияси АІ № 158, 14.08.2009.
Боссивга 2016 йил 7 июнда рухсат этилди. Офсет корози.
Бичими 60x70¹/₁₆. «Peterburg» гарнитурасида офсет
усулида босилди. Шартли босма табоги 9,75.
Напр табоги 8,39. Адади 3000 пусха. Буюргма № 16-409.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг
«O'zbekiston» нашриёт-матбаа шжодий уйи.
100011, Ташкент, Навоий кўчаси, 30.

e-mail: uzbekistan@iptd-uzbekistan.uz
www.iptd-uzbekistan.uz

Муҳаммад, Носир

М 96 Сирли зарвараклар [Матн]: тарихий этюдлар/
Н. Муҳаммад. – Тошкент: «O'zbekiston» ИМИУ,
2016. – 200 6.

ISBN 978-9943-28-553-8

УЎК: 821.512.133
КБК 63.3(5Ӯ)

19524

633/5
M 96



«O'ZBEKISTON»

ISBN 978-9943-28-553-8

A standard linear barcode representing the ISBN number.

9 789943 285538